

ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАР
ОЛАМИ



Адолат
тарозиси

Иккинчи наشري

ТОШКЕНТ – «О‘ЗБЕКISTON» – 2018

УЎК: 821-512-133-3
КБК 84(4Ў)6
О 52

Тўпловчи:

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

ISBN 978-9943-01-902-7

© Е. ОЧИЛОВ, 2013, 2018
© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2013, 2018



БИР КУНДА УЧ МАРТА ҲОСИЛ БЕРГАН ДАРАХТ

Анушервон бир куни ов баҳонасида айланиб юрар экан, ёнғоқ экаётган кекса бир чолни кўриб қолибди.

– Ҳой, отахон, нима қиляяписиз? – деган экан, чол:

– Ёнғоқ экаяпман, – деб жавоб берибди.

– Ёнғоқ кеч ҳосилга киради. Шундай экан, у қачон вояга етади-ю, сиз қачон унинг мевасидан баҳраманд бўласиз?

– Мен бу дарахтларни ўзим учун эмас, орқамда қолаётганлар учун эка-

япман. Чунки бошқалар экканини биз еганимиз каби, биз эккан дарахтдан ҳам бошқалар баҳраманд бўлишади.

Чолнинг жавобидан ниҳоятда таъсирланган Анушервон унга минг танга инъом қилибди.

– Сиз менга меҳнатингнинг самарасини кўрасанми-йўқми деган эдингиз, – дебди шунда қария лутф қилиб, – Кўриб турганингиздай ҳеч кимнинг дарахти меникичалик тез ҳосил бермаган.

Анушервон унинг топқирлигидан хурсанд бўлиб, яна минг танга берибди.

– Бошқаларнинг дарахти бир йилда бир марта ҳосил берса, подшоҳи оламнинг ҳиммати шарофати билан менинг дарахтим икки марта ҳосил берди, – дебди бунга жавобан чол.

Чолнинг донолигига қойил қолган
Анушервон яна минг танга эҳсон қи-
либди.

ЯХШИЛИКНИНГ БАҲОСИ

Анушервони одил¹ ҳукмронлиги
даврида икки дарвеш унинг саройига
келиб, улардан бири баланд товуш
билан:

– Ёмонлик кўрмай десанг, ёмонлик
қилма! – деса, иккинчиси:

– Яхшилик қилган киши яхшилик
кўради! – дебди.

¹ *Анушервон (Нўширавон)* – одиллиги
билан ном чиқарган сосонийлар сулоласидан
бўлган Эрон шоҳи (ҳукмронлик йиллари –
531–579). У Шарқ халқларида адолат тим-
соли.

Анушервон уларнинг бирисига минг, иккинчисига икки минг динор инъом қилибди. Мулозим ва нади-млари ҳукмдорнинг бу ишидан ҳайрон бўлиб сўрашибди:

– Икковининг сўзи ҳам бир маънони ифодалагани ҳолда, нега икки хил мукофот бердингиз?

– Тўғри, – дебди Анушервон жавобан, – лекин яхшилиқни улурлаш учун улардан бири нуқул ёмон сўзини, иккинчиси фақат яхши сўзини ишлатди.

ОДИЛОНА ҲУКМ

Анушервони одил замонида бир киши қўшнисининг ҳовлисини сотиб олди. Кунлардан бир куни ер чопаётиб, ҳовли чеккасидаги дарахт ёнидан бир кўза тилла топиб олди. Кўзани

қўлтиқлаб, ҳовли сотган одамнинг олдига борди.

– Ҳовли чеккасидаги дарахт ёнидан мана бу хазинани топиб олдим. Уни сен қўмган бўлсанг керак, демак, у сеники, – деди.

– Йўқ, – деди ҳалиги одам, – мен ҳовлини ери ва дарахтлари билан биргаликда сенга сотганман, шунинг учун энди бу хазина ҳам сеники.

Улар узоқ тортишиб, охири ажрим қилишини истаб, Анушервони одилнинг ҳузурига бордилар. Воқеани сурриштириб билгач, ҳукмдор улардан сўради:

– Фарзандларингиз борми?

– Ҳа, – деди улардан бири, – менинг ўғлим бор.

– Менинг эса қизим, – деди иккинчиси.

– Унда қуда-анда тутининглар, –
маслаҳат берди Анушервони одил, –
хазинани эса куёв билан келинга
тухфа қилингллар.

ФАРОСАТ

Бир шоҳнинг яккаю ёлғиз зурриё-
ди бўлиб, у шунчалар уқувсиз экан-
ки, унга салтанат тугул, оддий бир
ишни топшириш ҳам амримаҳол экан.
Ўғлимни қандай хунарга ўргатсам
экан, деб шоҳ узоқ бош қотирибди ва
охири фолбинликни маъқул кўрибди.
Устоз фолбинлар бу мушкул вазифани
чор-ночор ўз зиммаларига олишибди.

Орадан йиллар ўтиб, улар шаҳ-
зодани саройга бошлаб келишибди:

– Олампаноҳ, ўғлингиз фолбин-
ликнинг барча сир-асрорларидан во-

қиф бўлди – нимаики билсак, унга ўргатдик.

Шоҳ узугини кафтига яшириб, ўғлини синов қилибди.

– Қани, айт-чи, қўлимдаги нима?

Шаҳзода ерга чизиб, фол очибди:

– Қўлингиздаги нарсанинг ўзи думалок, ўртаси тешик, – дебди ниҳоят.

Шоҳ бундан роса мамнун бўлибди.

– Баракалла, ўғлим! Лекин сен унинг фақат аломатларини айтдинг. Энди отини ҳам айт-чи?

Шаҳзода ўйлай-ўйлай:

– Тегирмон тоши, – деб жавоб берибди.

Бу гапни эшитган шоҳ пешонасига уриб, фарёд чекибди:

– Билим кучи билан барча аломатларни топдинг, лекин одамнинг

кафтига тегирмон тоши сифмаслигига фаросатинг етмади.

ИСТЕЪДОД ҚАДРИ

Бир подшоҳнинг ниҳоятда хушхат ва жуда билимдон котиби бор эди. Бир куни у подшоҳ номидан қўшни мамлакат ҳукмдорига мактуб битар экан, хизматкори кириб: “Ун тугади!” деб қолди. Бутун диққатини муҳим мактубга қаратган котибнинг хаёллари тўзғиб кетди. Унинг шу даражада асаби бузилдики, беихтиёр мактубга “Ун тугади” деган жумлани ёзиб юборди. Мактубни тугатиб, подшоҳга жўнатди.

Подшоҳ мактубни ўқиб, ҳайрон бўлди. Чунки бу жумла бутунлай бегона бўлиб, на ўзидан олдинги ва

кейинги гапга боғланарди. Котибни ҳузурига чорлаб, унинг сирини сўради. Котиб қаттиқ хижолат чекиб, бўлиб ўтган воқеани айтиб берди. Бу гапни эшитиб, подшоҳ ниҳоятда таъсирланди.

– Бунда сенинг ҳеч бир айбинг йўқ, – деди. – Аслида сенга ўхшаган истеъдод эгаларини муҳтожлик домига ташлаб қўйган биз гуноҳкормиз.

Шундан кейин котибни шу даражада таъминлаб қўйдики, у умрининг охиригача гўзал мактублар битиш ва китоблар кўчиришдан бошқа нарсани хаёлига ҳам келтирмади.

САБРЛИГА ТОЛЕ ЁР

Одоб хазинасини юрагига жойлаган бир йигит бор эди. У ўз бахтини

тополмай, бир неча вақт сарсон-саргардонликда юрди. Кунлардан бир куни Анушервоннинг ходимларидан бирининг хизматига кириб қолди. У ердаги қийинчилик ва макру ҳийла-ларнинг азобига қанчалик бардош бермасин, бирор фойда кўрмади. Қоронғи тунларни эса оғир хаёллар билан ўтказди.

Кунлардан бир кун Анушервон ўз мулозимларидан: “Энг мулоғим нарса нима?” – деб сўради. Биров: “Момик”, деб жавоб берди. Биров: “Товуқ патлари”, деди. Яна бирови эса: “Шоҳидан мулоғимроқ нарса нима бўлиши мумкин”, деди. Шу пайтда ҳалиги йигит сарой тепасида турган эди. У мулозимларнинг жавобидан Анушервоннинг кўнгли тўлмаганини кўриб, сўзлашга ижозат

сўради. Ижозат бўлгач, деди: “Энг мулойим нарса тинчликдир!” Анушервон унга офарин айтди ва яна сўради: “Энг яхши овқат нима?” Йигит: “Шаҳвоний қувватни оширмайдиган ва танда иллат қўзғатмайдиган овқат энг яхшидир”, деди. Яна сўради: “Энг яхши шароб қайси?” Йигит: “Ақлни зое қилмайдиган ва касаллик пайдо қилмайдигани”, деб жавоб берди. Яна сўради: “Гулларнинг ичида энг ширин ҳидлиси қайси?” Йигит: “Ота-она тириклигида уларни хурсанд қиладиган, ўлгандан кейин эса номини боқийлаштирадиган ҳаёт гули бўлмиш фарзанд”, деб жавоб берди.

Анушервон йигитни тақдирлади ва ўз ҳақимлари орасига олди.

ЖАМШИДНИНГ¹ ТЎРТ УЗУГИ

Жамшид тўртта узук ясатиб, уларнинг ҳар бирига биттадан сўз ёздириб қўйган эди. Биринчи узукда “Оҳисталик ва чора” деган сўзлар ёзилган бўлиб, бунинг маъноси: “Шошилиш ёмон хислат, барча ишларни шошилмай, чора-тадбирини топиб қилиш керак” демакдир. Иккинчи узукнинг кўзига “Одиллик ва иморат” сўзлари ёзилган эди. Бунинг мазмуни: “Мамлакатда адолат билангина иттифоқлик ва раванқ иморатини тиклаш мумкин” дегани эди. Учинчи узук кўзига: “Ростлик ва шошилиш” сўзлари ёзилган

¹ *Жамшид* – қадимий Эроннинг афсонавий подшоҳи.

эди. Бунинг маъноси: “Дўстларга фақат рост сўзлаш керак” дегани эди. Тўртинчи узук кўзига: “Жазо ва инсоф” сўзлари ёзилган бўлиб, бунинг маъноси: “Бировни жазога тортаётган пайтда инсоф юзасидан иш кўриш керак” дегани эди.

Жамшид ҳар бир узукни шу узук кўзидаги сўзлар мазмунига оид ишга қўл урганида тақиб олар ва унга доим қараб турар эди.

ЭНГ ҚИММАТБАҲО ЛИБОС

Бир куни Ардашер Бобак¹ ўғлининг ғоят қимматбаҳо кийимлар кийиб олганини кўрди. Уни ёнига чақириб:

¹ *Ардашер Бобак* – Эрондаги сосонийлар сулоласининг асосчиси (тахм. 180–239 ёки 241).

– Ўғлим, киши шундай либос кийиши керакки, бундай либос ҳеч бир хазинада бўлмасин, – деди.

Ўғли ундан:

– Эй ота, у қандай либос, нимадан тикилади? – деб сўради.

– У шундай либоски, – жавоб берди отаси, – матоси гўзал хулқ ва эзгу ишдан, ипи эса муроса ва сабрдан бўлади.

ХҲРОЗ НЕГА ҚИЧҚИРАДИ?

Каюмарснинг¹ Пушанг отли ўғлини Давоманд² тоғида девлар ўлдиради. Бундан бир қуш огоҳ бўлиб, қаттиқ нола қила бошлайди. Шоҳ шу қуш етовида ўғлининг жасадини

¹ *Каюмарс* – Эроннинг пешдодийлар сулоласига мансуб ҳукмдор.

² *Давоманд* – Эрондаги тоғ.

топади. Каюмарс бошқа фарзандларидан бирини юртга бошлиқ тайинлаб, ўзи девларни ўлдиришга отланади. Каюмарс йўлда кетаётиб, бир оқ хўрозни учратади. У йўл бошида туриб қичқирмоқда, сал олисроқда бир товукни илон ўраб олган. Хўроз қичқирибгина қолмасдан жон-жаҳди билан илонга ташланар ҳам эди. Бу ҳолат Каюмарсга хуш келади ва:

– Агар хўроз ўз жуфтини қутқариш учун курашаётган экан, демак, бу жониворнинг ҳам феъли инсонга ўхшаш, – дейди.

Илоннинг бошини янчиб, хўроз билан макиёни озод қилади. Уларни ўз ўғилларига бериб, асраб-авайлашни буюради. Шундан бошлаб элда товук сақлаш расмга айланади. Чунки улар бор хонадонларга девлар

2-Адолат тарозиси

йўламас эмиш. Хўрознинг чақирishi эса яхшилик белгиси.

Бир куни ўша оқ хўроз кутилмаганда кечки пайтда қичқириб қолади. Одамлар бунинг сирини билолмай ҳайратланишади. Сўнг маълум бўладики, Каюмарс ўлган экан. Шунинг учун хўроз кечки пайт қичқирдими – бу ёмонлик хабари, ундай хўрозни дарҳол сўйиш лозим, деган фикр ақида шаклида асрлар мобайнида яшаб келган.

ИСКАНДАРНИНГ¹ АДОЛАТИ

Искандар қўшинлари билан қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган

¹ *Искандар* – Шарқ мамлакатларида Искандар Зулқарнайн номи билан машҳур бўлган македониялик саркарда ва давлат арбоби Александр Македоний (милоддан аввалги 356–323).

жазирама саҳрода ташналиқдан азоб чекиб ётганида одамлари бир меш сув кўтариб кетаётган чолни тутиб келтирдилар.

– Сувни қаёққа олиб бораяпсан? – сўради Искандар.

– Ўғилларим ташналиқдан жон олиб-жон бераяпти, – жавоб беради чол.

Искандар мешни қайтариб берар экан:

– Бу сувнинг ҳаммасини мен ичолмайман. Жангчиларимга бўлиб берай десам, барибир етмайди, – дейди, – ундан кўра сен ўғилларингга олиб бора қол.

ҚОЙИЛМАҚОМ ЖАВОБ

Искандар Зулқарнайн Эрон шоҳи
Дорога қарши уришмоқчи бўлганида
бирова:

– Шунга эса тутингки, Доронинг
саксон минг аскарлари бор, – деб уни
қўрқитмоқчи бўлибди. Искандар бун-
га жавобан шундай дебди:

– Қассоб қўйнинг қўплигидан ҳеч
қачон ваҳимага тушмайди.

МАРДЛИК МУКОФОТИ

Искандар скифларнинг¹ катта бир
гурухини асир олади. Улардан 30

¹ *Скифлар* – Қора денгиздан шимоли-
ғарбда, Дунай ва Дон, Днепр ва Днестр
дарёлари қуйи ҳавзаларидан то Волгага
қадар бўлган ҳудудларда яшаган чорвадор
аҳоли (милоддан аввалги VII – милоднинг
III асрлари).

кишини ўлимга маҳкум этади. Лекин ўлимдан заррача чўчимай, халқ қўшиқларини куйлаб, хурсанд холда сўнгги манзил сари бораётганларини кўриб, бу қавмнинг мардлигига қойил қолади ва уларни озод қилиб юборади.

ХИЁНАТКОР АЁЛ

Спитаманнинг¹ боши учун Искандар катта пул тикканини эшитиб, хотинининг хаёли бузилади. Ҳориб-чарчаган эрининг қаттиқ уйқуда ётганидан фойдаланиб, бошини чошиб ташлайди. Кейин кесилган бошни қулига кўтартириб, македон қўшинлари қароргоҳига келади. Уни

¹ *Спитаман* – Суғдиёнада ватан озодлиги йўлида Александр Македонийга қарши кўтарилган халқ кўзғолони раҳбари (вафоти милоддан аввалги 328).

шахсан Искандарнинг қўлига топширишини айтади. Искандар Спитаминнинг яккама-якка жангда мағлуб этмоқчи эди. Шунинг учун бу воқеадан хабар топгач:

– Ўз эрига хиёнат қилган хотин менга вафо қилармиди? – деб уни хайдаб юборишни буюради.

АНТИҚА ҚАВМ

Зулқарнайн ўлим ва нафсни енгилга уринган бир қавмга дуч келади. Бу ердаги одамларнинг қўлида дунё бойлигидан ҳеч бир нарса йўқ эди. Таомлари ҳам сабзавотлардан иборат. Шунингдек, бу қавмнинг одамлари ўзларига қабр қазиб, шу ерда ибодат қилар эдилар. Зулқарнайн қавмнинг ҳукмдорини ҳузурига чақиртирди.

– Менинг ҳеч ким билан ишим йўқ. Кимнинг менда иши бўлса, ўзи ёнимга келсин, – деди у.

Зулқарнайн ҳукмдорнинг ёнига борди ва:

– Мен сени чақиртирдим, нега ҳузуримга келмадинг? – деб сўради.

Ҳукмдор:

– Сенга ҳеч бир эҳтиёжим йўқ, агар бўлганда ҳузурингга келар эдим, – деб жавоб берди.

– Сиздаги аҳволни ҳеч кимда кўрмадим. Унинг сири нимада?

– Бизнинг олтин ва қумуш билан ишимиз йўқ. Чунки бир оз олтин ёки қумуш топган кишининг янада кўпроқ топиш учун ҳузурини йўқотганини кўрдик. Шунинг учун ҳам дунё бойлигидан воз кечдик.

– Бу қабрлар кимга керак? Нега қабр қазиб, уларнинг ёнида ибодат қилмоқдасизлар? – деб сўради.

– Дунё бойлигига майл қилмаслик учун шундай қиламиз. Қабрларни кўриб, бир куни у ерга тушишимизни ўйлаб, ҳамма нарсдан воз кечамиз.

– Нега сабзавотдан бошқа ҳеч нарса емайсизлар? Ҳайвон боқиб, сути ва гўштини истеъмол қилсангизлар бўлмайдими?

– Ошқозонларимизнинг жонли ҳайвонларга мазор бўлишини ис-тамадик. Сабзавотлар билан ҳаёт кечирмоқдамиз. Зеро, томоқдан ўт-гандан кейин ҳеч бир нарсанинг таъми қолмайди.

ТУШДАГИ ИШОРАТЛАР

Искандар дунёни айланиб чиққунига қадар жаҳонни забт этишини башорат этувчи турли тушларни кўрган экан. Улардан бирига кўра, жумла жаҳон узук бўлиб бармоғига тақилган эмиш. Аммо бу узукнинг тоши йўқ эди. Бу ҳақда Арастудан¹ сўраганида у айтдики, сен жаҳонни оласан, лекин ундан етарли даражада фойдалана олмайсан, чунки узук — мамлакат, тоши эса унинг султони-дир.

ОҚИБАТ

Искандар Зулқарнайн шундай васият қилган экан:

¹ *Арасту* — буюк юнон файласуфи Аристотель (милоддан аввалги 384–322).

– Мен ўлгач, мозорга олиб бораётганда қўлимни тобутдан чиқариб қўйинглар, токи ярим дунёни эгаллаган бўлсам-да, у дунёга қуруқ қўл билан кетаётганимни одамлар кўриб қўйсин.

ИСКАНДАРНИНГ ОТИ

Суғдийлар Искандарнинг Суғдга юришини тўхтатиб қўйиш мақсадида унинг Букефал деган севимли отини ўғирлашибди. Букефалга тенг келадиган от ўша даврда йўқ эди. Искандар уни жуда қаттиқ севарди. Шунинг учун турли томонларга чопарлар юбориб, агар суғдийлар отини қайтариб беришмаса, уларнинг хотинлари ва болаларини қаттиқ азобга дучор қилишини маълум қилади.

Бундан кўрққан сугдийлар Букефални қайтариб берадилар. Искандар бундан жуда хурсанд бўлади ва отини олиб келганларга катта хадялар беради.

ХИЁНАТНИНГ ЖАЗОСИ

Эрон шоҳи Доро¹ Искандар билан қаттиқ жанг олиб боради. Ҳатто онаси, хотини, қизи ва ўғли Искандар кўлига асир тушганида ҳам унинг сулҳ ҳақидаги таклифларини қабул қилмайди. Лекин Доронинг энг яқин кишиларидан бўлган Бесс² унга хиё-

¹ *Доро (Доро III)* – Эрондаги аҳамонийлар сулоласининг охириги ҳукмдори (вафоти – милоддан аввалги 330).

² *Бесс* – аҳамонийларнинг Бақтрия ва Сугдиёнадаги сатрапи.

нат қилади – Дорони ўлдиради-да, хазинасини ўғирлаб, Ўрта Осиёга қочади. Искандар Доронинг мурдасини топиб, уни иззат-икром билан дафн эттиради. Спитаман тутиб жўнатган Бессни эса минг бир шармандаликка дучор этиб, кейин шафқатсизларча қатл қилдиради.

ОГОҲЛИК ҚЎНФИРОҒИ

Искандар тушида жаҳаннамни айланиб юрар экан, ҳайвонсифат бир ҳолга тушиб қолган ҳинд шоҳи Сенхосга дуч келади.

– Нега бундай аянчли аҳволга тушдинг? – деб сўраганида, у шундай жавоб беради:

– Ҳад-ҳисобсиз гуноҳларим, тўққан дарё-дарё қонларим учун. Лекин ақлингни йиғиб, инсон зотига жабру

зулм қилишни тўхтатмасанг, сен мендан ҳам баттар ҳолга тушасан.

ИСКАНДАР ВА СУҚРОТ¹

Искандар Суқротни бир неча марта ҳузурига чорлади, лекин донишманд келмади. Ниҳоят, ўзи уни излаб борди. Суқрот қуёшда тобланиб ётар эди. Искандарни кўрса-да, ўрнидан қўзғолмади.

– Одамни шунчалик ғафлат босадими? – ўзини сезмаганига ишора этиб, киноя қилди Искандар.

– Аслида мен эмас, ўткинчи давлатга мағрур бўлган сен ғофилсан, – жавоб қилди Суқрот.

– Нега чақирсам бормадинг?

¹ *Суқрот* – қадимги юнон файласуфи Сократ (милоддан аввалги 469–399).

– Сенга эҳтиёжи бўлмаган одам сени бошига урадимми?

– Бирор тилагинг бўлса айт, – деди Искандар.

– Менинг икки қулим бор: бири – хирс, бири – шахват. Мен уларни ўзимга бўйсундирганман, сен эса уларга қулсан, – деди Сукрот. – Шундай экан, мен қулларимнинг қулидан нима ҳам сўрашим мумкин?

ФОНИЙ ИСКАНДАР

Искандар мангу яшаш илинжида зулмат мамлакатадаги оби ҳаётни излаб йўлга тушади. Унга Хизр ва Илос пайғамбарлар ҳамроҳлик қиладилар. Искандарнинг амрига кўра йўлда улар ажраладилар – Искандар ўзининг ёш паҳлавонлари билан бир

йўлдан, Хизр ва Илёс бошқа йўлдан кетадилар.

Икки пайғамбар бир ерга етганда сувга дуч келадилар. Хизр йўлда ейиш учун олган балиғини сувга ташлаган эди – у тирилиб сузиб кетади.

– Мангулик суви – шу, – дейди Хизр ва иккалалари ундан ичадилар.

Искандарнинг йўлида бир тоғ учрайди – унда икки қуш юнон тилида сўзлашар эдилар. Улар Искандарга:

– Сен беҳуда заҳмат чекиб юрибсан – сен излаган нарса Хизр ва Илёсга муяссар бўлди, – дейдилар. – Энди дунёни эгалласанг ҳам, барибир ўлим муқаррар.

Мангулик сувидан ичганлари учун Хизр – дарёларда, Илёс – саҳроларда юриб, қиёматгача адашганларга йўл кўрсатадилар. Ярим дунёни эгалла-

ган Искандар эса барча қатори ўлди-кетди.

АЖОЙИБ ШАҲАР

Искандар ажойиб бир шаҳарга дуч келади. Шаҳар аҳлидан:

– Нега шаҳарларингиз дарвозасиз, боғларингиз деворсиз, подаларингиз чўпонсиз? – деб сўрайди.

– Биз борига қаноат қиламиз – бировнинг молига кўз олайтирмаймиз, бир-биримизни алдамаймиз, бизда кибр, тама, ҳасад йўқ, топганимиз ўртада, ортиқча мол-дунёга қизиқмаймиз, бало келса, сабр қиламиз, – деб жавоб қилибдилар.

– Агар шуларга ўхшаган бўлганимда беҳуда дунё кезмаган бўлардим, – дейди Искандар.

ОЛТИН НОН

Оби ҳаёт излаб келаётган Искандар йўлда амазонкаларга¹ дуч келади. Улардан егулик сўраганида саватларда олтин нон кўтариб чиқадилар.

– Буни еб бўлмайди-ку? – дейди у хайрон бўлиб.

– Нима, оддий нон ўз юртингда йўқ эдими? – дейишади улар. – Оддий нонга қаноат қилганингда дунёни кезармидинг, бу ёққа келармидинг?

КЎЗ

Искандар тушида жаннат дарвозаси ёнига бориб қолади. Лекин уни ичкарига киритмайдилар. Эсдаликка

¹ *Амазонка* – Кичик Осиё ва Азов денгизи қирғоқларида яшаган жангчи аёллар қабиласи.

нарсa сўраганида унга одам кўзини берадилар.

Тарозининг бир палласига кўз-ни, иккинчисига Искандарнинг бутун хазинасини қўйсалар-да, кўз офирлик қилади. Бу – инсон нафси чек-чегарани билмаслиги рамзи. Лекин кўзнинг устига бир сиқим тупроқ сепсалар, у енгиллашиб қолади. Бу – ўлим ҳамма нарсага чек қўяди дегани.

МАНСАБ ВА ОДАМ

Саройдагиларнинг ифвосига учиб, Искандар Зулқарнайн бообрў бир одамни нуфузли мансабдан бўшатиб, анча паст бир амалга тайинлабди. Бир куни у саройга келганида сўрабди:

– Қани, айт-чи, янги мансабинг маъқулми?

– Олампаноҳнинг умрлари узун бўлгай! – деб жавоб қилибди у. – Одам мансаб билан улуф бўлмайди, балки мансаб одам билан мухтарам бўлади. Қайси ишда бўлмасин, хушмуомалалик ва адлу инсоф зарур.

Бу гап Искандарга маъқул бўлиб, унга аввалги мансабини қайтариб берибди.

ЭНГ ЗЎР ТАСАЛЛИ

Искандар Зулқарнайн ўлими яқинлашганини сезгач, онасига мактуб йўллабди. Мактубида онасидан дастурхон ёзиб, ҳеч кими ўлмаган, ўлим доғини кўрмаган кишиларни чақириб меҳмон қилишни сўрабди. Бу билан буюк жаҳонгир дунёга устун бўладиган одам йўқлигини она-

сига англатиш ва шу йўл билан унга тасалли беришни кўзда тутган экан.

ИСКАНДАР ВА НАДИМ

Искандар Зулқарнайнинг хос кишиларидан бири жинойт қилиб қўйди. Искандар надимлари¹ ва лашкарбошиларини тўплаб:

– Унга қандай чора кўриш лозим? – деб сўради.

– Мен сенинг ўрнингда бўлганимда уни ўлимга маҳкум қилган бўлардим, – деди аркони давлатдан бири.

Искандар уни бошдан-оёқ тикилиб кузатди ва бир оз сукутдан кейин деди:

¹ *Надим* – 1) хизматкор, маҳрам; 2) яқин дўст, ҳамсуҳбат.

– Сенинг ўрнингда бўлмаганим-нинг шукронаси учун уни озод қилдим!

БИР СЎЗНИНГ ДАЛДАСИ

Айтишларича, Искандар билан Доро ўртасидаги уруш айни кескин тус олиб турган пайтида Доро томоннинг қўли баланд эди ва мағлубиятини кўриб, Искандар ниҳоятда қайғурди. Ана шу кунларнинг бирида у не-не дарду алам билан уйқуга кетди. Тушида Доро билан яккама-якка беллашиб, кураш тушаётган эмиш. Ногоҳ Доро Искандарни ерга уриб, чалқанчасига ялпайтириб, чўзилтириб қўяди.

Бу даҳшатли тушдан чўчиб уйғониб кетган Искандар жуда кўп изтироб

чекди ва эрта тонгда бир муаббирни¹ тилади. Таъбир илмида замонасининг моҳири бўлган ҳақим Искандарнинг арзини эшитиб бўлгач, деди:

– Шоҳим, кўп ажойиб туш кўрибсан. Унинг таъбири шуки, Дордан кейин ер юзи сенга қолади. Чунки унинг ўзи сенинг орқангни батамом ерга қўйиб, ер юзини сенга берибди.

Бу таъбир Искандарга маъқул тушиб, унинг руҳини кўтарди. Муаббир катта сийловлар билан сарафроз² этилди. Унинг сўзидан далда олган Искандар эса янги куч-ғайрат билан юриш бошлаб, бирин-кетин зафарга эриша борди.

¹ *Муаббир* – тушни таъбир қилувчи.

² *Сарафроз* – 1) юксак, баланд; 2) хурсанд, мағрур.

АДАШЛАР

Искандар Зулқарнайннинг сарбозлари орасида Искандар исмли йигит бор экан. Бу йигит уруш вақтида ҳамиша қочар экан. Зулқарнайн унга шундай дебди:

– Ё ботир бўл, ё исмингни ўзгартир – адашлигимиз одамларнинг бошини айлантириб қўйди.

ХОИН ВАФО ҚИЛМАЙДИ

Бир куни Искандар Зулқарнайн Ҳамадон шаҳрига келиб, хирож талаб қилди. Унинг беги довиюрак одам эди, хирож беришдан бош тортди. Бекнинг исми Доро эди. Ўртада кўп марта қаттиқ уруш бўлди, лекин Искандар Дорони енголмади.

Шундай кейин Искандар вазирлари ва яқинларини тўплаб, мажлис қурди.

– Қандай қилиб Дорони енгамиз? – деб сўради у йиғилганлардан.

Вазирлардан бири мана бу маслаҳатни берди: “Доронинг сирдош бир қули бор. Одам юбориб, у билан тил бириктириш керак. “Агар Дорони ўлдирсанг, не тиласанг шуни берамиз”, деб ваъда беринг. Искандар ўша қулнинг олдига одам юборди. Қул рози бўлди ва бир кун тунда яна бир ўртоғи билан Искандарнинг хузурига келиб, гапни бир ерга қўйиб кетди.

– Агар сизлар Дорони ўлдирсангиз, – деди уларга Искандар, – сизларга энг юқори мансабларни берамиз.

Доронинг қуллари бош эгиб, рози бўлдилар.

Эрта билан ҳар икки лашкар саф тортиб, бир-бирига рўбарў бўлдилар. Шу пайт ҳалиги қуллар Дорони ўлдирдилар ва бошини кесиб, Искандарга олиб бориб бердилар.

– Дорони зўр ҳурмат-эҳтиром билан дафн этинглар, – деди Искандар мулозимларига. – Қабр ёнига эса иккита дор тикиб, мана бу қулларни осинглар!

Қуллар Искандарнинг оёғига йиқилдилар:

– Эй Искандар! Бизга нима ваъда қилган эдинг? Одил подшо бўла туриб, нега золим султонларнинг ишини тутасан?

Искандар жавоб қилди:

– Берилган ваъдадан қайтаётганим йўқ. Лекин сизлар хоин экансизлар. Ахир, Доро кўп вақтлардан бери сиз-

ларнинг бошингизни силаб келди,
ёнида асради. Сизлар унга хиёнат
қилдингиз. Уни ўлдирдингиз. Шундай
бўлгач, менга содиқ бўлармидингиз?

Энди сизларга бериладиган энг
олий мукофот мана шу дор бўлади!

СЕВГИ УЧУН ЖАЗОМИ?

Нуфузли шахслардан бири келиб,
Искандарга:

– Фалон киши қизингни севиб
қолибди, – дебди.

– Севса нима қилай? – дебди Ис-
кандар.

– Ўлдиришинг керак! – дебди
ҳалиги киши.

– Бировни яхши кўргани, бировни
ёмон кўргани учун ўлдирсак, дунёда
одамзоддан ном-нишон қолмайди-ку?!

МУНОСИБ ЁДГОРЛИК

Кунлардан бир куни Искандар Зулқарнайн ҳарбий бошлиқлари билан кенгаш қуриб ўлтирган эди. Улардан бири Искандарга деди:

– Тангри таоло сенга беҳисоб молу мулк ато қилди. Бундан буён сен хотинлар сонини кўпайтир, кўп фарзандлик бўласан. Сендан ёдгор бўлиб қоладиган нарса – фарзанд.

Искандар жавоб қилди:

– Хотин кўпайтирган одам жумлаи жаҳон устидан ғалаба қилган ҳисобланавермайди, балки хотинлар устидан ғолиб ҳисобланади. Инсондан ёдгорлик фақат фарзандгина эмас, балки яхши хулқ ва эзгу ном ҳамдир.

ИНСОН ҚАНОАТНИ БИЛМАЙДИ

Бир куни Искандарга дедилар:

– Сиз шунча мамлакатларни ўз тасарруфингизга киритдингиз. Нега энди ханузгача қаноат қилмайсиз?

Искандар деди:

– Бир нарсадан қаноат қилиш, хурсанд бўлиш ва ҳар нарсадан ором олиш ҳайвонларнинг иши.

САРКАРДА ВА ЎҒРИ

Искандар Румий ўз душманига қарши урушга борадиган бўлди. Аъёнлари унга:

– Эй подшоҳ, ҳозир душман сергак ва хушёр, унга кечаси ҳужум қилайлик, – дедилар.

Искандар деди:

– Мен ўғри эмасман, саркардаман.
Ўғрилик билан галаба қилиш менга
уят.

МАРДНИНГ ИШИ

Искандар Румдан¹ қайтиб келиб,
Ажам² шоҳи Дорони мағлуб этади.
Доро қочиб кетади, аммо у бир хизмат-
кори қўлида ўлим топади. Доронинг
ғоят гўзал, парисифат, соҳибжамол
қизи бор эди. Синглиси ҳам ҳуснда
ундан қолишмасди. Ҳарамга шундай
парирайкарлар йиғилган эди. Искан-
дарга дейдилар: “Доро ҳарамига кир-

¹ *Рум* – ўрта асрларда ҳозирги Кичик
Осиё (Византия) ва Греция ерлари шундай
аталган.

² *Ажам* – араб бўлмаган мамлакатлар.
Кўпроқ Эрон кўзда тутилади.

санг, ой каби гўзал аёлларни кўрасан. Айниқса, Доро қизига бас келадиган соҳибжамолни тополмайсан”. Искандар дейди:

– Биз Доро йигитларини мағлуб этдик, энди буларнинг аёллари бизни мағлуб қилишларига йўл бермаймиз.

Шу билан у маслаҳатни қабул қилмай, Доро ҳарамига бормаиди.

ИСКАНДАРГА НАСИҲАТ

Искандар Эронни забт этганида подшоҳ авлодларинигина эмас, сарой хизматида бўлган барча амалдорларни ҳам қириб ташлаб, улар ўрнига ўз қариндош-уруғларини қўйишни ўйлаб, Арастуга маслаҳат солибди. Устози шундай дебди:

– Бундай қилиш хато. Чунки, ав-
валамбор, ўз қариндош-уруғларинг
хамма амалларни эгаллашга етмайди,
иккинчидан, улар сенга орқа қилиб,
ўз вазифасини яхши адо этмайди.
Ва яна ўз амалларини суистеъмол
этишлари туфайли адолатсизлик юз
беради, ҳақиқат қолмайди. Учинчи-
дан, сарой аъёнлари орасида собиқ
подшоҳга ким сидқидилдан хизмат
қилган-у, ким амал ва мол учун юрга-
нини аниқлаш керак, булардан бири
сенга хавфу хатар, иккинчиси эса без-
арардир.

УЧ МАКТУБ

Ардашер ўтмишнинг доно кишила-
ридан бири эди. Бир куни у котибига
уч мактуб битишни буюрди. Макту-
блар битгач, котибга тайинлади:

– Агарда менинг кўзимда ғазаб учқунини кўрсанг, бирор нарса устидан қатъий ҳукм чиқармасимдан аввал биринчи мактубни менга кўрсат. Шунда ҳам ғазабим босилмаса, иккинчи мактубни узат. Ундан ҳам таскин топмасам, учинчи мактубни бер.

Биринчи мактубнинг мазмуни: “Шошилма, иродангни ғазаб қўлига асир қилма, шошган киши ҳамиша афсус чекиб, кейинчалик қайғу-алам домида қолади”; иккинчи мактубники: “Ҳокимият кўлимда деб, ўзингдан ожизларга жабр қилаверма, куни келиб замонлар ўзгарса, улар ҳам сен қандай муомала қилган бўлсанг, шундай муомала қилишади”; учинчисиники: “Эй ғазабланаётган киши, шошиб ҳукм чиқарма, ўзингни кўлга олиб, инсоф юзасидан иш кўр” экан.

ИБЛИСДАН БАТТАР КИМСА

Кунлардан бир куни Фиръавн иблис билан баҳслашиб қолибди.

– Эй иблис, – дебди Фиръавн, – дунёда биз иккимиздан ҳам ёмон малъун борми?

Иблис деди:

– Менинг бир дўстим бор, сендан ҳам яхши кўраман, нима иш буюрсам бажараверади. Қўшнисининг сигири бор – сутидан дўстимга ҳам бериб туради. Бир куни ўша дўстим айтди: “Менинг сўзимни сира синдирганинг йўқ. Эндиги тилагим – менинг сигирим йўқ. Қўшнининг ҳам сигирини ўлдир”. Мен айтдим: “Сенга беш сигир берайин, қўй, қўшнингнинг оғзи қуримасин”. У деди: “Беш сигирдан

4-Адолат тарозиси

кўра менга ўша сигирнинг ўлгани яхши”.

ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ИШИ БОР

Эроннинг сосоний подшоларидан бўлмиш Хурмуз ибн Шопурнинг вазири унга: “Денгиз савдогарлари олам-жаҳон марварид келтирибдилар – мен уларни подшоҳлик учун юз минг динаорга¹ харид қилган эдим. Лекин эшитишимча, сиз бундан норози бўлибсиз. Агар шундай бўлса, бу марваридларни фалон савдогарга яна юз минг динаор фойдасига сотиш мумкин”, – деб мактуб йўллаган экан, Хурмуз: “Подшоҳлик олдида юз минг динаор устига келадиган

¹ Динаор – олтин танга.

юз минг динорлик фойданинг нима қадри бор? Агар биз савдогарлик қилсак, подшоҳликни ким қилади? Савдогарлар-чи, улар нима иш билан машғул бўлади?” – деб жавоб қайтарибди.

ҲУНАРНИНГ ХОСИЯТИ

Айтишларича, Гуштасп¹ кунлардан бирида ўз ватанидан айрилиб, бегона бир шаҳарга келиб қолди. Унинг ёнида бирор тийин ҳам йўқ эди. Ейишга нарса тополмай, оч қолди. Бировдан сўрай деса, иззат-нафси йўл қўймас эди. Унинг ёдига ёшлиги тушди. У болалик пайтида мактабга борар

¹ *Гуштасп* – Эрондаги каёнийлар сулоласининг бешинчи хукмдори.

экан, йўл четида жойлашган темирчи дўкони олдида бир оз тўхтаб, темирчиларнинг пичоқ ва болта ясашларини томоша қилар эди ва унинг сиридан бирмунча воқиф бўлиб қолган эди. Гуштасп кўп ўйлаб ўтирмай, темирчилар олдида борди ва уларга деди:

– Эй, биродарлар, мен ҳам темирчилик сиридан анча хабардорман, мени ҳам ўзларингга шерик қилиб олсаларингиз.

Темирчилар рози бўлишибди. Гуштасп бир неча муддат ишлаб, пул йиғди. Сўнг ватанига қайтиб борди. У мартабага эришган пайтида барча ёшу қарини касбу хунар ўрганишга даъват қилди. Болаларни куннинг аввалида ўқитиб, иккинчи қисмида хунар ўргатишга фармон берди.

ҚИЛИЧ ВА ҚАЛАМ

Бир вақтлар бир амир Форс ҳукмдорига қилич билан элчи юборди ва унга айтдики:

– Бу қилични ҳукмдорнинг олдига қўй, лекин ҳеч нарса дема.

Элчи ҳеч нарса демай тиғни қўйганди, ҳукмдор вазирга жавоб беришни буюрди, вазир бўлса, қаламдон қопқоғини очди-да, у томонга битта қалам отиб, деди:

– Мана жавоб!

Элчи ақлли одам эди – унга қандай жавоб берганларини тушунди:

– Қаламнинг мамлакатдаги ҳаққонийлик ва тартибсизликларга таъсири жуда кучли. Қалам соҳиби бўлган вакилларни қадрлаш зарур.

АСИРНИНГ ТАДБИРКОРЛИГИ

Бир куни уч юз асирни Амир Муъин ибн Зоиднинг ҳузурига олиб келдилар. Амир уларнинг барчасини ўлимга ҳукм қилди. Шу пайт асирлар орасида бир кўҳлик йигит отилиб чиқиб, амирга мурожаат қилди:

– Эй, улуғ амир! Сени Худога топширдик. Айт, ўлимимиз олдидан бизга сув беришсин.

Амир асирларга сув беришларини буюрди. Шундан кейин ўша йигит ўрнидан туриб амирга қуллуқ қилди ва деди:

– Эй, улуғ амир, бугун сенинг меҳмонинг бўлдик. Меҳмонга муруват ва иззат-икром кўрсатиш мезбоннинг бурчи. Сен ўз бурчингга содиқ экансан.

– Рост сўзладинг, йигит, – деди амир унга, – асирларнинг ҳаммасига ҳаёт бағишладим.

ХҲРОЗСИЗ ҚОЛГАН ҚИШЛОҚ

Бир куни мамлакат амири кичик-кина қишлоққа тушди ва шу ерда тунаб қолди. Кечқурунги тўкин зиёфатдан кейин энди кўзи илинган ҳам эди, хўрознинг қаттиқ овози уни уйқудан уйғотди. Чухраси¹ унинг топшириғи билан хўрозни тутиб, бошини узиб ташлади. Энди уйқуга кетган эди, хўроз уни яна уйғотиб юборди. Уни ҳам тутиб бўғизладилар. Шу тариқа тонг отгунга қадар ҳаммаси бўлиб ўн хўроз жонидан жудо бўлди.

¹ *Чухра* – подшоҳ, хон ва амирларнинг хос қўриқчиси.

Эртаси куни ётиш олдидан амир
фуломига:

– Мени хўроз биринчи чақириши
билан уйғот! – деб буюрди.

Фулом қўл қовуштириб деди:

– Жаноби амирнинг фармойиши
билан қишлоқдаги бор хўроз ўтган
кеча бошидан жудо этиб бўлинган.

САХИЙ СИПОҲИЙ

Умавия хонадони билан аббосий-
лар ўртасида бўлган катта бир урушда
қўпчилик сувсизликдан шаҳидликка
етишдилар. Бир жангчининг идишида
озгина суви бор эди. Амакиваччаси
ташналикдан ўлиш даражасига етган
экан, сувни унга тутди. Энди ича-
ман деб турганида яқин орадан “Сув,
сув беринг!” – деган овоз эшитилди.

Амакиваччаси сувни ичмай жангчига тутди ва:

– Олиб боринг, йўқса бечора ўлиб қолади! – деди. У сув идишни овоз чиққан тарафга олиб борса, ёрдам сўраган одам Ҳишом ибн Ос экан. Жангчи унга сув идишини тутди. Энди ичай деб турганида ёнидаги хизматкорларидан бири ташналикдан ерга қулаб тушди. Ҳишом ичмай сув идишни унинг қўлига берди ва:

– Олдин унга бер! – деб ишорат қилди. Сув ичираман деб хизматкорнинг бошини кўтарса, бечора ўлиб бўлибди. Ҳишомнинг олдига қайтиб борса, у ҳам жон таслим қилган экан. Чопиб амакиваччасининг ёнига борса, у ҳам дунёдан кўз юмиб кетибди.

ТУЗ ҲАҚИНИ БИЛГАН ҚУЛ

Олий мартабалик бир амир қанақадир бир айб билан зиндонбанд қилинган хизматкорини зиндондан олдириб чиқиб, олдига яримта аччиқ қовун қўйди. Хизматкор ҳеч қандай такаллуфсиз уни пўчоғигача қолдирмай еб қўйди. Амир ҳайрон бўлди ва:

– Эй Лукмон, шундай аччиқ қовунни қандай единг? – деб сўраган эди у:

– Бир умр сенинг чучук таомларингни еб келдим, бир марта аччиғини есак, нима бўпти, – деб жавоб қилди.

ДАДИЛЛИК САБАБИ

Кунлардан бир куни Анушервон соч-соқолини олдириш учун саройидаги боғга сартарошни чақиртиради. Сартарош кўлини унинг бошига қўйгач, бундай деди:

– Олийҳазрат, гўзал қизингизни менга хотинликка берсангиз.

Анушервон ўзича: “Бу одам ўзи нима деяпти?” – деб ўйлаб, унинг сўзларига хайрон бўлди. Аммо сартарошнинг кўлидаги устарасидан кўрқиб, бирор қарши сўз айтишга юраги дов бермай:

– Жоним билан, фақат сочимни олиб қўйганингдан кейин, – деди. Сартарош сочини олиб бўлиб кетганидан сўнг Бузургмеҳрни¹ чақириб

¹ *Бузургмеҳр* – Анушервоннинг донишманд вазири.

унга бўлган воқеани айтиб берди. Бузургмеҳр сартарошни олиб келишларини буюрди ва ундан сўради:

– Сен олий ҳазратни сочини олаётганда нима дединг?

У жавоб берди:

– Ҳеч нима.

Шунда Бузургмеҳр сартарош турган ерни ковлаб кўришни буюрди. У ердан беҳисоб бойлик топишди. Бузургмеҳр деди:

– Олий ҳазратим! Сартарош айтган сўзларни сартарошнинг ўзи айтмаган. У гапни ушбу хазина айтган, чунки унинг қўли сизнинг бошингиз тепасида, оёғи хазина устида бўлган.

ЗОЛИМ ҲОКИМ

Бир куни Анушервони одил бир одамани Озарбайжонга ҳоким

қилиб юборди. “Зинҳор халойиққа зулм қилма!” – деб насихат қилди унга. Ўша одам анча вақтгача ақл-идрок билан юрт сўради. Бора-бора кўп мол-мулк жамғарди, сўнг уни шайтон йўлдан урди – халққа зулм ўтказа бошлади. У ҳатто шу даражага етиб бордики, бир тул хотиннинг бир парча ерини ҳам зўрлик билан тортиб олиб, ўз мулкга қўшди. Хотин ернинг ҳақини сўради – уни ҳам бермади. Ўша хотин ноилож Анушервони одилга арз қилиш мақсадида Мадоин шахрига борди. Подшоҳ овда экан, уни пойлаб, бир дарахт остида кутиб турди. Анушервони одил кийикка қуш солган эди, кийик ҳалиги хотин ўтирган ерга қочиб келди, унинг орқасидан подшоҳнинг ўзи ҳам пайдо бўлди.

Тул хотин ўрнидан туриб подшоҳга салом берди.

– Менга айтадиган қандай гапинг бор? – деб сўради Анушервони одил.

Тул хотин воқеани подшоҳга тўла ҳикоя қилиб берди.

Анушервони одил мулозимларига:

– Бу аёлни отга мингазиб, фалон шаҳарга олиб бориб қўйинглар, емак-ичмак билан таъминланглар, кундалик харжи учун маблағ ажратиб беринглар, мен айтган куни уни Мадонга олиб келинглар, – деб буюрибди.

Подшоҳ Озарбайжондаги ноибини чақиртириб олиб, ўрнига бошқа одам юборди. Унга:

– Фалон даҳада бир тул хотин бор эди, суриштир-чи, у қаёққа кетибди? Аниқлаганингдан кейин келиб барча

беклар иштирокида айтарсан, – деб буюрибди. Ноиб бориб ўша тул хотинни суриштирди. Қўшнилари унга дедилар:

– Ўша хотиннинг бир парча ери бор эди, шунинг орқасидан тирикчилик ўтказарди. Лекин уни ҳоким зўрлик билан ундан тортиб олди. Мана, хотиннинг ғойиб бўлганига бир ой ўтди. Унинг қаёққа кетганини билмаймиз.

Шундан кейин ноиб Анушервони одилнинг олдига келди. Туш пайти эди. Барча беклар ва амирлар подшоҳнинг олдида эдилар. У кўрган билганини айтиб берди. Шундан кейин подшоҳ бекларга мурожаат қилди:

– Эй беклар! Озарбайжон бегидан сўранглар-чи, унинг қанча мол-мулки бор экан?

Беклар Озарбайжонда аввал ноиб бўлиб, кейин ҳалиги тул хотиннинг бир парча ерини тортиб олган бекдан:

– Қанча мол-дунёнг бор? – деб сўраган эдилар, у жавоб қилди:

– Менинг мол-дунём шу ерда ўлтирганларнинг ҳаммасиникидан кўп.

– Бу ердан борганингдан қанча мол-дунёнинг бор эди? – деб сўраган эдилар.

– Ҳеч қанча мол-дунём йўқ эди, – деб жавоб берди у.

Анушервони одил деди:

– Шунча мол-дунёга эга бўла туриб, бир тул хотиннинг кафтдек ерини зўрлик билан тортиб олиш керакмиди?

– Йўқ, керак эмас эди. У яхши иш қилмабди, – дедилар беклар бир овоздан.

Анушервони одилнинг амри билан тул хотинни пойтахтга олиб келиб, уни ноинсоф ҳоким билан юзлаштирдилар. Тул хотиннинг сўзлари рост чиқди. Подшоҳнинг амри билан тул хотиннинг мулки қайтариб берилди, унга қўшимча юз динар инъом этилди, инсофсиз ҳокимнинг эса териси шилиб олинди.

АДОЛАТ ВА ДАВЛАТ

Анушервони одилга: “Фуқароларингдан бири шу қадар бойиб кетдики, сенинг хазинагда у бойликнинг юздан бири ҳам йўқ”, деб шикоят йўллашибди.

Анушервон шундай жавоб ёзади: “Худога минг қатла шукрки, бизнинг адолатимиз туфайли фуқаромиз биздан ҳам бойроқ бўлибди”.

Шундан кейин ҳасадгўйларни топиб жазолашга фармон берибди.

ЗУЛМ

Анушервони одил ов қилиб юрар эди. Бир кийикни тутиб, уни кабоб қилиб емоқчи бўлдилар. Қарасалар – туз йўқ. Бир хизматкорини яқин қишлоқлардан биридан туз олиб келишга юборди.

– Яна тузнинг баҳосини бермай олмаки, бу иш подшоҳлар учун одатга айланмасин, – деб тайинлади.

– Бир ҳовуч туз билан қишлоқ хароб бўлиб қолармиди? – дедилар аъёнлар.

– Қадимда зулм жуда оз эди, – деди Анушервон. – Ҳар бир ҳукмдор унга бир нарса қўшиб, уни кўпайтириб юборди.

ОЛГАН БЕРМАЙДИ, КЎРГАН АЙТМАЙДИ

Анушервони одил Наврӯз ёки Меҳржон кунларидан бирида меҳмон чақирибди. Шунда ўша мажлисда ўлтирган қариндошларидан бири олтин қадахни қўйнига урди.

Подшо буни кўрди, лекин кўрмаганга солди. Базм охирига етгач, соқий:

– Бу ердан ҳеч ким чиқмасин, олтин қадах йўқолган, мен ҳаммани тинтиб кўришим керак, – деди.

– Қўй, – деди унга Анушервони одил, – олган бермайди, кўрган айтмайди.

Орадан бир неча кун ўтгач, олтин қадахни ўғирлаб кетган киши подшоҳ хузурига келибди. Қараса, усти-

да оҳорли либос, оёғида янги этик. Анушервони одил унинг кийимларига ишора қилиб дебди:

– Бу ҳам ўшанданми?

Қариндоши этагининг пешини хиёл кўтарди-да, уни кўз-кўз қилиб деди:

– Мана бу ҳам ўшандан.

Подшоҳ кулиб юборди ва у олтин қадахни йўқчилик ва зарурат орасидан ўфирлаганини тушуниб, хазиначига унга бир мисқол¹ олтин беришни буюрди.

АДОЛАТ ТАРОЗИСИ

Кунлардан бир куни кечқурун ҳамма ухлаб ётганида сарой дарвоза-

¹ *Мисқол* – тахминан 4,68 граммга тенг оғирлик ўлчови.

сига осилган қўнғироқлар жаранглаб қолди. Анушервони одил ғуломини чақирди ва буюрди:

– Шитоб билан дарвозага бор, бевақт арз-дод билан келган ким экан, билиб кел!

Ғулом дарвозага қараб чопди. Бориб қараса, бир қари қўтир эшак жон-жаҳди билан дарвозага ишқаланаётган экан. Ғулом қайтиб келиб воқеани подшога арз қилди.

Анушервони одил деди:

– Эшак дарвозага, айниқса, подшоҳнинг дарвозасига шунчаки ишқаланмаётгандир. Бунинг тагида қандайдир бир сир борга ўхшайди. У бизга арз-дод билан келмадими экан?

Сўнг икки хизматкорни чақиртириб буюрди:

– Эшакнинг эгасини суриштириб топинглар, унинг бу аҳволини тафтиш қилинглар.

Хизматкорлар эшакни етаклаб, бозорга қараб равона бўлдилар. Йўлда бу аҳволнинг сир-асрорини яхши билан бир қария уларга бундай деди:

– Бу эшак кир ювувчини. У ҳар куни эрталаб аслзодаларнинг кирларини шу эшакка ортиб уйига олиб келар, кечқурун эса ювилган кийим-кечакни яна унга ортиб эгаларига элтиб, тирикчилик қиларди. Шўрлик эшак шу тариқа йигирма йил унинг хизмати-ни қилди. Энди бўлса, қартайиб хизматига ярамай қолганда, уни кўчага ҳайдаб чиқарди. Мана, бир ярим йил бўлдики, эшак бечора овқат ва бошпана йўқлигидан кўча-кўйда сарсон-саргардон бўлиб юрибди.

Ҳалиги икки хизматкор саройга қайтиб бориб, эшитган-билганларини подшоҳга арз қилдилар.

– Айтмадимми, эшакнинг арз-доди бор деб, – деди подшоҳ. Сўнг зудлик билан бориб кир ювувчини ҳайдаб келишни буюрди.

Хизматкорлар кир ювувчини олиб келдилар. Подшоҳ унга сиёсат қилди.

– Сен бетавфиқ эшак ёш ва кучли пайтида ундан фойдаландинг. У сенинг тирикчилигингга яради. Энди кексайиб, кучдан қолганида қувиб чиқарганинг нимаси? “Эшакнинг иши ҳалолу ўзи ҳаром”, – деб сенга ким айтди?

Эшакни эгасининг қўлига тутқиздилар.

– У то тирик экан, – деди подшоҳ кир ювувчига ўқрайиб, – уни

боқиш ва парвариш қилиш сенинг
зиммангда!

ИНҚИРОЗНИНГ ИККИ САБАБИ

Бузургмеҳрдан сўрабдилар:

– Сен бир вақтлар сосонийлардан Анушервони одилнинг оқил вазири бўлгансан. Ҳозир ҳам сендан ҳақиқатгўй ва доно одамни топиб бўлмайди. Айт-чи, сосонийлар давлати нима сабабдан инқирозга учради?

– Бунинг икки сабаби бор, – деди Бузургмеҳр. – Биринчиси шулким, подшоҳлар атрофидан доно ва фозил кишиларни узоқлаштириб, давлат ишларини бесавод ва пасткаш одамларнинг қўлига топшириб қўйдилар. Иккинчидан, кўпинча ҳокимият ба-

лоғатга етмаган болалар билан хотинлар қўлида бўлди.

НАЗАРИ ПАСТ ҲАКИМ

Баҳром Гўр¹ даврида фазлу ҳикматда тенги йўқ бир ҳаким бўлиб, Баҳром унинг таърифини жуда кўп мартаба эшитган экан. Бир куни ўша ҳакимни ҳузурига чақириб, ҳар соҳада имтиҳон қилиб кўрибди. Ҳаким Баҳром берган барча саволларга қониқарли жавоб қайтарибди. Баҳром ўзича: “Буни вазир қилиб олсам бўларкан, лекин аввал ҳимматини ва одоб-ахлоқини ҳам бир синаб кўриш керак”, – деб ўйлабди.

¹ *Баҳром Гўр* – сосонийлар сулоласига мансуб Эрон подшоҳи – 421–439 йилларда ҳукмронлик қилган.

Ҳаким билан бир товоқдан овқат еб кўрмоқчи бўлиб, олдига қовурилган товуқ келтириб қўйибди. Ҳаким битта товуқни зўр иштаҳа билан еб, иккинчисига қўл чўзибди. Буни кўриб Баҳром ўзича шундай дебди:

— Бу одамнинг назари жуда паст экан. Менинг кўз олдимда товуқни шундай еса, менинг йўқлигимда мол-мулкни қандай ер экан?

Натижада, ҳаким баднафслиги ва одобсизлиги оқибатида вазирликдан маҳрум бўлибди.

ТИЛИНИ САҚЛАГАН ОМОН БЎЛАДИ

Баҳром Гўр бир дарахтнинг остида ўтирган эди. Ногоҳ шохлар орасидан бир қушнинг овози эшитил-

ди. Баҳром бир ўқ билан бемаврид “сўзловчи” бу қушнинг ишини тамом қилди. Кейин:

– Қуш ҳам ўз тилини сақласа, омон бўларкан! – деди.

ДОНОГА ИШОРА

Баҳром Гўрнинг Рост равиш исмли вазири бор экан. Подшо барча юмушларини унинг қўлига топшириб қўйиб, ўзи маишатга берилиб кетибди. Рост равиш бундан ўз манфаати учун фойдаланиб қолишга аҳд қилди ва омилни¹ чақиртириб деди:

– Подшоҳ ҳазратлари эртадан кечгача ов билан, кечалари бўлса тунни

¹ *Омил* – вазирга тобе бўлган ва олиқсолиқ ишлари билан машғул бўлган мансабдор.

кунга улаб шаробхўрлик қилиш билан банд, канизаклар билан кайфу сафо қилиб кун кечиряпти. Башарти, айтганларимни қилсанг, сени ҳам қуруқ қўймайман.

– Бажони дил, ҳазрати вазири аъзам, буюрсинлар! – деди омил қўл ковуштириб...

...Шундан кейин омил одамларни ҳибс этаверди. Вазир эса катта пора олиб, қўйиб юбораверди. Вазири аъзам бора-бора хазина бошлиғи билан тил бириктириб, аста-секин хазинани ҳам қуритди.

Бир вақт подшоҳ қўшин тўпламоқчи бўлиб хазинани очиб қараса, унда бир диноҳ ҳам ақча қолмабди. У шаҳарни ҳам айланиб чиқибди. Бозорлар, расталар, тамаддихоналар... ҳаммаси бўм-бўш. Баҳром

Гўрнинг боши қотди. Мушрифни¹ чақиртириб, итобга олди:

– Салтанатда нима бўляпти? Сенинг кўзинг қаерда ўзи?

Мушриф жавоб қилди:

– Фуқаронинг катта қисми юртни тарк этиб, теварак атрофга қочиб кетди, аъло ҳазрат!

– Нима сабабдан шундай бўлди?

– Буни билолмадим, аъло ҳазрат, – деб мушриф тиз чўкканча ўтираверди.

Шундан кейин подшоҳ бошқа мансабдорларни ҳам чақиртириб, тафтиш қилди. Улар ҳам вазирдан қўрқиб, подшоҳга ҳақиқатни айтмадилар. Баҳром Гўр нима қиларини билмай

¹ *Мушриф* – сарой харажатларини назорат қилиб турувчи мансабдор.

хилватхонани ичидан қулфлаб, икки кечаю икки кундуз бу хусусда бош қотирди, лекин ҳақиқатнинг тагига етолмади. Охири учинчи куни эрта тонг билан отланиб, бир ўзи шаҳардан чиқиб, чўл тарафга қараб равона бўлди. Кўп йўл босди, чўлнинг эса чети кўринмасди. Кун ботай деганда узокдан тутун кўринди. Подшоҳ “Ўт бор ерда – одам бўлур”, деб отининг жиловини ўша тарафга бурди. Бир вақт чўпоннинг илма-тешик бўлиб кетган чодирди олдидан чиқиб қолди. Чодирдан хиёл четда қўйлар тўда бўлиб ётишарди, ундан икки-уч қадам нарида эса дорга катта бир малла ит осилган эди. Баҳром Гўр аҳволни кўриб, таажжубга тушди. Шу пайт чодирдан чўпон чиқиб келди ва нотаниш одамни кўриб хайрон

бўлди, шунчаки бош ирғитиб салом берди-да, сўнгра сўради:

– Йўл бўлсин, мусофир?

Баҳром Гўр чўпон уни танимаганидан хурсанд бўлди ва тавозе билан жавоб қайтарди:

– Исфаҳонга бораётган эдим, йўлдан адашиб қолдим, чамаси. Йўқ демай бир кечага бошпана берсанг.

Чўпон рози бўлди ва нотаниш меҳмонни чодирга таклиф этди, топганини ўртага қўйиб, уни меҳмон қилди. Чой устида подшоҳ чўпондан нима сабабдан итнинг бу қадар оғир жазога тортилганини суриштирди. Чўпон мана буларни ҳикоя қилиб берди:

– Ўша ит менга кўп содиқ эди, йўқ деганда уч-тўрт бўрига бас келарди. Шунинг учун ҳам чорвани унга ишо-

ниб, икки-уч кунга қишлоққа тушиб келардим. Қўйлардан биронтаси ҳам камаймас эди. Лекин яқиндан бери ит айниб қолди. Бир куни қишлоққа бориб қайтсам, қўйлардан бир-иккитаси гум бўлибди. “Ҳа, майли, бирон корҳол бўлгандир”, деб ўзимни юпатдим. Яна бир гал қишлоққа бориб келсам, тўрт-беш қўйим йўқолибди. Кейинги сафар ўнта қўй йўқ – мени ваҳима босди. Ўйлаб-ўйлаб, пойлашга қарор қилдим. Бир куни кечқурун бир пана жойга яшириниб ётдим. Тун яримлашганда қўра атрофида бўри пайдо бўлди. Итим шу атрофда экан, думини ликиллашиб, бўрининг олдига чошиб борди. Бўри билан ит бир-бирини ялашиб кетишди... сўнг бўри мудраб ётган қўйларга ташланди. Бир қўйнинг қорнини ёриб таш-

лади, иккинчисининг бўғзидан тишлаб, гала ичидан судраб чиқди... “Ит нима қилди?” – деб сўрарсиз. Ҳеч нима. Думини ликиллатганча мойли кўзларини йилтилладиб ётаверди. Бор ҳақиқатни шунда англадим ва бир илож қилиб итни тутиб олиб, “жазо-йинг шу!” – деб осиб қўйдим. Бўлган гап шу, биродар.

Эрта билан нонуштадан кейин подшоҳ шаҳарга қайтди ва ўша куниёқ вазирни ҳибсга олдириб, дорга остирди...

КЎРНАМАК

Хусрав даврида шоҳлар ейдиган баъзи бир таомларни фуқаронинг ейиши ман қилинган, агар ўша таомни қора халқдан бирор кишининг

6-Адолат тарозиси

егани маълум бўлиб қолса, қаттиқ жазоланар экан. Бир одам подшоҳга яқин бир ясовулни меҳмон қилибди ва унинг олдига подшоҳлар ейдиган анвойи таомларни келтириб қўйибди. Ясовул бу уйдан чиқиши биланок қоғоз-қалам олиб, мен фалон кишининг уйида меҳмон бўлдим, дастурхонга подшоҳларга хос анвойи таомларни келтириб қўйди, азбаройи подшоҳ ҳазратларига ихлосим баланд бўлгани учун бу ҳодисани маълум қиляпман, деб ёзибди.

Хусрав қоғознинг орқасига шундай жавоб ёзибди:

“Бу қилмишинг учун сенга айтadиган арзон таҳсин-офариним йўқ, аммо у одамни подшоҳлар ейдиган таомни пиширгани учун эмас, балки ёмонликни раво кўрадиган

кўрнамакни меҳмон қилгани учун жазолайман”.

ҲОСИЛДОРЛИК СИРИ

Банно Хусравга¹ хабар берадиларки, бир одам Омулда² тақир ер сотиб олиб, шоли эккан эмиш. Ҳозир бу ерда шундай гуруч етиштириладики, бошқа ҳеч ерда бундай гуруч йўқ ва ҳар йили минг динор даромад қилади. Банно Хусрав бу ерни баҳосига сотиб олди ва ўша ерни бошдан-оёқ кавлаб чиқишга буюрди. Бу ердан у қирқ ботмон динор топиб олди. Хус-

¹ *Банно Хусрав* – бувайҳийлар сулоласи ҳукмдори Абу Шужоъ Адуд ад-Давла ибн Рукниддин (936-983).

² *Омул* – 1) қадимги Чоржўй; 2) Табаристондаги шаҳар.

рав шоли экилган ернинг бунчалик ҳосилдорлигига сабаб у ерда хазина борлигидандир, деди.

ХИСРАВ¹ ВА ШИРИН

Хисрав Парвез салтанат тахтига ўтириб, Ширинга уйланганидан сўнг ёруғ дунёни унинг кўзи билан кўрадиган бўлиб қолибди.

Кунлардан бир кун яқинларидан бири ундан:

– Ширинни қай даражада севасан? – деб сўрабди.

Парвез шундай жавоб берибди:

– Менинг муҳаббатим шу қадар кучлики, унинг бирор ёмон қилмиши бу муҳаббатни заррача камайтирол-

¹ *Хисрав* – сосонийлар сулоласига мансуб шоҳ (хукмронлик йиллари – 590–628).

майди, янги фазилати бундан бўлак оширолмайдди, висол онлари бундан ортиқ хурсанд этолмайдди, ҳижрон ғами унутишга мажбур қилолмайдди.

ТОРТИБ ОЛИНГАН БОЙЛИК

Бир куни Жаъфар бинни Яҳё бинни Холид Бармакий¹ чўлда Ҳорун ар-Рашид² ёнида отлик кетаётган экан. Шу маҳал олтин ортилган бир туя карвонига рўбарў келиб қолибди.

Ҳорун ар-Рашид:

¹ *Жаъфар бинни Яҳё бинни Холид Бармакий* – Ҳорун ар-Рашиднинг вазири (вафоти – 803).

² *Ҳорун ар-Рашид* – 786–809 йилларда ҳукмронлик қилган аббосийлар сулоласига мансуб халифа.

– Бу хазина қаёқдан пайдо бўлди? – деб сўрабди.

– Буни Али бинни Исо сизга Хуросон вилоятидан ҳадя қилиб юборди.

Хорун ар-Рашид Жаъфар бинни Яхёнинг биродари Фазл бинни Яхёни мансабидан бекор қилиб, унинг ўрнига Али бинни Исони Хуросон вилоятига ҳоким қилиб тайинлаган эди. Шунинг учун Жаъфарга қараб таънаомуз:

– Бу моллар сенинг аканг ҳокимлик қилиб юрган пайтларда қаерда эди? – деса, Жаъфар:

– Шаҳриёри олам, бу моллар ҳақиқий эгаларининг чўнтагида эди! – дебди.

ҲАҚЛИ ҲУКМ

Бир куни Ҳорун ар-Рашиднинг ўғилларидан бири унинг олдига йиғлаб келиб, жаҳл билан деди:

– Фалон саркарданинг ўғли менга дашном берди.

– Бундай кишининг жазоси қандай бўлади? – сўради халифа.

Мажлис аҳлидан бири:

– Бунинг жазоси ўлдиришдир, – деди.

– Тилини кесиб олиш керак, – деди иккинчиси.

– Даррага тортиш керак, – деди учинчиси.

– Амалини қўлидан олиб, бутун мол-мулкини мусодара қилиш керак, – деди тўртинчиси.

Ҳорун ар-Рашид бу маслаҳатларнинг бирортасига ҳам қулоқ солмай, шундай деди:

– Эй ўғлим, агар қўлингдан келса, мурувват қилиб, унинг айбини афв эт. Агар бундай қилолмасанг, у сенга қанча дашном берган бўлса, сен ҳам унга шунча дашном бер. Зинҳор дашномни ошириб юбормаки, у зулмга айланмасин.

ИМТИҲОНДАН ЎТОЛМАГАН ФАРЗАНД

Ҳорун ар-Рашиднинг икки хотинидан икки ўғли бор экан. Бири Муҳаммад Амин бинни Ҳорун, иккинчиси Маъмун бинни Ҳорун. Халифа эса фақат Маъмунни яхши кўрар ва Амಿಂದан устун кўяркан.

Бир куни Муҳаммад Аминнинг онаси:

– Эй халифам, нечун Маъмунни Муҳаммад Аминдан юқори қўясан? Ахир, иккиси ҳам ўз фарзандингку! – дебди.

– Икковини имтиҳон қилиб кўрайлик – сабабини ўшанда тушунасан, – дебди Ҳорун.

У бир ходимни чақириб, Муҳаммад Амин ва Маъмундан бир нарсани сўраб келишни буюрибди. Ходим Муҳаммад Аминнинг олдига бориб:

– Эй Муҳаммад Амин, борди-ю, тожу тахт сенинг қўлингга ўтса, менга қандай иноят кўрсатасан? – дебди.

– Сенгами? – дебди Муҳаммад Амин, – катта иноятлар кўрсатаман – ўзимга энг яқин маслаҳатчи қилиб оламан.

Ходим келиб, худди шу саволни Маъмунга берибди. Бу саволдан Маъмуннинг жаҳли чиқиб, олдидаги олтин сиёҳдонни отиб, ходимнинг бошини ёрибди, фигони фалакка чиқиб дебди:

— Қани, айт-чи, отамнинг ўлими сенга нима учун керак бўлиб қолди? Мен ҳамма хизматкорларини ҳам унинг битта фарзанди деб билардим. Сен муттаҳам ҳали унинг ўлимини кутиб юрган экансан-да.

Бошини қонатиб келган ходим бўлиб ўтган воқеани бошдан-оёқ гапириб берибди. Шунда Ҳорун ар-Рашид хотинига қараб дебди:

— Мен фарзандларимнинг ҳар қайсисига ўз фаҳми ва феълига қараб муомала қиламан.

ДАЪВОГА МУНОСИБ ҲУКМ

Абу Нувас Ҳорун ар-Рашид замонида атоқли сарой шоири бўлиб, у донолиги билан ҳам танилган экан. Шунинг учун халифа уни шаҳарнинг бош қозиси қилиб тайинлабди.

Бир куни эрталаб қозининг олдига новвой келиб, бир фақир одамнинг устидан шикоят қилибди:

– Бу одам ҳамиша бозорда менинг дўконим олдида туради – мен ёпаётган нонларнинг ҳидини тўйиб-тўйиб ҳидлайди-ю, сариқ чақа бермайди.

Абу Нувас анча вақт ўйланиб қолибди. Сўнг новвойга дебди:

– Сен ҳақсан. Бу одам сенинг нонларингни ҳидлаб ҳузур қилган бўлса, демак, сенинг меҳнатинг самарасидан фойдаланибди. Бунинг эвазига у ха-

ражатларингни тўлаши керак. Сенга икки динор кифоя қилар-а?

Шодликдан новвойнинг кўзлари чақнаб кетибди, фақир одам эса йиғлай бошлабди.

– Нақадар қашшоқ эканим Оллоҳга маълум. Мени оёғимдан силкитганда ҳам жиринг этиб бир танга тушмайди. Туршакдан шарбат олиб бўлармиди?

Қози унинг сўзларини эшитиб, яна ўйланиб қолибди. Кейин шундай дебди:

– Сен қашшоқ бўлганинг учун пулни мен ёнимдан тўлаб юбора қоламан.

Шундай деб, у ёнидан икки тилла чиқарди. Новвой сабрсизлик билан пулни олгани кўл чўзди.

– Шошма, – деди унга Абу Нувас. – Бу одам нонингни едими?

- Йўқ, тақсир, – деди новвой.
- Нонингдан жиндай ушатиб ол-
дими?
- Йўқ, тақсир.
- Бўлмаса, нонингга пуфлаб,
уларни беўхшов қилиб қўйдими?
- Йўқ, ундай қилгани йўқ, тақсир.
- Ундай бўлса, нонларингни бема-
лол сотаверсанг бўларкан-да? Балки
аллақачон сотиб ҳам бўлгандирсан?
- Ҳа, ҳа, тақсир.
- Бу одам нонингнинг ҳидига
қаноат қилган бўлса, сенга ҳам танга-
нинг жиринги кифоя қилар.

СЎЗДАН СЎЗНИНГ ФАРҚИ БОР

Ҳорун ар-Рашид бир кеча туш
кўрса, барча тишлари тўкилган эмиш.

Муаббирни чақириб, тушининг таъбирини сўрабди.

– Эй амир ал-мўминин, – дебди муаббир, – бу тушнинг таъбири шуки, барча яқинларинг ўлиб, ўзинг яккаю ёлғиз қолар экансан.

Бу таъбир халифага ёқмабди.

– Барча яқинларимдан айрилсам, менга ҳаётнинг нима қизиғи қолади? – деб тушини беъмани йўйгани учун фаросатсиз муаббирга юз дарра уришни буюриб, бошқасини ҳузурига чорлабди.

– Эй амир ал-мўминин, сен барча авлоду аждодингдан узоқ умр кўрар экансан, – дебди иккинчи муаббир.

Бу таъбир халифага маъқул тушибди.

“Аслида ҳар иккала таъбирнинг ҳам моҳияти бир, – деб ўйга чўмибди

Ҳорун ар-Рашид. – лекин уларнинг ифодаси орасида ер билан осмонча фарқ бор”.

Шундан сўнг муаббирга юз тилла инъом қилишларини буюрибди.

КАЛЛАЛАР КИМНИКИ?

Ҳорун ар-Рашид кўчадан ўтиб кетаётса, Шайх Баҳлул¹ икки одамнинг бош суягини олдиға қўйиб ўлтирган экан.

– Каллалар кимники? – деб сўради халифа.

– Бири менинг отамники, иккинчиси эса сенинг отангники. Лекин қай бири менинг отамники-ю, қай бири

¹ *Шайх Баҳлул* – зеҳни ўткирлиги ва ҳозиржавоблиги билан машҳур бўлган доғлишман (вафоти – 908).

сенинг отангникилигини ажратолмай ўтирибман, – дебди Шайх Баҳдул.

ЎЗ ҚАДРИНИ БИЛГАН ЧЎРИ

Халифа Ҳорун ар-Рашид чўриларининг орасида бири ўта гўзал бўлиб, агар у чўриларига бирор нарса совға қилса, ўша гўзал ўз ҳиссасини қайтариб берад, ҳатто бундан халифанинг жаҳли чиқар экан.

Иттифоқо, бир куни у барча чўриларига қимматбаҳо гавҳарларни сочиб юборибди – канизаклар гавҳарларни теришга тушишибди. Шунда ҳалиги гўзал қўлини ҳам чўзмабди. Кейин бошқа гавҳарларни келтиришни буюриб, истаганларини танлаб олинглар, дебди. Чўрилар ўзлари истаганларини танлаб оли-

шибди, лекин гўзал чўри яна ҳеч нарса олмабди. Шунда халифа унга қараб:

– Нега сен дугоналарингга ўхшаб ўзингга ёққанини танлаб олмаяпсан? – дебди.

– Борди-ю, шу ердан ўзимга ёққан нарсани танласам, меники бўладими? – деб сўради гўзал чўри қиз.

– Майли, сенинг айтганингча бўлсин.

– Унда, – деди қиз Ҳорун ар-Рашиднинг қўлидан тутиб, – мен сизни танладим.

Ҳорун ар-Рашид уни никоҳига олишга мажбур бўлди.

КЎПИДАН ОЗИ ЯХШИ

Жаъфар бинни Яхё бинни Холид Бармакий бир кишига ҳар куни озгина инъом бериб турарди. У бир куни:

– Бу инъомлар жуда камлик қилаяпти, бир йўла... – деган мазмунда арз қилди.

Бармакий деди:

– Эсингда бўлсинким, бирдан келиб, бирдан кетгувчи инъомдан кўра оз-оздан бўлса ҳам ҳар куни келгувчиси афзалдир.

ДОНО ПОДШОҲ

Қайсари Румнинг¹ икки кучли душмани бўлиб, бир куни иккала душман ўзаро уришмоқчи экан,

¹ *Қайсари Рум* – Рум подшоҳи.

деган хабар келибди. Қайсари Рум пойтахтининг тадбиркорлари шундоқ маслаҳат беришибди:

– Иккала душман пойтахтларини ташлаб, бир-бирига қарши уруш билан банд. Айни шу маҳалда биз фурсатдан фойдаланиб, уларга қарши ҳужум қилсак, иккаласининг ҳам пойтахтини босиб олишимиз мумкин.

Бунга Қайсар шундоқ жавоб берибди:

– Сиз ўйлаган бу тадбир ноўрин, чунки мақсадимизни англаб қолишса, бир-бири билан иттифоқ тузиб, бизни орадан кўтариб ташлашлари мумкин. Мен ҳозир сизларга бир мисол келтираман, қулоқ солинглар, – дебди. Кейин Қайсарнинг буйруғига биноан иккита ўргатилган овчи итни келтирадилар ва иккаласини уриштирадилар.

Итлар бир-бирини гажиб ташлайди. Сўнг Қайсарнинг амри билан уларга узоқдан тулкини рўбарў қилишади. Итлар уришишни қўйиб, ўша тулкига ташланишади. Ҳамма Қайсарнинг донолигига тан беради.

МУТРИБНИНГ ҲИММАТИ

Хисрав Парвез мулозимларининг биридан дарғазаб бўлиб, уни зиндонга ташлабди. Подшоҳдан кўрқиб, унга бир мутрибдан бошқа ҳеч ким бир парча нон, бир қултум сув олиб бормас экан. Бир куни буни подшоҳнинг қулоғига етказибдилар. Хисрав Парвез дарғазаб бўлди ва “Мутриб зудлик билан олиб келинсин!” – деб амр қилди. Мутрибни олиб келдилар. Подшоҳ уни қаттиқ итобга солди.

– Биз зиндонбанд қилган одамга ғамхўрлик қилишга қандай жазм қилдинг? Ахир, биз зиндонбанд қилган одам яшаш маишатларидан маҳрум қилинганлигини эшитмаганмидинг?

– Эшитганман, аъло ҳазрат, – деди мутриб, – лекин менинг қилган мурувватим сен унга қилган олий ҳиммат олдида сариқ чақага ҳам арзимаёди-ку!

Хисрав Парвез ҳайрон бўлиб, сўради:

– Биз унга қандай олий ҳиммат кўрсатган эканмиз?

– Сен унга, шаҳаншоҳ, умр бағишладинг, – деб жавоб қилди мутриб.

КАМТАРЛИК ВА МАНМАНЛИКНИНГ БАҲОСИ

Тўс-тўполонли ов пайтида Хисрав Парвезнинг тожидаги битта гавҳар йўқолибди. Лекин ов вақти буни ҳеч ким пайқамабди. Шоҳ шаҳарга қайтгачгина буни сезибди-ю, ғалафовур бошланибди. Чунки ўша гавҳар жуда қимматбаҳо бўлиб, унинг нархи бутун мамлакатнинг бир йиллик хирожига тенг келаркан. Шунинг учун уни топиб келтирган кишига катта мукофот ваъда қилинибди.

Бир гуруҳ одамлар гавҳарни ахтарганли дашту биёбонга келишибди. Иттифоқо, улар икки одамга дуч келишибди. Бирининг номи Мудбир, иккинчисининг оти Муқбил экан. Улар шу биёбонни кесиб ўтиб, шаҳар

томон бораётган эдилар. Гавҳар излаётганларнинг бошлиғи бу икки йўлчи билан учрашганда Мудбир такаббурилик ҳавоסי билан салом-алик қилмай гердайганча ўтиб кетади. Муқбил самимийлик юзасидан унга одоб билан бош эгиб салом беради-ю, ўша пайтда оёғи остида ётган гавҳарни кўриб, бошлиққа олиб узатади. Ваъда этилган мукофот Муқбилга берилиб, у Хисравнинг олқишига сазовор бўлади. Мудбир шаҳар ҳаммомига гўлаҳ бўлади.

ХАЁЛ

Шириннинг завжаси бўлган Хисрав Парвез деди:

— Подшоҳлик ғоят яхши нарса. Қани эди у доимий бўлса.

– Агар доимий бўлганида, – деди Ширин унга, – сенга подшоҳлик тегмас эди.

ДОНО ХИЗМАТКОР

Бир куни Хисрав Парвезнинг мажлисида бир хизматкор овқат кўтариб кириб, Хисравнинг ҳайбатига дош бера олмади-да, қўли қалтираб, бир оз тўкиб юборди. Тўкилган овқат шоҳнинг либосига тегди. Шоҳнинг газаби тошиб кетди-да, хизматкорини ўлимга буюрди. Чиқиб кетаётган хизматкор хукми эшитгач, шартта орқасига бурилди-да, қўлидаги овқатни Хисравнинг этагига ағдарди. Хисрав деди:

– Бу нима қилганинг?

– Шоҳим, – деди хизматкор, – озгина овқат тўкилгани учун мени ўлимга ҳукм қилдинг. Бу гуноҳ ўлимга арзигулик эмас. Озгина гуноҳ учун ҳам кишиларни ўлдиришингни халойиқ эшитса, сени золим экан дейишади ва халқнинг ихлоси қайтади. Мен эсам, сени золим деб таъна қилишларини хоҳламайман. Шунинг учун овқатни атайлаб тўқдим. Энди мана шу одобсизлигим учун ўлимга ҳукм этсанг арзийди ва бу одил ҳукм бўлади. Ҳеч ким сени золим экан деб таъна қилмайди. Энди ҳукминг бош устига, шоҳим!

Бу мантиқ Хисрав Парвезга хуш келиб, хизматкорнинг гуноҳини кечди ва уни ўзига яқин кишилардан қилиб тайинлади.

ХИСРАВ ПАРВЕЗ ВА БАЛИҚЧИ

Хисрав Парвез таомлар орасида балиқни хуш кўраркан. Кунлардан бир куни у суюкли ёри Ширин билан чорбоғларидан бирида ўтирган пайтда балиқчи кириб келди ва катта лаққани унинг олдига қўйди. Хисрав Парвез балиқни кўриб хурсанд бўлди ва хазиначини чақиртириб:

– Тўрт минг дирҳам¹ бериб юбор, – деб буюрди.

Балиқчи пулни олиб, ҳали чорбоғдан чиқмаган ҳам эди, Ширин эрига қараб:

– Унга шунча пул инъом этиб яхши қилмадинг, – деб қолди.

– Нега? – таажжубланди подшоҳ.

¹ *Дирҳам* – кумуш танга.

Ширин жавоб берди:

– Бундан кейин бирон хизматкорга қандайдир хизмати учун шунча ақча инъом қилсанг, “Подшоҳ мени балиқчи қатори кўрди”, деб айтади, борди-ю, кам бергудай бўлсанг, “Мени балиқчи қатори ҳам кўрмади”, деб ўқиниши мумкин.

– Рост айтасан, – деди подшо бошини қашиб, – лекин энди вақт ўтди. Аҳддан қайтиш яхши эмас.

Ширин бўш келмади ва эрига деди:

– Бунинг чораси бор. Балиқчини йўлидан қайтар ва ундан “Мана бу балиғинг эркакмиди ёки модамиди?” – деб сўра. Агар “эркак” деса, менга модасини келтир! – дегин. Борди-ю, “мода эди”, деса – эркагини келтир! – деб туриб ол.

Хисрав Парвез Шириннинг ақлига тасанно деди ва балиқчини йўлидан қайтариб келди. Лекин у ақлли ва зийрак одам эди. Подшоҳ:

– Олиб келган балиғинг эркакмиди ёки модамиди? – деб сўраган эди, у:

– Хунаса эди, – деб жавоб берди.

Подшоҳ балиқчининг ақлу фаросатига қойил қолди ва хазиначини чақиртириб, балиқчига яна тўрт минг дирҳам беришни буюрди. Балиқчи ундан пулни олиб, ҳамёнига урди ва чорбоғ дарвозаси сари йўл олди. Дарвозага борганда бир дирҳам ҳамёнидан тушиб кетди. Балиқчи уни дарҳол олиб, енг учи билан артди ва кўзларига суртиб, ҳамёнига солди. Подшоҳ ва хотини уни кузатиб тур-

ган эканлар, балиқчининг бу ишидан таажжубланибдилар. Ширин эрига маънодор қараб қўйди ва деди:

– У ўта очкўз одам экан, битта балиқ учун саккиз минг дирҳам олди-ю, ҳамёнидан тушган бир дирҳамни ҳам кўзи қиймай, ялаб-юлқаб киссасига урди.

Балиқчининг бу ишидан Хисрав Парвезнинг аччиғи чиқди ва хотинига қараб?

– Тўғри айтдинг, у ҳақиқатан ҳам ўтакетган очкўз одам экан, – деди ва балиқчини чақиртириб келиб, уни итобга олди:

– Битта балиққа саккиз минг дирҳамни олдинг. Очкўзликнинг ҳам чегараси бор. Тушиб қолган бир дирҳамга ҳам кўз олайтирганинг нимаси? Инсоф борми ўзи сенда?!

Балиқчи подшоҳнинг важоҳатидан чўчимади ва вазминлик билан жавоб қилди:

– Подшоҳимизнинг азиз умрлари узун бўлгай! Бунинг сабаби шулки, ўша дирҳамнинг бир тарафида подшоҳнинг муқаддас сиймоси тасвирланган, орқа тарафида эса унинг муборак исмлари ёзилган экан. У оёқ ости бўлгудай бўлса, гуноҳга ботмай, деб уни ердан авайлаб олиб, киссамга солдим.

Подшоҳ балиқчининг садоқатидан мамнун бўлди ва хазиначини чақиртириб:

– Унга яна тўрт минг дирҳам бериб юбор! – деб буюрди.

ОШПАЗНИНГ ФАРОСАТИ

Бир куни Эрон подшоҳи Хисрав ошпазининг нон ёпаётганига кўзи тушиб, разм солиб қараса, тандир олдида терга пишган ошпаз жичча хамирдан узиб, терини артибди, кейин яна хамирга қўшиб, нон ясайверибди. Хисрав индамай қўя қолибди. Эртасига ошпазни чақириб:

– Қани айт, таомлардан қайси бири лаззатлироқ? – деб сўрабди.

Ошпаз анча зийрак экан, косанинг тагида нимкоса борлигини фаҳмлаб:

– Дастурхонга келтириб қўйилган таомнинг қанақа тайёрланганига кўзинг тушмагани, – дебди.

МУНАЖЖИМНИНГ ОРЗУСИ

Хисрав Парвезнинг хос мунажжими бўлиб, илму камолотда беназир эди. У бир куни подшоҳга деди:

– Э, Хисрав! Менинг қотилим қачон келаркан? Шунини ўйласам, юрагим орқага тортади. Қалламга бир хаёл келди.

– Сенинг бизда не даъвоинг бор? Гапир!

Мунажжим:

– Ҳеч бўлмаса икки кун подшоҳнинг қасрида истиқомат қилсам. Кечани ҳам ўша ерда кечирсам, айни иқболу саодатга сабаб бўлар эди, – деб кўнглидагини гапирди.

Хисрав Парвез ижозат этди ва мунажжим ўн кечаю ўн кундуз подшоҳнинг қасрида истиқомат қил-

ди. Хисрав кечаси фаррошнинг ёнида ётди. Тўққиз кеча ўтиб, ўнинчи кеча бошланган куни Хисрав Парвезнинг фанимлари унинг ётоқхонаси деворини тешиб кирдилар ва мунажжимни подшоҳ деб ўйлаб, бошини кесиб кетдилар. Хисрав Парвез бўлса, омон қолди – у ўша кеча ҳарамда экан.

ЛАЁҚАТ ҲАР ХИЛ БЎЛАДИ

Бир подшоҳ ўғлини бир олим тарбиясига топшириб:

– Бу сенинг фарзандинг – ўз ўфилларингнинг биридай тарбияла, унга таълим ўргат! – дейди.

Олим захмат чекиб, шахзодани бир неча йиллар давомида ўқитиб ўргатибди. Лекин меҳнатлари зое кетди.

8-Адолат тарозиси

тиб, шоҳнинг ўғлидан одам чиқмабди. Ўз болалари эса илм-фан, фазлу одобда камолотга етишибдилар. Бундан огоҳ бўлган подшоҳ олимни койиб:

– Сен аҳдингни бузиб, ваъдага вафо қилмадинг, – дебди. Шунда олим:

– Эй шоҳ, тарбиянинг расму қоидаси бир йўсинда, лекин истеъдод турлича бўлади, – деган экан.

ЭНГ ХАЙРЛИ ДУО

Ҳажжож¹ ўзининг золимлиги билан донг таратган эди. Бир куни Бағдодга улуғ бир авлиё ташриф бу-

¹ Ҳажжож – умавийлар даврида Хижоз ва Ироқ ҳокими бўлган шахс (661–714). У ўта золим ва шафқатсизлиги билан донг таратган.

юрганини эшитиб, унинг зиёратига борди. Қайтар экан:

– Мени бир дуо қилинг, – деб илтимос қилди.

– Худоё, бунинг жонини олгил! – деди авлиё.

– Бу қанақа дуо бўлди? – деди хайрон бўлиб Ҳажжож.

– Бу ҳам сен учун, ҳам жумла мусулмон учун энг хайрли дуодир, – жавоб қилди у.

ЗОЛИМ ҲАЖЖОЖ

Бир куни Ҳажжож овга чиқди. Лашкарларидан узоқлашиб, бир сувда чўмилмоқчи бўлганида чўкиб ўлишига сал қолади. Бир одам уни қутқазади. Ҳажжож ундан номинг нима, қаерликсан деб сўради. У айтди.

Тонг отгач, Ҳажжож тахтига келиб ўлтирди.

– Фалон маҳалладан фалон кишини олиб келинглар, – деб буюрди. Олиб келишлари билан Ҳажжож унга:

– Мен баъзи нарсаларни сендан сўрайман, тўғри жавоб берсанг, нажот топасан, йўқса қаҳру ғазабимга учрайсан. Зулму ситами туфайли халқ унинг даф бўлишини кечаю кундуз Худодан сўраб турган бир киши ҳалокат гирдобига учради. У ўлим олдида эди. Бир киши уни ўлимдан қутқазиб, шундай балони яна халқ бошига қайтарса, нима қилиш лозим?

– Нима демокчи эканлигингизни тушундим, – деди халиги одам. – Халққа зулму ситам қилаётган ўша золим сиз бўласиз. Балога учраган

эдингиз – мен сизни халос қилдим.
Чунки отангиз ҳам бизнинг устимиз-
дан хоким эди. Чексиз зулму си-
там қилиб, халқ нафратига учради.
Энди тузукроқмикан, деб сиздан кўп
умид қилган эдик. Сиз юз чандон
золироқ чиқдингиз. Шунинг учун
мен сиз ўлсангиз, ўғлингиз сиздан ҳам
баттароқ бўлмасин, деб кўрдим.

Ҳажжож кулиб:

– Сени кечирдим, – деди ва инъ-
омлар берди.

ХОТИН ТАЛОҚ

Бир киши мажлисда Ҳажжожни
ёмонлаб қолди:

– Хотиним уч талоқ бўлсинки,
Ҳажжож шу Ҳажжож бўладиган
бўлса, албатта, дўзахга тушади.

Мажлис аҳли унга маломат қилдилар ва дедиларки, Ҳажжож дўзахга тушадими-йўқми ҳали тайини йўғу, сен қасам ичдинг. Мана энди хотинингга талоқ тушди – сен унга номаҳрамсан.

У киши бу гаплардан жуда хафа бўлиб, Умар ибни Асад фақиҳнинг¹ олдига бориб, бўлган воқеани гапириб берди.

– Ҳозирча хотинингни бегона қилма, – деди фақиҳ, – агар Худойи тало шунчалик зулми учун Ҳажжожни дўзахга солмаса, бир оғиз гапинг учун сенга ҳам жазо бермайди.

¹ Фақиз – шариат ҳуқуқшуноси.

НАЗАРДАН ҚОЛГАН КИШИ

Ҳажжожга бир тўда кишилар хуруж қилдилар. Ўша тўдадан бир хотинни ажратиб, Ҳажжожнинг қошига олиб келдилар. У хотинни роса мақтаб, кейин гап сўради. Хотин бошини қўйи эгганича жим тура берди. Шунда ҳозирлардан бири деди:

– Ахир, сенга гапираяптилар, нега жавоб бермайсан?

– Мен Худодан уяламан, – деди хотин, – Худои таоло назар қилмаган киши билан гаплашмайман.

Ҳажжож деди:

– Худои таоло менга назар қилмаслигини қаердан билдинг?

Хотин деди:

– Агар Худои таоло сенга назар қилса эди, сени шунчалик золим қилиб яратмаган бўларди.

ШИЖОАТ

Бир араб саркардаси бор эди. Қариб қолишига қарамасдан, унинг дилида ҳамон шижоат йўқолмаган экан. Бир куни отга минмоқчи бўлди. Икки киши келиб унинг қўлтиғидан олиб, отга зўр-базўр миндириб қўйдилар. Улардан бири таъна қилиб:

– Отига зўрға миндириб қўйдигу, унинг қўлидан нима иш келарди? – деди.

Буни эшитган саркарда бояги одамга деди:

– Ҳа, отга икки киши миндирди, ammo уни минг киши ҳам тушира олмайди!

Анушервон унга таҳсин ўқиди ва деди:

– Ҳа, у рост айтади, қўл юрак қувватига тобедир, унинг юрагида ботирлик кучи бор!

ЁЛҒОНЧИ ЗОҲИД

Бир зоҳид подшоҳ қошига бориб деди:

– Ўтган кеча пайғамбар алай-ҳиссаломни тушимда кўрдим. Бориб подшоҳга айтгин, камроқ шароб ичсин, деб айтдилар.

Подшоҳ деди:

– Сен ёлғон гапираяпсан.

Зоҳид деди:

– Бу туш ёлғон эканлигини нима билан исбот қиласиз?

Подшоҳ деди:

– Сенинг гапингга қараганда пайғамбар шаробни озроқ ичсин дебди-

лар. Демак, шаробни озроқ ичишга рухсат берибдилар. Ваҳоланки, ҳазрати пайғамбар хоҳ кўп бўлсин, хоҳ оз бўлсин, ҳаромни ичишга рухсат бермайдилар.

Зоҳид айтган сўзидан хижолат бўлиб, аркони давлат подшоҳнинг фаҳми тезлигига офарин деди.

ЎТМИШИНГНИ УНУТМА

Яъқуб бинни Лайс¹ салтанат эгаси бўлган вақтигача фақир ва муҳтож киши эди. У салтанатга ўтириб, сейистонлик бир кишини таъқиб этаверди ва охири унинг молу мулкини бутун-

¹ *Яъқуб бинни Лайс* – 873–903 йилларда Эронда ҳукмронлик қилган ва саффорийлар сулоласига асос солган ҳукмдор.

лай тортиб олиб, бир бурда нонга мухтож қилиб қўйди. Бир куни жабрдийда унинг олдига келди.

– Хўш, аҳволинг қалай? – деб сўради ундан Яъқуб бинни Лайс

– Сенинг кечаги кундаги аҳволинг-даман, – деди у.

– Менинг кеча аҳволим қандай эди? – сўради Яъқуб.

– Менинг бугунги аҳволим каби, – деди жабрдийда.

Яъқуб ғазабланди, олдинга интилди, аммо ўйлаб туриб инсофга келди ва жабрдийдани бу гаплари учун сийлаб, бутун молу мулкани қайтариб берди.

ДОИМИЙ ХАВФ

Абу Айюб деган киши Мансур¹ халифанинг энг яқин кишиларидан бири эди. Лекин ҳар вақт Мансур уни чақирса, ранги ўчиб, вужудига ларза тушарди.

Бир куни бир маҳрам хилватда ундан сўради:

– Сен-ку, халифанинг энг ишончли суҳбатдоши ва яқинларидансан. Шунга қарамай, қачон у чақирса, нега қўл-оёғингга ларза тушади?

Абу Айюб деди:

– Эй биродар, ўтга яқинлашсанг – куйиш, сувга яқинлашсанг – чўкиш хавфи муқаррар.

¹ Мансур – 754–775 йилларда ҳукмронлик қилган араб халифаси Абу Жаъфар ал-Мансур.

УЧ ҲИКМАТЛИ СЎЗ

Амир Хусрав замонида бир киши кўчада:

– Уч ҳикматли сўзни минг динорга оладиган одам борми? Келинг, кеп қолинг, сотаман! – деб жар солиб юрган экан.

Бу сўзни подшоҳ эшитиб, ҳалиги одамни чақирибди.

– Қани, айт, бу қанақа ҳикматли сўз? – дебди подшоҳ.

– Аввал пулни тайёрланг, кейин айтаман, – дебди ҳаким.

Пулни олдига қўйгандан кейин шундоқ дебди:

– Биринчиси шуки: сенинг салтанатингда бирорта дуруст одам топилмайди.

– Иккинчиси шуки: одамларнинг ҳаммаси шунақа бўлса-да, улардан қочиш ва уларсиз яшашнинг иложи йўқ.

– Учинчи ҳикматли сўз юқорида зикр этилган гаплардан келиб чиқади: подшоҳ одамлар қай даражада ёмон эканлигини билиши керак, ўшандагина озми-кўпми уларга чап бериши мумкин.

Бу ҳикматли сўзлар подшоҳга ёқади. Подшоҳ ҳақимни мақтайди ва тайёрлаб қўйилган пулларни унинг этагига солишни буюради, бироқ ҳақим пулни олмайди.

– Айтадиган сўзингни айтмасдан пулни талаб қилган эдинг-ку, нега энди олмайсан? – деб подшоҳ ҳайратда қолади.

Шунда ҳақим шундай дейди:

– Бизнинг замонда ҳам ҳикматли сўзни олтинга оладиган одам топиладими-йўқми, шуни билмоқчи эдим, холос!

ОДОБНИНГ ЎҒЛИ

Бир куни халифа Маъмун¹ одоб билан сўзлаётган бир боладан:

– Кимнинг ўғлисан? – деб сўради.

Бола:

– Одобнинг ўғлиман, – деб жавоб берди.

Бу жавобни эшитган Маъмун:

– Қандай чиройли отанг бор экан-а, – деб унга таҳсин ўқиди.

¹ *Маъмун* – 813–833 йилларда ҳукмронлик қилган аббосийлар сулоласига мансуб халифа Маъмун ар-Рашид бинни Ҳорун.

“АКА-УКАЛАР”

Султон Маҳмуд¹ бир куни соқчилари билан бозор оралар экан, биқинидан бир тиланчи суқилиб, садақа сўрабди. Подшоҳ унга бир олтин берибди. Тиланчи пулни чўнтакка уриб дебди:

– Катта бир салтанатнинг эгаси ўз укасига биттагина олтин берадими?

– Қанақасига укам бўласан?

– Икковимиз ҳам Одам алай-ҳиссаломнинг авлоди эмасмизми? Демак, ака-укамиз!

Шунда подшоҳ тиланчининг қулоғига аста шивирлабди:

– Бу кашфингни бошқага айта кўрма, агар ҳамма ҳақини таниб, бир-

¹ *Маҳмуд Фазнавий* – ғазнавийлар давлати ҳукмдори (967-1030).

биридан улуш талаб қилаверса, сенга
ҳемири ҳам тегмайди!

ДАРВЕШЛАР ОҲИ

Бир золим ҳоким дарвешлар терган ўтинларни зўр билан арзон баҳога харид қилиб, бойларга қиммат нархга сотар эди. Бир донишманд унга дарвешлар оҳи ўтидан эҳтиёт бўлишни ҳарчанд уқтирса-да, парво қилмади. Иттифоқо, ҳокимнинг уйига ўт тушиб, бор-буди куйиб кул бўлди. Унинг:

– Билмасманки, бу учқун қайдан илашди? – деб йиғлаб ўтирганини кўрган ўша донишманд кулиб деди:

– Билгинким, бу учқун дарвешлар оҳининг ўтидан тушди.

АДЛУ ИНСОФ

Халифа Маъмун қози Яхъё ибн Аксам билан бирга боғ томошасига борди. Халифа боғга бораётганларида қозининг соясида бўлди, қайтишда эса офтоб тарафда боришни ихтиёр қилди.

– Бу сафар соя тараф сеники бўлсин, акс ҳолда адлу инсофга зид иш бўлади, – деди халифа.

– Кўп йиллардан бери мен сизнинг лутфу карамингиз соясидаман. Бир соат офтобда қолсам, нима бўпти? – деб кўнмади қози.

Халифа унга офаринлар ўқиди, лекин барибир айтганини қилди. Бу гал у офтоб тарафда борди.

АБУЛҒИЁ КЎР БЎЛГАЧ

Арабларнинг машҳур донишмандларидан бўлган Абдулғиё умрининг охирида кўр бўлиб қолди. Бир куни унга шундай хабар етказдилар:

– Мавлоно Абулғиё, Мутаваккил¹ айтдики, агар сиз кўр бўлмаганингизда, у ўзига надим қилиб олган бўлар экан.

Бу сўзни эшитиб, Абулғиё хафа бўлди ва хабар келтирганга деди:

– Бориб Мутаваккилга айт. Агар мени олиб бориб игнага ип ўтказдирса, узукка ёзилган хатни ўқитса ёки бирор жойга кузатувчи қилиб қўйса, қўлимдан келмайди.

¹ *Мутаваккил* – 847–861 йилларда хукмронлик қилган аббосийлар сулоласига мансуб халифа.

Мабодо мен билан илму фан борасида баҳс қилмоқчи бўлса, ҳали ундан қолишадиган жойим йўқ.

Мутаваккил бу гапни эшитиб, Абулғиёни ҳузурига чорлади ва хос надими қилиб тайинлади.

ШАРОБНИНГ КУЧИ

Халифа Маҳдий¹ овга чиққан экан, лашкаридан ажралиб қолиб, бир кўчманчи арабнинг уйида тунашга мажбур бўлибди. Араб унинг олдига овқат ва бир кўзада шароб келтириб қўйибди. Маҳдий биринчи пиёлани бўшатиб: “Мен Маҳдийнинг мулозимларидан бўламан”, дебди. Иккинчи

¹ *Маҳдий* – 775–785 йилларда хукмронлик қилган аббосийлар сулоласига мансуб халифа.

пиёлани ичиб бўлгандан кейин: “Мен Махдийнинг амирларидан бўламан”, дебди. Учинчи косани ичиб бўлгандан сўнг эса: “Мен Махдийнинг ўзи бўламан”, дебди.

Шунда араб дарров кўзани унинг олдидан тортиб олибди-да, шундай дебди:

– Биринчи косани ичиб, хизматкорлик даъво қилдинг, иккинчи косани ичиб, амирлик даъво қилдинг, учинчи косани ичиб, халифалик даъво қилдинг, яна бир коса ичсанг, худолик даъво қилар экансан-да.

Эртасига Махдийнинг лашкари етиб келганда араб қўрқиб, қочиб кетибди. Махдий уни топтириб келиб, бирмунча олтин мукофот берибди.

ОЛИЖАНОБЛИК

Кунлардан бир куни халифа Маъмун заргарни чақиртирди ва унга каттагина ёқутни бериб, ундан узук тайёрлашни буюрди. Эртасига худди шу пайтда узук эсига тушиб, заргарни йўқлатди. Эшикдан кириб келган заргар терак япроғи каби титрар эди. Маъмун ундан нима воқеа бўлганини сўради. Заргар қалтираб деди:

– Узукни тайёрлаб, энди унга қўзни ўрнатаётган эдим, қўлимдан тушиб, сандонга тегди ва тўртга бўлиниб кетди!

Катталиги ва ноёблиги жиҳатидан камдан-кам ҳукмдорга бўладиган бундай ёқутнинг сингани Маъмунни қайғуга солмади ва заргарга қараб:

– Майли, хафа бўлма, бориб ундан тўртта узук яса! – деди.

ЕТИМНИНГ ҲАҚИ

Бир одам халифа Мўътасимга¹ илтимоснома ёзиб юборди. Унда: “Лашкардан фалон исмли киши урушда шаҳид бўлди; ундан анча мол-мулк ва етим боласи қолди. Мерос сағирга ортиқлик қилади, шунинг учун унинг бир қисмини хазинага олиб бориб топширсам, лашкарнинг маишатиغا сарф қилсалар”, – деб ёзилган экан.

Халифа ўша илтимоснома юборган одамни чақиртириб буюрди:

– Шаҳид бўлган одамнинг бор мол-мулкини хазинага топшир, етимни эса Тангрининг ўзи боқиб олади.

¹ *Мўътасим* – 833–842 йилларда хукмронлик қилган аббосийлар сулоласига мансуб халифа.

ҲАҚПАРАСТ ОМИЛ

Қишлоқ аҳли халифа Маъмунга омилнинг зулмидан шикоят қилиб келибдилар ва адолат ўрнатишни илтимос қилибдилар.

Халифа уларга жавоб қилибди:

– Омилларим орасида ундан ростгўйроқ ва ҳақпарастни йўқ. Унинг ҳар аъзоси, тирноғидан сочигача ҳақпарастлик ва адлу инсоф билан тўладир.

Буни эшитиб, дехқонлардан бири деди:

– Ундай бўлса, унинг ҳар бир аъзосини бир вилоятга юборсангиз кўп яхши бўларди, токи сизга тобе ўлкаларда адлу инсоф қарор топарди.

ҲАРОМ САДАҚА

Абдумалик ибн Марвон¹ кўчада айланиб юрган эди. Бир фақир киши эшакка анор юклаб ўтиб қолди. Абдумалик ундан ўнта анорини зўрлаб тортиб олди.

Озгина юрган эди, олдидан бир дарвеш чиқиб қолди. Абдумалик анорларнинг ҳаммасини унга тортиқ қилди. Шунда унга ҳамроҳ бўлиб кетаётган куфалик сўради:

– Эй олампаноҳ у ердаги зулм ва бу ердаги адолатнинг хикмати нима?

Абдумалик деди:

– У ерда ўнта анорни зўрлик билан тортиб олиб, битта гуноҳ орттирдим. Энди бўлса, ўнта анорни

¹ *Абдумалик Ибн Марвон* – умавия хонадонига мансуб халифа (685-705).

дарвешга бериб, ўнта савоб олдим.
Битта гуноҳимни битта савобим ювса,
тўққизта савоб ёнимга қолади.

– Эй олампадох, ҳаромдан қилин-
ган садақа савоб келтирмаслигини
наҳотки билмасангиз?

ҲАҚ ГАПНИ ДЕВОНАДАН ЭШИТ

Бир куни Султон Маҳмуд шифо-
хонага борган экан, қараса, бир дево-
нани занжирбанд қилиб қўйишибди.
Девона подшоҳни кўргач, ҳиринглаб
кулаверибди.

– Ҳа, девона, нега куляпсан? –
деб сўраса:

– Сенга куламан, – дебди дево-
на, – сен подшоҳ бўлиб, такаббур-
ликдан бошқа нарсани билмадинг: на

умрингда бирор савоб иш қилдинг ва на одоб кўчасидан ўтдинг.

– Тила тилагингни, нима истайсан? – дебди Султон Маҳмуд.

– Озгина хом думба бўлса, ер эдим, – дебди девона.

Султон Маҳмуд амрига кўра думба ўрнига турпни арчиб беришибди. Девона турпни чайнаб, хадеб бош чайқайверибди.

– Ҳа, нега бош чайқайсан? – деб сўраса:

– Сен подшоҳ бўлгандан кейин думбада ёғ қолмабди, – дебди девона.

Шунда Султон Маҳмуд:

– Ҳа, ҳақ гапни девонадан эшит, деганлари рост экан, – дебди.

ОДАМ БОР ЖОЙДА ПАШША ҲАМ БЎЛАДИ

Султон Маҳмудни пашшалар таллайвериб, жонидан безор қилибди. Султон жонида жон қолмай, Талхакдан:¹

– Пашша бўлмайдиган бирор жой йўқмикин? – деб сўради.

– Одам бўлмаган жойда пашша ҳам бўлмайди, – дебди Талхак.

– Одам ҳам, пашша ҳам бўлмайдиган жойни топиб бўлмасмикин? – дебди Султон Маҳмуд.

– Бу амри маҳол, – дебди Талхак.

– Агар шундай жой топилса-чи? – дебди Султон.

¹ *Талхак* – тили ўткирлиги билан машҳур бўлган донишманд (Талхак – форсчада аччиқ Маҳмуд Фазнавийнинг надими, масхарабози деган маънони билдиради).

Шундан кейин икковлари кимсасиз сахрога борибдилар. Бир жойда дам олиш учун тўхтаб, тамадди қилиш ниятида дастурхон ёзибдилар. Шу маҳал қаердандир пашша пайдо бўлиб, дастурхонга қўнибди.

– Одам йўқ жойда пашша бўлмайди деган эдинг-ку! – захрини сочибди Султон Маҳмуд Талхакка.

– Нима, сиз билан мен одам эмасмизми?

Подшоҳ миқ этолмай қолибди.

МУҒОМБИР ҚАРИЯ

Султон Маҳмуд ўтин орқалаб кетаётган бир чолни учратиб, раҳми келибди.

– Ҳой, қария, – дебди у, – шу офир меҳнатдан қутулишинг учун сен-

га уч-тўрт олтин берайми ёки битта эшак берсам бўладими, уч-тўрт қўй инъом қилайми ёки бирор боғ ажратиб берайми? – деб сўрабди.

– Эй султон, олтин берсанг, белимга боғлаб олар эдим, берган эшагингни миниб, қўйларни олдимга солиб, боғга борар эдим ва қолган умримни сени дуо қилиб, чорбоғда ўтказар эдим, – дебди чол.

Султонга бу гап маъқул тушиб, худди шундай қилишга фармон берибди.

БОЙҚУШЛАР СУХБАТИ

Кунлардан бир кун Султон Махмуд Фазнавий вазири хожа Ҳасан билан овга чиқади. Шаҳар четидagi бир вайрона устида икки бойқуш

нималарнидир сўзлашардилар. Вазир тўхтаб, уларга қулоқ солди ва: “Во, дариғо!” – деб хўнграб йиғлаб юборди.

– Нима учун оҳ чекаётибсан? – деб сўради Султон.

– Ана у бойқушларнинг гапларига йиғлаётибман, – деди у.

Султон сўрашда давом этди:

– Бойқушлар нималарни гаплашаётган эканлар?

– Улардан бири, – деди вазир, – иккинчисига: “Қуда-анда тутинайлик, қизингни менинг ўғлимга бер, қалинига нима десанг берайин”, – деди. Иккинчиси эса унга: “Қалинига ўн минг вайрона керак”, – деди. Қуда бўлувчи унга: “Агар Султон Маҳмуд омон бўлса, сўраганингни бир йилдан кейин берайин”, – деди. Мен

бойқушнинг мана шу гапига оҳ че-
каётибман.

Султон Маҳмуд деди:

– Наҳотки, бир йил ичида ўн минг
уйни хароб қилсам? Мен шу қадар
золимманми?!

– Шунақа дейишяпти, – деб жа-
воб қилди вазир.

– Энди нима қилиш керак? – деб
сўради султон.

– Адолат кўрсатиб, барча зулминг
учун тавба қилишинг зарур, – деди
вазир унга.

ТЎҒРИЛИКНИНГ МУКОФОТИ

Султон Санжар¹ Марв шаҳрида
олий бир бино қуришга киришди.

¹ *Султон Санжар* – 1118–1157 йилларда
хукмронлик қилган салжуқийлар сулоласига
мансуб хукмдор.

Лекин устунга муносиб ёғоч тополмадилар. Қидириб-қидириб бир хотиннинг ховлисида устунбоп дарахт борлигини аниқладилар. Султоннинг одамлари бориб: “Ёғочингни сотгин”, деб ялиниб-ёлвордилар, лекин аёл кўнмади. Султоннинг амри билан хазинадан бир товоқ олтин ва кумуш танга ҳамда зар чопон олиб бордилар. Хотин шундан кейин дарахтни кесишга ижозат берди. Ёғочни олиб келиб устун ясадилар. Устун иморатга жуда ярашди. Султон мамнун бўлиб:

– Устунга олтин суви беринглар, айвонга ҳам зар югуртиринглар, – деб буюрди.

Иморат битгандан кейин шаҳар халқи уни томоша қилгани келдилар. Улар орасида зар чопон кийган ўша

10—*Адолат тарозиси*

дарахт соҳибаси ҳам бор эди. У устун ёнига бориб секингина деди:

– Эй, ёғоч! Тўғрилигинг туфайли ўзинг ҳам зарга буркандинг, мени ҳам зар чопонлик қилдинг.

ВАЗИРНИНГ ПУШАЙМОНИ

Султон Санжарга вазири бир киши устидан ғийбат қилиб, деди:

– Фалон кишининг кўнгли ўлгунча қора, ўта ёмон. Агар уни туттириб олиб келсангиз, кўп нарса аён бўларди.

– Майли, сен айтгандай бўла қолсин, уни эртага эрта билан туттириб келайлик, – деди Султон.

Шундан кейин вазир хотиржам бўлди. Эртаси эрталаб зўр умид билан саройга келди. Аммо у кут-

ганча бўлмади. У айтган одам тутиб келинди-ю, лекин жазо ўрнига Султон унинг елкасига чопон ташлади ва от билан сийлаб, уйига жўнатиб юборди.

Вазир ажабланди ва Султондан сўради:

– Кеча ўша кишини туттириб келиб жазога торттирадигандай бўлиб эдингиз, энди бўлса унга бош-оёқ сарупо ва от бериб, бошини осмонга етказдингиз. Бу ишингизни тушунолмай қолдим.

– Ўша одам сенга дўстмикан ёки душманмикан деб мулоҳаза қилиб кўрдим, – деди Султон вазирга, – дўст бўлганда унга ёмонлик истаб, ғийбат қилмаган бўлардинг. Ғийбат қилганингдан у сенга душманлигини фаҳмладим.

Вазирнинг тили айланмай қолди – қилган ишидан эса пушаймон бўлди.

НАМОЗ КИМ УЧУН ЎҚИЛАДИ?

– Бир куни мен пешин намозини адо этиш учун Самарқанддаги жомеъ масжидига бордим, – деб ҳикоя қилади машҳур сайёҳ Ибн Баттута¹, – аммо султон Тармаширин ҳали йўқ эди. Унинг маҳрамларидан бири намоз ўқиладиган гиламчани келтириб, одатда султон ибодат қиладиган жойга ёйиб қўйди ва Ҳисомиддин ал-Ёғийга мурожаат этди:

– Султонимиз таҳоратни тугалламагунига қадар намозни бошламай

¹ *Ибн Баттута* – машҳур араб сайёҳи ва географи (1304–1369).

кутиб турар экансиз – у шундай деб буюрди.

Имом ўрнидан туриб деди:

– Намоз Худо учун ўқиладими ёки Тармаширин¹ учунми?

Шундай деб, у муаззинга намозни бошлашни буюради. Султон масжидга кириб келганда икки ракаат намоз ўқиб бўлинган эди. У икки ракаат намозни қолган жойидан одамлар ўз пойафзалини ечиб қолдирган жойда – масжид остонасида ўтириб ўқиди, намознинг ўқилмай қолган қисмини ҳам тугатиб, ўрнидан турди.

¹ *Тармаширин* – 1326–1334 йилларда Мовароуннахрда ҳукмронлик қилган Алоуддин Тармаширин.

СОТҚИННИНГ УМРИ УЗУН

Бутун дунёни забт этишга қарор қилган Чингизхоннинг сон-саноқсиз кўшини яшин тезлигида ҳужум бошлайди. Марказий Осиёдаги йирик шаҳарлар саноқли кунлар ичида душманга таслим бўлади. Йўлида учраган тўсиқларнинг чангини чиқариб келатган ёв қудратини кўриб талвасага тушиб қолган айрим ҳокимлар шаҳар дарвозаларини ўз қўллари билан очиб берганлар. Фақат Ўтроргина олти ойгача ёвга таслим бўлмайди – аҳолиси қирилиб кетгунча қаршилик кўрсатади. Чингизхон: “Ўтрорда бирорта эркак зоти қолдирилмасин!” – деб фармон беради. Ўтрордаги барча эркаклар қаҳрамонларча ҳалок

бўладилар. Фақат битта сотқин тирик қолади, холос.

ҲАФТАҲАҲМ

Чингизхон ўзига қарши бош кўтарган элатларни йўл-йўлакай яксон қилиб, ўрислар мамлакатининг чегарасига етиб келганида, тўсатдан қаттиқ қорбўрон бошланибди-да, бир муддат тўхташга мажбур бўлибди. Қаҳри қаттиқ қонхўр хон бекор ётишдан зерикиб, лашкарига: “Ким агар қордан одам ясаса, унга отнинг калласидек олтин инъом этаман!” – деб жар солдирибди. Ҳамма навкарлар қордан одам ясашга киришиб кетишибди. Агар кимдир қордан одам ясагани ҳақида хонга хабар етказса, хон ўша заҳоти бориб, қор одамни қиличи билан чошиб ташлар-

кан, тамом-вассалом! На бирон гап айтаркан, на ваъда қилинган инъомни бераркан. Навкарлар орасида ёлғиз ўғли билан юрган бир чол бўлиб, у хоннинг кутилмаганда бундай эрмакка ружу қўйиб қолганининг маъносини ўйлай-ўйлай, ўзича хон: “Навкарларим яқинроқ овуллардан одамларни асир олиб, уларни қорга кўмиб, қор одам ясармикан”, деган шум ниятда бўлса керак, деб тахмин қилибди. Бироқ, бу тахминини ҳеч кимга айтолмай жимгина ётаверибди. Умри бино бўлгандан бери камбағалликдан боши чиқмай яшаган қария: “Ёлғиз ўғлимни қандай бахтли қилсам экан?” деб кўпдан бери бош қотираркан. Ҳеч ким Чингизхоннинг кўнглидагидек қор одам ясай олма-

ётганини кўрган чол, ниҳоят, ўғлини олдига чақириб:

– Болам, биз етти пушти ҳам қорни тўймай ўсган халқнинг авлодимиз. Ҳеч бўлмаганда сендан кейин яшайдиган авлодларимизнинг ташвишини қилсак бўлармиди, – дебди.

Ўғли ажабланиб:

– Хўш, нима қил дейсиз? – деб сўрабди.

– Менинг тахминимча, Чингизхон ночор-нотавон, касалмандроқ навкарларнинг қор одамга айлантирилишини кутиб ётганга ўхшайди. Шунинг учун бугун тунда мен далага чиқиб совуқда тик турай. Сен муздек сувни олиб келиб устимдан қуявер. Қарабсанки, тарашадек қотиб қоламан. Эрталабгача қор ёғса, устимга ёпишади. Ана

шунда сен Чингизхоннинг олдига борасан-да, қордан одам ясадим, деб хабар қиласан. У сенга отнинг калласидек олтин беради.

— Йўғ-э, қўйсангиз-чи, бундай қилиб бойигандан... — аччиғланибди ўғил.

— Йўғнинг нимаси?! — дебди чолнинг ҳам жаҳли чиқиб. — Барибир куним битиб турибди. Бугун бўлмаса, эртага ўламан. Мени кўмадиган сиёғнинг ҳам йўқ. Отасининг ўлигини кўчада қолдирди, деб одамлар сендан кулишади. Мени қор одамга айлантисанг, улуғ хоннинг шартини бажариб, тухфа оласан, бой бўласан. Отнинг калласидек олтини бор одамнинг отасини ҳамма хурмат қилиб, тобутини елкасида кўтаради. Мен

шўрлик ўлиб бўлсаям мана мен деган лашкарбошиларнинг елкасига миниб, бир хумордан чиқай.

Ўғил ўйланиб қолибди. Чол унга ялиниб-ёлвориб, ўғлининг бойиб кетишига сабаб бўлса, бу дунёдан армонсиз кетажагини айтиб, ахири кўндирибди.

Шундай қилиб, навкар отасини ўзи маслаҳат берганидек, қор одамга айлантирибди-да, эрталаб хон чодирига хабар етказибди. Чингизхон чошгоҳга яқин лашкарбошиларини эргаштириб, қор одамни кўришга келибди. Қараса, нақ кўнглидагидек иш. Хон бир норғул навкарига қор одамни қилич тифидан ўтказишни буюрибди. Навкар қор одамга қулочкашлаб қилич тортибди. Қор одам

иккига бўлиниб қулаганида унинг ҳақиқатан ҳам одамлигини кўриб, ҳамма донг қотиб қолибди.

– Яша, шартимни кўнгилдагидек бажарибсан! Олтинни олишдан аввал айт-чи, бу қандай одам ўзи? – деб сўрабди хон.

– Отам эди, – дебди йигит.

Чингизхон навкарнинг жавобини эшитган заҳоти уни имлаб кўрсатиб:

– Бунинг ўзи ҳам қилич тифидан ўтказилсин! – деб буюрибди.

– Нега энди?! – деб сўрабди йигит йиғламсираб.

– Навкарларимнинг ақли бўлса, яқинроқ овуллардаги одамларни олиб келиб, мана шундай қор одамлар ясар, деб умид қилган эдим. Мен сени фаҳм-фаросатли навкар деб олтин бермоқчи эдим. Отнинг кал-

ласидек олтин учун ўз отасини аямаган сендек оқпадар эрта бир кун душманларим муштдек олтин бериб, “Шу оқшом лашкарларнинг чодирига ўт қўй” ё “Чингизхонни ўлдир” деса, тап тортмай бажараверишинг мумкин экан. Сендек ҳафтафаҳмнинг умри қисқароқ бўлгани маъқул, – дебди.

ПОДШОҲ ВА ҚАЛАНДАР

Бир қаландар¹ ўз мулкининг султонига:

– Мени фалон шаҳарга ҳоким қилиб тайинласангиз, – дебди.

– Сенинг қаландарона ҳаётинг Худода хуш келган экан, сени ҳоким

¹ *Қаландар* – дарвеш, тарки дунё қилган киши.

килиб, Худонинг хоҳишига қарши иш қилмайлик ва сени гуноҳга қолдирмайлик. Агар бу тахлитда ҳаёт кечириб юришинг мунофиқлик бўлса, унда мунофиқларни тақдирлаш сира жоиз эмас, — дебди подшоҳ.

ШУМҚАДАМ

Подшоҳ эрта тонгда овга кетаётган эди, бир жойда олдидан усти-боши хароб, кўриниши хунук бир одам чиқиб қолди. Подшоҳ йўлдан шунақа одам чиққанини овининг барор олмаслиги нишонаси деб фол кўрди-да, у кишини ўлгудек савалаттирди.

Иттифоқо, шу куни шоҳнинг иши ўнгидан келиб, ови барор топди. Жуда кўп ўлжа билан, шоду хуррам қайтиб келаётиб, эрталаб жазо берган

жойига етганда ўша киши эсига тушиб қолиб, деди:

– Эй аъёнлар, эрталаб бечора деҳқонни бесабаб кўп урдим. Топсангиз, кўнглидан чиқарсам.

Уни топиб келдилар. Подшоҳ узр сўраб, унга тўн ва минг дирҳам пул инъом қилди. Шунда жабрдийда деди:

– Эй подшоҳ, мен сендан тўн ҳам, пул ҳам тама қилганим йўқ эди, олмайман ҳам. Фақатгина рухсат берсанг, бир оғизгина гапим бор, айтиб олсам.

Подшоҳ рози бўлди. У киши деди:

– Эй шох, эрталаб биз тасодифан учрашиб қолдик. Мени кўрганинг туфайли сенинг овинг бароридан келиб ўйнаб-кулиб қайтдинг. Мен эса сени кўрганим сабабли не-не балолар-

га гирифтор бўлмадим. Энди ўзинг инсоф билан айт-чи, қайси биримиз шумқадамроқмиз?

Подшоҳ дехқоннинг шижоати ва саволига қойил қолиб кулди ва яна узр сўраб, ўн минг дирҳам эҳсон берди.

АДОЛАТ

Бир подшоҳ ўғлини чақириб сўради:

– Оламда яшашдан мақсадинг нима?

– Туганмас мулким бўлса, – деди ўғли, – есам, ичсам, овга чиқсам, жонон қизлар билан ишрат қилиб, суҳбат қурсам.

Шоҳ бир хизматкорини чақирди:

– Хўш, яшашдан сенинг мақсадинг нима?

– Қўлимдан келгунча ўзимдан ожизларга лутфу марҳамат кўрсатиш, қулларни озод қилиш, – деди хизматкор.

Шундан кейин подшоҳ ўғлини иноят назаридан четлатиб, хизматкорини тахт вориси қилиб тайинлади.

ОҚИЛА ҚИЗ

Чингизхон лашкарбошиларидан бирини ёқтирмас экан. Дабдурустдан ўлдириб юборишга аввалги хизматларини яхши биладиганлардан ҳайиқиб:

– Сен менинг олдимга ўн яшар улоқ, йигирма яшар қашқир, ўттиз яшар йўлбарс, қирқ яшар шақал, эллик яшар тулки, олтмиш яшар туяқуш олиб келасан. Қаердан бўлсаям топасан! – деб антиқа шарт

11–*Адолат тарозиси*

қўйибди. Йигит ҳамма ёқни кезиб чиқибди-ю, Чингизхон айтган жониворлардан ақалли биронтасини тополмабди. Ўлимини бўйнига олиб, озиб-тўзиб Амударёни ёқалаб бораётган экан, қараса, бир қиз қовоқчада экинига сув қўйиб юрганмиш. Йигит тўхтаб, қиздан қултум сув сўрабди. Қиз сув узата туриб йигитнинг юзи заъфарондек¹ сарғайиб, ўлар ҳолга келганини кўриб, унга раҳми келибди. Ҳол-аҳвол сўрабди. Йигит унга Чингизхоннинг шартини айтибди.

– Чингизхон айтган ҳайвонларнинг ҳеч бири ўша ёшга етган эмаслиги ҳаммага, қолаверса, унинг ўзига ҳам маълум-ку. Демак, у сизга ёмонлик қилмоқчи бўлганга ўхшайди, – дебди

¹ *Заъфарон* – сариқ рангли хушбўй гиёҳ; мажозан: сариқ ранг.

қиз. — Яхшиси, сиз хон олдига айтган жониворларни эмас, ўша ёшдаги эркакларни эргаштириб обора қолинг. Одам ўн ёшида — улоқдай, йигирма ёшида — кашқирдай, қирқ ёшида — шақалдай, эллик ёшида — тулкидай, олтмиш ёшида — туяқушдай бўлади...

АМИР ТЕМУР ВА МЕЪМОР

Бир куни Амир Темур тез муддатда дунё қойил қоладиган мадраса қуриб битиришни ният қилибди. Моҳир меъморни чақириб, ўша кунлик иш бошлатмоқчи бўлибди. Меъмор бундай бинони шошилишч қуриб бўлмаслигини қанча айтса ҳам Амир кўнмабди. Ноилож қолган меъмор мадрасанинг жойини тайёрлаб, пойдеворини қўйдириб, бир кечада ғойиб

бўлиб кетибди. Ер-кўкни қидириб топишолмабди. Орадан икки йил ўтгач, ҳалиги уста пайдо бўлибди, дарғазаб Амирга:

– Сиз истаган муддатда бу бинони қуриб битказишим мумкин эди, аммо минг гўзал бўлгани билан унинг умри узоққа бормасди. Ўйланмай қилинган ишнинг охири вой. Сиз айтган бинони қуриш учун ўйлашликка фурсат керак эди. Мен икки йил кўринмай кетган давримда шу ҳақда ўйладим. Қанча-қанча юртлардаги қасри олийларни кўриб келдим. Ҳам боқий, ҳам гўзал бўлиши режаларини туздим. Мен бир бино яратмоқчиманки, унинг тепасида фақат осмон бўлади. Осмон халақит бермаса, уни яна ҳам баландроқ кўтаришим мумкин бўларди, – деб жавоб қилган экан.

ХОТИННИНГ МАВҚЕИ

Амир Темур ўлим тўшагида ётганида унинг болаликдаги қадрони:

– Қани, ўлим олдидан ростингни айт-чи, сен бу шон-шавкатинг учун кимдан миннатдорсан? – деб сўрабди.

Соҳибқирон ўйлаб ўтирмай:

– Уч одамдан миннатдорман, – деб жавоб берибди.

– Улар кимлар? – деб сўрабди қадрдон жўраси.

– Биринчи одам – хотиним, – дебди жаҳонгир. – Мен жангу жадалдан гоҳ чарчаб-ҳориб, гоҳ ғам-аламга ғарқ бўлиб қайтган пайтларимда у ҳар гал хушмуомаласи, ширин-шакар сўзлари билан кўнглимда таскин-тасалли уйғота олди. Уйимга душманим кириб келган тақдирда ҳам,

қовоғини уймай, унинг олдида дастурхон ёзаверди. Сидқидилдан ёзилган тўкин-сочин дастурхон устида қаттол душманларим ювош тортиб, менинг олдимда бош эгадиган, кейинчалик кўрган жойида қуюқ саломини қанда қилмайдиган бўлишди.

– Хўш, иккинчиси ким? – деб сўрабди жўраси.

– Иккинчи одам ҳам – хотиним, – дебди Амир Темура. – Менинг олис юртлардан ғалаба билан қайтишимни интизорлик билан кутгани етмагандай, “Эрим мағлубиятга учраб хафа бўлиб келса, кўриб кўнгли кўтарилсин, мабодо ёв қўлида ўлса, ёдгорлик бўлар”, деб номимга қасрлар, миноралар, мадрасалар қурдиран эди.

– Яна кимдан миннатдорсан? – деб сўрабди жўраси.

– Мен миннатдор учинчи одам ҳам – хотиним, – дебди у. – Мен бу дунёда кўпдан-кўп урушлар олиб бордим. Агар жанг майдонида ўлсам, душманларим жасадимни қарға-қузғунларга ем қилишлари аниқ эди. Шунинг билан, менинг ўлигимни кўчада қолдирмайдиган, вақти келиб қазо қилсам, салтанатимни, тож-тахтимни эгаллаб, чала қолган ишларимни давом эттира оладиган фарзандларни туғиб берди.

МИНГ ТАНГАЛИК ҲИКМАТ

Бир куни Амир Темурга отаси бир сурув қўйни бериб, Самарқанд бозорида пуллаб келишини топширади. У қўйларни минг тангага сотгач, бозор айланади. Қўлида шеър ёзилган қоғоз

тутганича, одамларга ниманидир тушунтираётган қаландарга дуч келади.

– Кимда-ким шу шеърни минг тангага олса, муродига етади, – дер эди у.

Темур иккиланиб ўтирмай, минг тангани беради-да, қоғозни олади.

– Буни отанг олдида ўқи! – тайинлайди у.

Қоғозни келтириб отасига беради. Бу машҳур шоир Камол Хўжандийнинг бир рубойиси бўлиб, мазмуни қуйидагича экан: “Зулм билан дунёда ном қолдириб бўлмайди. Жамшид, Сулаймон, Искандарлар ўтиб кетди, навбат сенга ҳам етиши тайин. Дунёга келдингми, яхшилик билан ном қолдир”.

Отам роса уришса керак, деб минг бир шубҳа-гумон ўтида титраб турган

Темур ногоҳ шундай сўзларни эши-
тади:

– Пулни кўп эзгу йўлда сарф этиб-
сан, ўғлим, – дейди отаси. – Энди бу
ҳикматга бир умр қаттиқ риоя этиш
лозим.

ҚУРЪОН ҚУТҚАРАДИ

Амир Темурнинг ўзи шеър ёзиш-
га майл кўрсатмаса ҳам, жойи ва
вақтини топиб усталик билан шеърый
мисоллар келтиришда ҳеч ким унинг
олдига тушолмаган

Темурнинг ўғли Мироншоҳ ички-
ликка берилиб, кўпгина ножўя иш-
ларни содир этади. Амирнинг амрига
кўра, шахзоданинг бундай ёмон йўлга
киришига сабабчи бўлганлардан Мав-
лоно Муҳаммад Коҳий билан Устод

Қутб Нойининг боши танасидан жудо қилинади. Аммо улардан бири – Хожа Абулқодир қочиб кетади ва бегона юртларда ўзини девоналикка солиб юради. Темур Ироққа юриш қилганида қочоқни тутиб келадилар. Шунда Қуръонни ёд билган ва яхшигина қироати бўлган Хожа Абулқодир бир Қуръон ўқимоқ қиладиким, Соҳибқироннинг қаҳри меҳрга айланиб, кўнгли юмшайди ва атрофдагиларга қараб Абусаид Абулхайрнинг қуйидаги машҳур мисрасини ўқийди:

*Абдол зи бим чанг дар
Мусҳаф зад.*

(Дарвеш кўрқувдан Қуръонга чанг солди)

Кейин унга илтифот кўрсатиб, ўзига мулозим ва надим қилиб олади.

ҚЎРҚОҚ ОШИҚ

Амир Темур улуг Хожа Ахмад Ясса-вийга ҳурматини бажо келтириш учун бетимсол мақбара барпо этишга қарор қилади ва дунёнинг тўрт тарафидан қўли гул усталарни, наққошларни, дурадгору қурувчиларни тўплаб келтиради. Ганчкорларга ёш йигит бошчилик қилади. У оддий лойга жон киритиб юборадиган беназир уста бўлиши билан бир қаторда, жуда келишган, хушбичим эди. Оллоҳ унга яна битта фазилатни ато этганди: унинг ширали овози бор эди.

Ҳар оқшом қуёш уфққа бош қўйгач, ганчкорлар кундузги ишларини тамомлайдилар. Уста эса қад кўтараётган мақбара девори устига чиқиб, қўшиқ айта бошларди. Унинг

мўъжизакор овози сокин дашту далалар узра тараларди. Қурувчилар олисларда қолган ватанини, қариндошуруғларини эслаб, чуқур хўрсиниб кўярдилар.

Йигит кўшиқ бошлаган захоти ҳар гал Темур қароргоҳидаги шойи ўтовнинг гулдор эшиги шитоб очилиб, ташқарига гўзал Марзия отилиб чиқар экан. Гўзал қиз кўшиқни тик турганча қимир етмасдан тингларди.

Амир бу қурилишга нақадар катта эътибор бераётганини таъкидлаш мақсадида ҳар куни туш пайтида Марзиянинг ўзи қурувчиларга сув келтириб берарди. Ёш уста билан юзларига ҳарир парда ёпиб олган гўзал пинҳоний равишда бир-бирини севиб қоладилар.

Ажойиб кунларнинг бирида сира кутилмаган мўъжиза рўй беради: Марзия устага бир пиёла сув уздаётган пайтда уста ўзини тутолмасдан қизнинг юзидаги пардасини елкасига қайириб ташлайди. Тасодифий гувоҳларнинг назарида осмонда чарақлаб турган қуёш ҳам хиралашиб қолгандай туюлади – қиз шу қадар гўзал эдики, асти қўяверасиз! Ҳаммани бирдан қўрқув камраб олади: ахир, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳодиса содир бўлган эди-да! Қандайдир қулбачча подшо қавмидан бўлган маликани ҳақорат қилганди. Марзия эса бир кулимсираб, индамасдан изига қайтиб кетади.

Қуллар ёш йигитга таъна-маломат ёғдирадилар:

– Нима бало, жонингдан тўйдингми?! Эртага Амир Темур жангдан қайтиб келади. Албатта, қайнсинглиси бўлган воқеани унга айтиб беради. Амирнинг жаҳли чиқиб, сени қаттиқ жазолайди. Бизни ҳам соғ қўймайди.

Устани титроқ босади, бошини эгиб олади.

– Энди нима қиламан?! Нима қилиш керак?! – деб бечора зорланади. Аъзойи баданини совуқ тер қоплайди.

– Кечаси ҳаммамиз қочиб кетамиз, – деб таклиф қилади кимдир.

Эртаси куни назоратчилар бир неча уста йўқолиб қолганини билиб қоладилар. Қочоқларнинг ортидан аскарлар жўнатилади. Бийдай даштда яширинадиган пана жой йўқ эди. Қочоқлар қўлга тушадилар ва ҳаммаси зиндонга ташланади.

Эртаси куни Марзия қўрқоқ устага мана бундай мактуб йўллайди:

“Сенга шунча ҳунару фазилат берган Худо фаросатдан қисмаса, муҳаббатимни кўзларимдан билиб олмасмидинг, мардлигу жасоратдан қисмаса, қочиб кетармидинг? Энди сен терган у фишлар гўзаллигини, сен айтган у қўшиқлар таъсири-ни йўқотди. Менга ҳозир сенинг ўлимингдан кўра хилхонанинг чала қолгани кўпроқ алам қилади. Ирода-сиз, қўрқоқдан сира ошиқ чиқмайди, юрагида қатъияти йўқ киши бевафо бўлади”.

БИТМАЙ ҚОЛГАН БИНО

Амир Темур мўғул хони Хизр-хўжанинг қизига уйланиши олдидан

Хожа Аҳмад руҳи ва пойқадамини зиёрат қилиш учун Яссига бориб, пирига муносиб мурид сифатида унга атаб улкан кошона бунёд этиш ҳақида фармон беради. Хонақоҳ Яссавийнинг мавжуд мақбараси устига қурилиши, ҳатто унинг хоналари йилнинг 360 кунига тенг бўлиши таъкидланган экан.

Жангу жадаллар туфайли жаҳонгир бино қурилишидан вақтида хабар ололмас, шу туфайли бу вазифани суюкли маликасига топширган экан. Кунларнинг бирида шаббода малика юзидаги пардани кўтариб юборибди-ю, меъморнинг кўзи унинг чеҳрасига тушиб, ошиқу беқарор бўлибди. Буни сезган малика меъморга тушлик чоғида ишончли канизаги орқали 7 хил рангга бўялган тухум-

ларни жўнатибди. Тухумлар ҳар хил рангда бўлса ҳам, мазаси бир хил эканлигини англаган уста, мабодо бу можаро Амир қулоғига етса, охири бахайр бўлмаслигини сезиб, қанот ясаб, шогирди билан учиб кетибди. Шу тариқа бино битмай қолибди.

НОН ҲУРМАТИ

Мирзо Улуғбек мулозимлари билан кетаётганида йўл ёқасида ётган бир бурда нонни кўриб қолади-да, дарров отдан тушиб, уни қўйнига солади. Мулозимлардан бири:

– Султоним, нега бизга буюрмай, ўзингиз отдан тушдингиз? – деб сўраганида шундай жавоб берибди:

– Нонни биринчи бўлиб мен кўрдим, шундай экан, уни ердан олишни

бошқа бировга буюриш менинг нонга нисбатан ҳурматсизлигим бўлар эди. Ноннинг улуғлиги олдида менинг подшолигим нима бўлибди.

САЛЛА ВА КАЛЛА

Султон Ҳусайн Бойқаро замонасининг машҳур қозиларидан бири Низомиддин Ҳиравий бир куни арз сўраб турганда икки киши бир саллани даъво қилиб келдилар. Қози фаросат билан муҳокама юритиб, уларнинг биридан гумонсиради ва буюрди:

– Марҳамат, саллани қандай ўраб юрган бўлсангиз, шундай қилиб бошингизга ўранг.

У киши амрни бажарди. Салладан андаккина ортиб қолди. Қози иккинчисига ҳам шу амрни қилди. У

Ўраган эди, салла лопша-лойиқ келди.
Қози деди:

– Салла ва калла мувофиқ келди.
Демак, салла шу калланики. Бизнинг
ҳукмимиз шу. Тухматчи каззоб тавба
қилдирилсин.

ҲАЙФ КЕТГАН ҚАСИДА

Бир шоир хасисликни мадҳ этув-
чи қасида ёзиб, уни хасисликда ном
чиқарган султонга тақдим этибди.
Султон қасидани ўқиб, шундай дебди:

– Таҳсинга сазовор қасида бў-
либди. Лекин, афсуски, сенинг бу
меҳнатингни тақдирлай олмайман.
Акс ҳолда, сенинг ибратомуз ва фой-
дали маслаҳатларингга амал қилмаган
бўламан.

ТАРКИ ОДАТ – АМРИМАҲОЛ

Подшоҳнинг эпчил надими бор экан. У восвос касалига гирифтор бўлиб қолибди. Ўлтиришларда соқолидан бир тук юлиб олишни ҳам одат қилибди. Охири подшоҳ унга қаттиқ танбеҳ берибди ва дебди:

– Иккинчи бор шундай қилганингни кўрсам, жаллодга буюриб, иккала қўлингни кестириб ташлайман.

– Маъзур тутадилар, аъло ҳазрат! Бу такрорланмайди.

Надим подшонинг мажлисидан маъюс ҳолда чиқибди. Ўлтиришларда ўзини эҳтиёт қиладиган бўлиб қолибди, лекин уйда шу қилиғини такрорлайверибди.

Орадан анча вақт ўтиб, бир куни подшоҳнинг мажлисида надим дунё-

нинг ажойибу фаройибларидан сўзлаб, подшоҳни кўп хушнуд қилибди. Бир вақт подшоҳнинг кайфи ошиб қолиб, надимга катта илтифот кўрсатибди.

– Сенга кўп серунум ерларни инъом қилмоқчиман, – дебди у надимга мурожаат қилиб, – токи умрингнинг охиригача роҳат-фароғатда кун кечиргин. Яна нима сўрасанг, йўқ демаймиз.

– Минг бор ташаккур, аъло хазрат! Яхшиси менга соқолимни инъом қилиб қўя қолинг, токи ундан хоҳлаган ерда истаганимча юлайин. Бундай қилмасам, қўлим қуриб қолади, – дебди надим.

ҚЎШИҚНИ БУЗГАННИНГ ЖАЗОСИ

Феруз саройида мақом кечаси да-
вом этар, куйлаётган бир ҳофиз ақлу
хушлар ҳокими эди. Муסיқа тугаган
заҳоти хон “жаллод” дея хайқирди.
Ҳамма лол эди. Қўшиқчи даррага
тортилди.

Эртасига бунинг сирини сўраган-
ларида, ёш ҳофиз қўшиқнинг қайси
бир пардасидан чала урғу билан
ўтганини тан олди.

МАЪНАВИЯТИ ЮКСАК ХАЛҚНИ ЕНГИБ БЎЛМАЙДИ

Қадим замонда битта қудратли хон
ўзга халқни ўзига бўйсундиришга аҳд
қилиб, сон-саноксиз аскарларини че-

гарага келтириб қўяди. Сўнг бир неча айғоқчини қошига чорлаб:

– Билиб келинглари-чи, бизга қарши турган душманнинг қанча кучи бор экан? – дейди.

Айғоқчилар қайтгач, хон ўз ҳузурига вазирларини, саркардаларини чақиртиради.

– Хўш, нима гап? Қани, бошланглар! – дейди хон.

– Биз жуда кўп жойларда бўлдик, – дейди айғоқчилардан бири. – Бир гал катта зиёфатнинг устидан чиқиб қолдик. Халқнинг ҳукмдори ҳам ўша ерда эди. Зиёфат авжга чиққан пайтда ўтовга дўмбира ушлаган ўн олти ёшлар чамасидаги ўсмир кириб келди. Тўрда ўтирган ҳукмдор нарироқ силжиб, анави болага ёнидан жой берди. Биз бундай ҳолдан ҳайрон

бўлиб: “Мишиқи бир болага намунача иззат-икром кўрсатилмаса?!” – деб сўрадик ёнимиздаги сахройилардан. “Ахир, у бизнинг шоиримиз-ку!” – деб гурур билан жавоб қайтаришди.

Агар уларнинг ҳукмдори шу даражада аҳмоқ бўлса, демак биз бу халқни телпагимиз билан уриб енгимиз мумкин! Олампаноҳ, ижозат берсангиз, ҳозироқ аскарларимни жангга ташлайман! – дейди саркарда кўзлари чақнаб.

Шу пайтгача миқ этмай ўтирган хон саркардага бошдан-оёқ синчков назар ташлайди-да:

– Йўқ! – дейди. – Аскарларни орқага қайтаринг! Ўз шоирларини, ўзининг маънавий бойлигини бу қадар эъзозлайдиган, маданияти бу қадар юксак тараққий этган халқни

қириб юбориш мумкин, лекин асло
енгиб бўлмайди!

НАФСОНИЯТ

Бағдод халифаси умрида шаҳар
юзини кўрмаган ва бировнинг
сухбатида бўлмаган бир қишлоқи
араб билан овқатланиб ўтирган экан,
бирдан кўзи қишлоқи арабнинг
луқмасидаги қилга тушиб қолибди ва
унга:

– Қўлингдаги луқмадан қилни
олиб ташла, – дебди.

Араб қўлидаги луқмани дастурхон-
га қўйиб, қўлини артаркан, шундай
дебди:

– Меҳмоннинг луқмасидаги қил-
ни кўрадиган даражада синчиклаб
қарайдиган одамнинг дастурхонидан
таом еб бўладими?!

ЎН КУНЛИК ҲОКИМИЯТНИНГ ОҚИБАТИ

Марвон Ҳимор¹ аббосийлар лашкари билан бўлган урушда ўлдирилди. Унинг бошини аббосийлар қўшинининг лашкарбошиси Солиҳ ҳузурига олиб келдилар. Солиҳ жаллодга:

– Унинг тилини ҳам суғуриб ол! – деб буюрди.

Жаллод Марвоннинг тилини ҳам суғуриб олди. Сўнг Солиҳ атрофида турган одамларга қараб мурожаат қилди:

– Дунёнинг мана бу ажойиботи барчага ибрат бўлсин – бундан кейин

¹ *Марвон Ҳимор* – умавия сулоласига мансуб сўнгги халифа (744–750).

ҳеч ким ўн кунлик ҳокимият деб мана шундай кунга қолмасин!

ОЛИМ ВА ПОДШОҲ

Мисрда икки амирзода бор эди. Бири илм ўрганиб, алломай замон бўлди, иккинчиси молу дунё тўплаб, Миср тахтига ўтирди. Бунисининг:

– Мен салтанатга етишдим, сенинг эса ҳамон қашшоқликдан бошинг чиқмайди, – деган таънасига жавобан униси деди:

– Мен илм ўрганиб, пайғамбарлар меросини топганим шукрини айтиб адо қилолмайман. Сен эса Фиръавн ва Ҳомон меросини топиб, Мисрда подшоҳ бўлдинг.

ҲАҚ НОҲАҚДАН ҚЎРҚМАЙДИ

Ҳажжож бир одамдан Яман вилоятида ҳокимлик қилаётган биродарининг аҳволини сўрабди:

– Қани, айт, сизларнинг ҳокимларинг – менинг биродарим Муҳаммад бинни Юсуфнинг аҳволи қандай?

– Ўзи семизу, қадду басти филдай, ранг-рўйи хўроздай!

– Мен сендан унинг ранг-рўйини эмас, адл-инсофини сўраяпман.

– Бераҳм, қонхўр, золим, фосиқ, бадахлоқ!

– Нега бўлмаса ундан каттароғига арз қилиб, зулмидан қутулмайсизлар?

– Ундан каттароғи ундан бешбаттар бўлса-чи?

– Мени танийсанми?

– Албатта танийман. Сен Ҳажжож бинни Юсуфсан, у сенинг биродаринг бўлади.

– Нечук қўрқмасдан-нетмасдан бу гапларни менга дангал айтяпсан?

– Ҳақ гапни гапирадиган одам ноҳақдан қўрқмайди...

ХИСРАВ ПАРВЕЗНИНГ МАКТУБИ

Хисрав Парвез фуқарога зулм қилган бир амалдорини хузурига чақиртирибди. Амалдор тезда кела-вермабди. Шунда Парвез ўша элнинг ҳокимига:

– Келишга гавдаси оғирлик қилаётган бўлса, енгилроқ аъзоси – калласини юбора қол, – деб хат ёзибди.

САДАҚАНИНГ ФОЙДАСИ

Подшоҳлардан бири ўз фуқароларига садақа қилишни тақиқлаб қўйибди. “Агар кимда-ким садақа берадиган бўлса, унинг икки қўли кесиб ташлансин!” – деб фармон чиқарибди. Шундан кейин бу мамлакатда ҳеч ким бировга садақа бермайдиган бўлибди.

Кунлардан бир куни қорни оч, ўзи яланғоч бир киши бир эшикни тақиллатиб, садақа сўрабди. Соҳибжамол бир қиз чиқиб, ҳарчанд:

– Бизда садақа берган кишининг қўлларини кесиб ташлайдилар, – демасин, ҳалиги бечора:

– Худо йўлида сўрайман, илтимос, бирор нарса бер, – деб туриб олибди.

Қизнинг унга раҳми келиб, иккита нон чиқариб берибди.

Бу хабар дарҳол подшоҳга етиб борибди – қизнинг икки қўлини кесиб ташлабдилар.

Орадан бир қанча вақт ўтиб, подшоҳ онасига:

– Мен яна уйланмоқчиман, – дебди, – бирор чиройли қиз топсангиз.

Яқинимизда бир қиз бор – ундан чиройлисини топиб бўлмайди, – дебди онаси. – фақат бир айби бор-да...

– Қанақа айб экан?

– Икки қўли кесилган.

Подшоҳ уни бир кўриш истагини билдирган экан, онаси бориб бошлаб келибди. Подшоҳ бир кўришдаёқ ошиқ бўлиб, унга уйланибди. Бу – гадойга иккита нон садақа қилгани учун қўллари кесилган ўша хотин

экан. Подшоҳнинг ундан ажралмай қолганини кўрган бошқа хотинлари ҳасад ўтида ёниб, турли фисқу фасодлар тарқатишибди, уни бузукдан олиб-бузукқа солишибди. Тоқати тоқ бўлган подшоҳ уни боласи билан бир биёбонга элтиб ташлабди.

Боласини елкасига миндириб олган бечора аёл биёбон бўйлаб боши оққан томонга кетаверибди. Юра-юра бир дарёнинг олдидан чиқиб қолибди-да, чанқоғини қондириш учун соҳилга чўккалабди. Сув ичман деб энгашган экан, елкасидаги боласи дарёга тушиб кетибди. У доду фарёд солганча қолаверибди.

Шу пайт ёнидан икки киши ўтиб қолиб, ундан:

– Нега йиғлаяпсан? – деб сўрашибди.

– Болам елкамда эди, сувга тушиб кетди – қутқаришга ожизман, – дебди йиғлаб аёл.

– Болангни олиб чиқиб берайликми?

– Жон дердим...

Икковлон Худои таолодан сўраб, дуо қилишган экан, шу лаҳзадаёқ бола соғ-саломат сувдан чиқиб келибди.

Улар яна:

– Қўлларингнинг аввалги ҳолига қайтишини хоҳлайсанми? – деб сўрашган экан, аёл:

– Илоё, мурод-мақсадларингга етинглар! – деб дуо қилибди.

Улар алланима деб дуо ўқишган экан, аёлнинг қўллари илгаригидан ҳам чиройли бўлиб ўз ҳолига қайтибди.

Шундан кейин ҳалиги кишилар:

– Бизнинг кимлигимизни биласанми? – деб сўрашибди.

– Оллоҳ билади, – дебди аёл.

– Биз ўша сен гадоёга садақа қилган иккита нон бўламиз. Қилган садақанг қўлингнинг кесилишига сабаб бўлган эди. Лекин шуни билиб қўйки, бировга яхшилик қилсанг, ҳеч қачон зое кетмайди, – деганча кўздан ғойиб бўлишибди.

МЕҲР ВА ҚАҲР

Подшоҳлардан бирининг ниҳоятда гўзал қизи бор экан. Икки мерган йигит бир вақтда унга ошиб бўлиб қолибди. Буларнинг муҳаббатини си-намоқчи бўлган малика иккаласини овга чиқариб юборибди. Кечга яқин

иккала йигит ўлжа билан хурсанд бўлиб қайтибди. Бири ўзи отиб келган тўнғиз билан бўрини маликанинг оёғи остига ташласа, иккинчиси ёшгина оху боласи билан булбулни қўйибди. Малика буларни имтиҳон қилиш мақсадида:

– Нега сен бўри билан тўнғизу сен эса гўзал оху билан булбул овлаб келдинг? – деб сўраса, бири:

– Аввало, йиртқич ҳайвонларни отиб, бошқа жониворларни бевақт офатдан қутқаздим, бу – савоб. Бундан ташқари, уларнинг териси одамларга фойда, – деб жавоб берибди.

Иккинчиси эса:

– Катта нарсани ҳамма ҳам нишонга олаверади, мен булбул билан учқур охуни мерганлигимни кўрсатиш учун отдим, – деб жавоб қайтарган экан.

Буларнинг жавобини эшитган ма-лика:

– Бирингдан қаҳри қаттиқ жал-лод, бирингдан инсонларга меҳ-рибон донишманд чиқади. Лекин икковинг ҳам менга лойиқ эмассан. Чунки қаҳри қаттигингда меҳр йўқ. Меҳр-шафқат борингда қаҳр йўқ. Бу икки хислат мужассам бўлмаган ки-шида ҳақиқий муҳаббат бўлмайди, меҳр ҳам, қаҳр ҳам севгидан туфилади. Севги учун меҳрнинг ўзи етмайди. Ёмон кўзлардан, рақиблар таъқибидан ҳимоя қилиш учун қаҳр ҳам керак! Қизларга ошиқу беқарор бўлиб, қизларни севишдан олдин севги нима эканлигини ўйлаб келин-глар, – деб икковини ҳам жўнатиб юборган экан.

ТУТУРУҚСИЗ НАДИМ

Султон Маҳмуд оч қолган экан, унга бақлажон қовуриб беришибди. Бу овқат Султон Маҳмудга маъқул тушибди ва у:

– Бақлажон ҳам чакки таом эмас экан, – деб қўйибди.

Бу сўзни эшитиб қолган надими дарҳол бақлажонни мақтаб кетибди. Султон Маҳмуд қорни тўйгандан кейин:

– Ва-а, шуям овқат бўлдими, турган-битгани кони зиён, – дебди.

Надим ўша заҳоти бақлажоннинг зарари ҳақида бир дунё гапларни айтибди.

Султон Маҳмуд ҳайрон бўлибди:

– Ҳой, инсон, ҳозиргина уни мақтаб тургандинг-ку? – дебди.

Шунда надим:

– Эй шахриёр, мен бақлажоннинг надими эмас, сизнинг надимингизман, шунинг учун сизга хуш ёқадиган нарсани гапиришим керак.

ВАЗИР ВА ЧИВИН

– Катта одам бўлиб кетибсан, дўстим. Буюк бир давлатнинг вазири бўлиш!...

– Э-э, катталигим қурсин, биродар! Ўзимиз қураётган шу давлатни тил учида истаганча бошқараману, кичкина бир чивинга эса кучим етмайди. Кечаси билан сўриб чиқади, занғарлар!..

АҚЛ СОЛИФИ

Очкўз бир вазир подшога хушомад қилибди:

– Шоҳим, ақл солиғи олишни ҳеч ўйлаб кўрдингизми? Дунёда кимса йўқки, тентакман, деб даъво қилса! Ҳамма бир-биридан ошириб солиқ тўлашга тушади!

Шоҳ ёзилиб кулибди:

– Дарвоқе, оқилона тадбир! “Топафон”лигинг эвазига сени ақл солиғидан озод қиламан!

ҲОКИМНИНГ ҲИММАТИ

Абдуллоҳ ибн Аббос Басрада ҳокимлик қилиб турганида унинг олдига бир гуруҳ аҳли илм келиб, айтишди:

– Бизнинг кундузларини рўза тутиб, кечаларини ухламай ибодат қилиб ўтказадиган бир қўшнимиз бор. Ҳар биримиз унингдек бўлишни

орзу қиламиз. Шу киши қизини ўз жиянига узатяпти. Аммо у шу қадар камбағалки, қизига сеп қилиб бергудек ҳеч нарсаси йўқ.

Абдуллоҳ ўрнидан туриб, уларни ўз уйига олиб борди-да, тахмондаги сандиқни очиб, олти халта тилла олди ва:

– Унга олиб боринглар! – деди.

Улар Абдуллоҳнинг саховатидан мамнун бўлиб чиқиб кетаётганларида у:

– Тўхтанглар, биз у кишига фақат ибодатдан қўядиган нарсалар бериб яхши иш қилмадик. Келинлар, яхшиси шундай фараҳли кунда унинг ёнида бўлайлик. Зотан, дунё бир мўминни Парвардигорга ибодатдан тўсишга арзийдиган қийматга эга эмас, биз эса Тангрининг дўстларига

хизмат қилишдан орланадиган даражада мутакаббир эмасмиз, – деди-да, улар билан бирга кетди.

ЁМОНЛИКНИНГ ҚАЙТИШИ

Подшоҳларнинг олдига келиб юрадиган бир киши бор эди. Одатда, у ҳар гал подшоҳнинг рўпарасида туриб, шундай дерди:

– Сенга яхшилик қилганга яхшилик қил, ёмонлик қилгувчига эса ёмонлик қилма, чунки қилган ёмонлиги ўзига қайтгусидир.

Бу кишининг подшоҳ ҳузурида обрў-эътиборига бир кимсанинг ҳасадига келиб, подшоҳ олдида унга тухмат ёғдирди:

– Рўбарўйингизда туриб ҳар хил гапларни гапирувчи ўша одам сизни оғзи бадбўй, деб юрибди.

Подшоҳ сўради:

– Сўзларинг ростлигини қандай билишим мумкин?

У айтди:

– Сиз уни ёнингизга чақирасиз. У сизга яқин борганида, қочиб қўли билан бурнини тўсиб олади.

Подшоҳ унга:

– Кетавер, мен ўйлаб кўраман, – деди.

У кимса подшоҳ олдидан чиқибок ҳалиги кишини ўз уйига меҳмонга чақириб, саримсоқ солинган таомлар билан сийлади. Меҳмондорчиликдан сўнг у подшоҳ ҳузурига борди ва одатдагидек, унинг рўпарасида туриб:

– Сенга яхшилик қилганга яхшилик қил, ёмонлик қилувчига эса ёмонлик қилма, зеро, қилган ёмонлиги ўзига қайтгусидир! – деди.

Шунда подшоҳ:

– Ёнимга яқинроқ кел! – деди.

У подшоҳнинг ёнига борди, саримсоқ хидидан подшоҳ озорланмасин деб, қўли билан оғзини тўсди. Подшоҳ ичида:

– Фалончининг гапи рост эканда, – деди. Лекин ҳеч нарса сезмагандай қўлига қалам олиб, унга бир хат ёзиб берди ва амалдорларидан бирига олиб боришни тайинлади. Бу шоҳнинг шундай одати бор эди: бировга ҳадя ёки мукофот бермоқчи бўлса, унга ўз қўли билан хат ёзиб берарди. Аммо бу сафарги хатнинг мазмуни ўзгача эди: “Хатимни олиб борган кимсани сўйиб, терисини шил ва ичига сомон тиқиб, менинг олдимга жўнат!” У киши хатни олиб чиқаётиб,

ҳалиги тухматчига дуч келди. Унинг кўзи хатга тушиб:

– Бу қандай хат? – деб сўради.

– Билмадим, подшоҳ бирор мукофот ёзиб бердилар, шекилли, – деди у.

– Шунини менга ҳадя қилгин, – деб ялинди тухматчи. Бу киши яқиндагина уникида меҳмон бўлганини ўйлаб, ичида: “Йўқ десам, уят бўлар!”, – деб ўйлади-да:

– Майли, сенга бўла қолсин, – деди.

У хатни олибоқ амалдорларнинг олдига чопди. Хатни очиб, ўқиб кўрган амалдор:

– Бунда ёзилишича, мен сени сўйиб, терингни шилишим керак экан, – деди.

Қўлга тушганини сезган тухматчи жон ҳолатда:

– Худо ҳаққи, бу хат меники эмас эди. Ишонмасанг, текшириб кўр, – деб ялина бошлади.

Амалдор эса:

– Подшоҳнинг хати текширилмайди, – деб уни сўйиб, терисини шилди ва ичига сомон тиқиб, подшоҳ саройига жўнатди.

Эртасига ҳалиги киши подшоҳ ҳузурига борди ва одатда айтадиган гапини яна такрорлади. Подшоҳ уни тирик ҳолда кўриб, таажжубга тушди ва:

– Хатни нима қилдинг? – деб сўради.

У айтди:

– Фалончи йўлимдан чиқиб, хатингизни ҳадя қилишимни сўраган эди, унга ҳадя қилдим.

Подшоҳ айтди:

– У кимса одамларга: “Подшоҳнинг оғзи бадбўй”, – деб юрганингни менга етказган эди.

– Мен бундай демаганман, – жавоб берди у.

– У ҳолда нима сабабдан менинг ёнимга келганигда бурнингни тўсиб олдинг? – деб сўради подшоҳ.

– Ўша кимса мени саримсоқ солинган таомлар билан меҳмон қилган эди. Шу ҳид сизга етишини истамаган эдим.

Бу сўзларни эшитган подшоҳ:

– Ёмонлик қилувчининг ёмонлиги ўзига қайтгусидир, деган сўзларинг чин ҳақиқат экан, сен ўз мартабангга муносиб экансан, – деди.

МАЪНИ ИСБОТЛАШ

Маън ибн Зоида ироқликларнинг Басрадаги ҳокими эди. Унинг дарвозаси олдига бир шоир келиб, бир муддат Маъннинг ҳузурига кирмоқчи бўлиб турди, аммо унга рухсат берилмади. Бир куни у Маъннинг хизматкорларидан бирига:

– Амир боғга кирганида менга билдириб қўй, – деб тайинлади.

Кўп ўтмай хизматкор амир боққа кирганини хабар қилди. Шунда шоир бир тахтага икки мисра шеър битиб, уни боққа кирадиган ариқдаги сувга ташлади. Маън бу пайтда ариқ ёқасида ўтирган эди. Оқиб келаётган тахтага кўзи тушгач, уни олиб қараса, шундай байт битилган экан:

*Эй Маъннинг саховати, ўзинг унга
ҳожатимни етказгил,
Ёлғиз ўзинг таянчим, кел,
бошимдан бу ғамимни кетказгил.*

Маън байтни ўқигач:

– Бунинг эгаси ким? – деб сўраган эди, ташқаридан шоирни топиб келдилар.

– Не сабабдан буни ёздинг? – сўради амир.

Шоир айтди.

Амир унга ўн халта танга беришларини буюрди. Шоир унга раҳмат айтиб чиқиб кетди. Амир эса ҳалиги байт ёзилган тахтачани гиламнинг остига қўйиб қўйди. Эртасига уни олиб ўқиб, шоирни чақиртириб келиб, унга яна минг танга берди. Шоир хурсанд бўлиб ҳадяни олди ва амир ўз қароридан қайтиб қолишидан

қўрқиб, тезда чиқиб кетди. Учинчи кунни амир яна тахтачани олиб ўқиди ва яна шоирни чақиртириб келишни буюрди. Лекин уни излаб топа олмадилар. Шунда Маън айтди:

– У мени шу даражада олижаноб деб ҳисоблар экан, уни ёлғончи қилмаслик учун уйимда бирор танга қолмагунча ҳадя қилишим лозим эди.

БАХИЛЛАР БАХИЛИ

Муҳаммад ибн Яҳё ибн Холид ибн Бармакий ўлгудек хасис одам экан. Кишилар унинг яқин қариндошларидан:

– Муҳаммад ибн Яҳёнинг дастурхони қандай? – деб сўраганда, у шундай деб жавоб берибди:

– Дастурхонининг бўйи ҳам, эни ҳам бир қаричдан ошмайди,
14–Адолат тарозиси

товоғидаги овқати ҳам сочилган кўк-
нор уруғларидек сийрак.

– Бу дастурхонга ҳеч ким келади-
ми? – деб сўрашибди яна улар.

– Ҳа, фаришталар келади.

– Овқатни у билан ҳеч ким баҳам
кўрмайдими?

– Нега энди, пашшалар у зот би-
лан бирга овқатланадилар.

Улар яна:

– Шундай зотнинг яқин қа-
риндоши бўлатуриб, кийимларинг-
нинг илма-тешиклигини қара, – де-
йишса, у бундай деган экан:

– Тангрига қасамки, мен ун-
дан игна ҳам ололмайман. Мени-
ку қўяверинглар, агар Муҳаммад
ибн Яҳёнинг Бағдоддан Нувбагача
чўзилган бир уйи бўлиб, шу уй тўла
игнаси бўлса, шунда унинг олдига

Жаброил, Микоил фаришталарни етаклаб Яъқуб алайҳиссалом келиб Юсуфнинг йиртилган кўйлагини¹ ямаб олиш учун бир дона игна сўрасалар, қасам ичиб айтаманки, улар ҳам қуруқ қайтган бўлардилар.

ОНАЛАР ҚАРҒИШИ

Қадим замонларда Эрон шоҳи қай бир юртни босиб олганда, аввало болаларни асир олибди. Ўтакетган ёвуз – қаттол шоҳга ҳеч бир онанинг кўз ёшию илтижоси зиғирчаям таъсир қилмабди. Ёш болаларни кўйдек ҳайдаб, ўз юртига – қибла тарафга кетаверибди. Она бечоралар қишлоқ

¹ Бу ерда Юсуф алайҳиссаломнинг Зулайхо орқасидан қувиб йиртган кўйлаги кўзда тутиляпти.

четидаги баланд тепаликнинг устига чиқиб, болалари кўздан яширингунча бўтадек бўзлаб қолаверишибди. Болаларни ҳайдаб кетаётган шоҳ бирон марта ортига қайрилиб қарамабди.

Орадан етти йил ўтиб, шоҳ қайсиям юртни босиб олиш учун шу юрт тупроғидан ўтиб бораётган экан, қишлоқ чеккасидаги баланд тепаликнинг устида қибла тарафга кўз тикиб турган бир тўда аёлни кўриб қолибди. Уларнинг олдига яқинлашиб, нимани кутиб туришганини сўрабди.

– Болаларимизни кутиб турибмиз, – дейишибди аёллар.

– Болаларингиз қаёққа кетган? – деб сўрабди шоҳ.

– Эрон шоҳи асир олиб кетган эди, – дебди оналар.

– Қачон? – деб сўрабди шоҳ.

– Бундан етти йил аввал, – дебди аёллар.

– Етти йилдан бери шу ерда туриб-сизларми?! – деб сўрабди шоҳ.

– Болаларимиз кетганидан бери ҳеч биримиз пастга тушиб овқатланиб келганимиз йўқ, – дейишибди аёллар.

Шоҳ отдан тушиб, тепаликка кўтарилибди. Тепаликнинг қибла томонидаги қабристонга кўзи тушиб:

– Бу қанақа қабристон? – деб сўрабди.

– Болаларини кута-кута умидсизликдан бағри эзилган оналарнинг қабристони, – дейишибди аёллар.

Шоҳнинг оёқларидан мадор кетиб, турган ерида йиқилибди-да, тепаликдан юмалай-юмалай тўппа-тўғри қабристонга қулаб тушибди...

ШОҲ ВА ДАРВЕШ

Олийҳиммат бир дарвеш шавкатли бир подшоҳ билан тез-тез кўришиб турар, ёқимли суҳбатлар қураар эди.

Кунлардан бирида у подшоҳнинг юзида маломат изларини сизди, унинг сабабини ўйлаб, хаёли кезди, аммо ўзининг тез-тез келишидан бўлак сабаб кўрмади. Дарҳол подшоҳ хузурига қатнамай қўйди ва у билан суҳбатдан ўзини тийди. Бир куни подшоҳ йўл устида дарвешни учратиб қолди ва шундай сўроқни орага солди:

– Эй дарвеш, нима сабабдан мен билан алоқангни буздинг, бориш-келишдан қадамингни уздинг?

Дарвеш жавоб берди:

– Сабаби шуки, мен келишимдан чехрангда малол кўргандан кўра,

“Нега келмайсан?” деган савол эшитиш яхшироқ эканини тушундим.

НОЎРИН СЎЗ – ДУШМАН

Нуъмон ибн Мунзир араб халифаларидан эди. Бир куни чарчаб, ариқ лабига келиб ўтирди. Шу пайт унинг луқмагўй ходимларидан бири:

– Агар бир кишини шу ариқ лабига келтириб сўйилса, қони қайси томонга қараб оқаркин? – деб қолди.

Нуъмон:

– Буни сенда синаб кўриш керак! – деди-да, уни шу ариқ лабида сўйишга буюрди.

Ўз мақомида ва жойида айтилмаган сўз одамнинг ўзига душман бўлади.

ЮЗ КИШИЛИК МАОШ

Бир подшоҳ бир одамга юз кишилик маош тайин этганди. Бунинг учун аскарлар подшоҳдан норизо бўлдилар. Подшоҳ ўзига-ўзи: “Бир кун келар, сизга кўрсатаман, ўшанда бунинг сабабини тушунасизлар”, – дерди. Жанг куни келди. Аскарларнинг ҳаммаси қочди, ёлғиз у кишигина жанг қилди. Подшоҳ:

– Мана шунинг учун мен бу одамга кўп пул берардим, – деди.

УНУТИШ

Бир шоҳ дарвешлардан бирига:

– Тангрининг ҳузурида унинг тажаллийси¹ ва яқинлигига муяссар бўлганинг онда мени хотирла! – деди

¹ *Тажаллий* – кўриниш, намоён бўлиш.

Дарвеш:

– Унинг ҳузурида гўзаллик қуёшининг нури борлиғимга тегиши билан мен ҳатто ўзимни ҳам эслай олмайману сени қандай эслай? – жавобини берди.

ТИЛАНЧИ ВОИЗ

Хусайн Бойқаро шоҳ Шужоъга бўлган талабини эслатиш ниятида Шерозга одам юбормоқчи бўлибди. Давлат арбоблари билан маслаҳатлашиб, бу вазифани ҳам гапдон ва ҳам ваъзхонликда машҳур бўлган, минбарга чиққанида одамларни йиғлатиб, чўнтақларини қоқиб оладиган мавлоно Аршадга топширмақчи бўлибди. Уни чақиртириб:

– Шерозга – шоҳ Шужоъ ҳузурига одам юбориш зарурати туғилиб

қолди. Мулозимлар сени тавсия қилишяпти. Лекин сенинг бу тиланчилик хулқинг барча яхши хислатларингни йўққа чиқаради. Агар уёққа бориб тиланчилик қилмасликка ваъда берсанг, қанча пул керак бўлса, ўз хазинамдан бераман! – дебди.

– У ёққа бориб ваъзхонлик қилсам, камида йигирма минг динор туширар эдим. Майли, сенинг кўнглингга қараб, этак тутмасдан бориб келишга қасам ичаман, – дебди мавлоно Аршад.

Хусайн Бойқаро суюниб, хазинасидан йигирма минг динор нақд санаб беришни ва йўл харажати деб яна беш минг динор қўшиб беришни буюради.

Аршад Шерозга бориб ишни битказади. Қайтиш олдидан шоҳ Шужоё ва давлат арбоблари:

– Кўпдан бери ваъзхонлигингиз ҳақида таъриф-тавсифингизни эшитиб, орзу қилиб юрар эдик. Мана энди ўз оёғингиз билан келиб қолдингиз. Бир ваъзхонлик қилиб, бизни хурсанд этсангиз нечук бўларкин? – дейишибди.

Мавлоно Аршад шоҳ Шужоънинг сўзларидан ийиб кетибди ва намоз жумадан кейин жомеъ мачитида ваъзхонлик қилишга ваъда берибди. Жума куни жомеъ мачити одамга лиқ тўлибди. Шоҳ Шужоъ ҳам Шерознинг аъён-ашрофлари билан ҳозир бўлибди. Мавлоно Аршад минбарга чиқиб, ҳаммани йиғлатиб ваъзхонлик қилганидан сўнг йиғилганлар ниҳоят даражада таъсирланиб, кўзига ёш олибди. Аршад бу ҳолни кўргандан кейин эски

касали кўзғаб, ўзини тутолмабди ва халойиққа қараб:

– Эй азизлар, илгари минбарга чиққанимда гоҳ-гоҳ табаррук одамлардан садақа оладиган одатим бор эди. Аммо бу ерга келаётганимда садақа олмасликка қасам ичган эдим. Мен садақа олмасликка қасам ичган бўлсам, сизлар садақа бермасликка қасам ичмаган бўлсаларинг керак-ку! – дебди.

Йиғлаб ўтирган одамлар бирдан кулиб юборишибди ва мавлоно Аршаднинг этаги пулга тўлибди.

ЁЛҒОНЧИ АМАЛДОРЛАР

Подшоҳнинг қулоғи кар экан. Мансабдорлар бундан фойдаланиб, арз-додга келганларнинг сўзларини

унга тўғри етказмас эканлар. Вақт ўтиб, подшоҳ буни пайқаб қолибди ва арзга келганлар билан шахсан ўзи гаплашишга қарор қилибди.

– Ҳузуримизга келганларни бундан буён ўзимиз сўрайдирмиз.

Ҳожиби¹ даргоҳ қабул кунлари арздод билан келганларни кўринишхона олдидаги майдонга тўплар, сўнг подшоҳ уларни ҳузурига чиқиб, битта-биттадан чақириб, арз-додини эшитадиган бўлиб қолибди.

Бир куни вазири аъзам подшоҳдан фурсат топиб сўради:

– Бундай қилишингизнинг сабаби нима?

Подшоҳ жавоб қилибди:

¹ *Ҳожиб* – эшик оғаси.

– Бунга мулозимлар ва мансабдорларнинг дўзах азобидан қўрқмай ёлгон гапиришлари сабаб бўлди.

СОҲИБИХТИЁРНИНГ КЕРАГИ ЙЎҚ

Бир куни Сейистон ҳокими амир Абулфазл султон Алп Арслондан¹ сўради:

– Шундай улуф подшо бўла туриб нега соҳибихтиёр² ушламайсиз?

– Нима, менга душманмисан? Салтанатимни барбод қилмоқчимисан?

– Бу нима деганингиз, аъло ҳазрат? – деди таажжубланиб амир

¹ Алп Арслон – 1063–1072 йилларда ҳукмронлик қилган салжуқийлар сулоласига мансуб ҳукмдор.

² Соҳибихтиёр – сарой бошқарувчиси.

Абулфазл. – Наҳотки, мени шунақа одам деб ўйласангиз? Мен содиқ бир қулингизман. Қандай қилиб салтанатни барбод қиламан! Шунчаки сўрадим-қўйдим.

Орага бир зум сукунат чўкди, сўнг султон Алп Арслон бунинг сабабини дўстига тушунтирди:

– Ким менга дўсту ким ёвлигини билайин деб атайин соҳибихтиёр тутишнинг нима фойдаси бор ўзи?! Башарти, шундай қилгудай бўлсам, дўстларим-ку тўғри тушунадилар, аммо душманларим фойдаланмоқчи бўлиб, унга пора берадилар. Шундан кейин соҳибихтиёр менга дўстларим ҳақида ёмон сўзлар гапиреди. Яхши сўз ҳам, ёмон сўз ҳам худди найзага ўхшайди. Кунмас-кун нишонга тегади. Оқибатда дўстларимдан аж-

раб қоламан, уларнинг ўрнини бўлса, душманларим эгаллаб олади. Шу сабабдан соҳибхитиёр тутмайман.

ЗОЛИМ ШОҲ

Бир золим шоҳдан сўрадилар:

– Шунча одамни нега қатл эттиргансан?

– Анигини билмайману лекин улардан бир беадаби бу жазога шунақаям лойиқ эдики...

ҚИЛМИШ – ҚИДИРМИШ

Бир подшо рикобдорлик¹ вазифасини бажарувчи мулозимга қараб:

¹ *Рикобдор* – шоҳ ва амалдорларнинг оти узангисидан тутиб, уларни отга мингизадиган киши.

– Бир сирим бор – аъёнлардан ҳеч кимга айтишга кўнглим бўлмапти, уни сенга айтмоқчиман! – деди.

Рикобдор унга:

*Жоним таним ичра бор экан тинҳон,
Сиринг жоним ичра яширин мудом,* –
деб жавоб берди.

Подшо унга:

– Акамдан хафаман, унинг зарари менга етмай туриб, вужудининг тиконини мамлакат чаманидан юлиб ташламоқчиман! – деди.

Рикобдор аҳвол саҳифасига бевафолик рақамини чекиб, унинг акаси олдига борди ва бўлган воқеадан уни огоҳ қилди.

Орадан бир қанча муддат ўтгач, подшо ўлди ва унинг акаси тахтга ўтирди. Унинг биринчи фармони рикобдорни ўлдириш ҳақида бўлди.

15–*Адолат тарозиси*

У рикобдорга деди:

*Тилинг бўлса эди сир учун йўлдош,
Қиличдан узилмас эди хаста бош!*

Шундай қилиб, рикобдор маломат ўқига нишон бўлди ва кўрнамаклик қуръаси унинг ҳаётига тамға бўлиб босилди.

ҚАНОАТ

Бир подшоҳ ўз мол-мулкининг кўплигидан фахрланиб, илм аҳлини менсимай қўйган, ўз ихтиёрича иш тутиб, фисқу фужурга берилган эди. Бир куни у бориға қаноат қилиб, камтарлик йўлини тутган доно ҳакимга дуч келиб қолди ва унга:

— Эй ҳаким, нимани хоҳласанг тила, оғзингдан чиққанини муҳайё қиламан! — деди.

Ҳаким:

– Шундай қилки, ажал ҳеч қачон бошимга соя солмасин! – деди.

– Бу иш менинг қўлимдан келмайди, – деди подшоҳ.

– Бўлмаса, – деди ҳаким, – қарилик мавсуми кетиб, ёшлик айёми қайтиб келсин!

– Бу иш ҳам қўлимдан келмайди! – деди подшоҳ.

– Орамизда фарқ йўқ эканку, – деди ҳаким шунда. – Мен қилолмайдиган ишни сен ҳам қилолмас экансан, аммо сенда молдавлат кўп бўлгани учун кибр отига миниб, манманликка берилгансан. Мен эса топганимга қаноат қилиб, ҳеч кимга ялинмайман, демак, мен ҳам ўзим учун подшоҳман!

ЭНГ ҚИММАТЛИ

Нима бўлибди-ю, Амир Умархон билан Нодирабегим ўртасида гап қочибди. Ғазабга минган Умархон:

– Бу саройда ўзинг учун нимани энг қимматли деб билсанг, ўшани олда, уйингга жўна! – деганича чиқиб кетади.

Ярим кечаси араванинг тақир-туқуридан уйғониб кетган Умархон бошида ўтирган Нодирабегимдан сўрайди:

– Бу нима шовқин? Қаёққа кетаяпмиз?

– Сиз саройдаги ўзим учун энг қимматли нарсани олиб, отамникига кетишимни амр этдингиз. Бу саройда мен учун сиздан қимматлиси йўқ. Шунинг учун сизни олиб, уйимга кетаяпман.

Севиқли хотинининг бу гапидан ниҳоятда таъсирланган Умархон бўлиб ўтган воқеа учун узр сўраб, аравани ортга қайтаришни буюрибди ва шундан кейин улар умрларининг охиригача бир-бирларини ардоқлаб, тинч-тотув ҳаёт кечиришибди.

СИЗДАН БУЮК ОЛЛОҲ БОР

Усмонли подшоҳлари жума намозини ўқиш учун саройдан чиқар эканлар, бир хабарчи:

– Подшоҳим, кўп яшанг, бахтингиз очиқ бўлсин! – деб халқнинг дуо ва муҳаббатларини изҳор қилар эди.

Подшоҳ мачитга ҳам халқнинг олқишлари ичида икки қатор қўриқчиларнинг орасидан ўтиб кирар-

ди. Подшоҳ нафсоний туйғуларга, халқнинг илтифот ва олқишларига учмаслиги учун хабарчиларнинг бир гуруҳи паст овоз билан:

– Мағрур бўлманг, подшоҳим, сиздан буюк Оллоҳ бор! – деб нақарот айтар эдилар.

БАЪЗАН РОСТДАН ЁЛҒОН ЯХШИ

Бир подшоҳ бир асирни ўлдиришга фармон берди. Шўрлик асир ҳаётдан умид узиб, подшоҳни сўка бошлади.

Подшоҳ:

– У нима деяпти? – деб сўради.

Софдил вазирлардан бири:

– Эй подшоҳи олам: “Ҳар кимки қазабин ичга ютар, гуноҳ қилганнинг гуноҳин ўтар”, – деяпти жавоб бер-

ди. Подшоҳнинг раҳми келиб, асирни афв этди.

Софдил вазирнинг пайини қирқиб юрадиган иккинчи вазир гапга аралашиб деди:

– Бизнинг мавқеимизда бўлган одамлар подшоҳ ҳузурида фақат рост сўзлашлари лозим. Бу асир подшоҳни ҳақорат қилди ва шаънига ёмон гаплар айтди.

Подшоҳ бу сўзни эшитиб, қошқовоғини солиб деди:

– Сен айтган рост гапдан кўра унинг ёлғони менга кўпроқ маъқул тушди, чунки унинг ёлғони хайрихоҳлик юзасидан айтилган эди, сеники эса жиноятга бошлаш учун айтилди. Донишмандлар: “Фитна қўзғатувчи ростдан маслаҳатли ёлғон яхши”, деганлар.

ЁВШАН ҲИДИ

Бир йигит ёв қўлига асир тушади. Уни ёт ўлкага қул қилиб сотиб юборадилар. Орадан йиллар ўтади. Йигит ўзи туғилиб ўсган юртини ҳам, ота-оналарини ҳам унута бошлайди. У ёт ўлкага кўникади. Охир-оқибат сабр-тоқати, ақл-идроки, иродасининг мустаҳкамлиги туфайли ўша ўлканинг ҳукмдори бўлади. Йиллар учқур отдай учиб кетади. Ҳукмдор кексяди. Кунлардан бир куни унинг ота юрти тарафлардан карвон келади. Карвонда бир боғлам ёвшан келтирилган эди. Аччиқ ёвшан ҳиди димоғига гуп этиб урилган ҳукмдор олис юртда қолиб кетган олис болалигини, шўх-шодон ўтган кунларини, қадрдон дашту далаларда териб олган

лолаларни бир-бир эслайди. Беихтиёр кўзларида ёш милт-милт қилади, ватан соғинчидан юраги бир хил бўлиб кетади. Энди уни ёт ўлкада ҳеч нарса ушлаб қололмасди: кўпчилик орзу қиладиган тож-тахт ҳам, шон-шуҳрат ҳам, бойлик ҳам кўзига кўринмай қолади. Қудратли ҳукмдор зудлик билан отини эгарлайди-ю, ота юртига йўл олади...

САДОҚАТЛИ ЛОЧИН

Илгари замонда овни яхши кўрадиган бир подшоҳ бўлган. У подшоҳнинг лочини бўлиб, унинг парвози баланд, кўзи ўткир ва панжаси темирдек эди. Подшоҳ уни жуда севар ва уни доим ўз қўли билан боқар эди. Бир куни шоҳ

уни қўлига қўндириб, овга жўнади. Чўлда унинг олдидан бир оху қочиб ўтди. Подшоҳ унинг орқасидан шундай тезлик билан от чоптириб кетдики, мулозимлари орқада қолиб кетдилар. Подшоҳ жуда чанқаб, бир тоғдан оқиб тушаётган зилол сув ёнига келди. У шу сувдан ичмоқчи бўлиб, сувдонни тўлатган ҳам эдики, қуш қанот қоқиб, сувни тўкиб юборди. Шоҳнинг жаҳли чиқиб, яна сувдонни тўлдирди. Бу дафъа ҳам лочин қаноти билан идишни ағдариб юборди. Подшоҳ дарғазаб бўлиб, лочинни ерга уриб ҳалок қилди. Шу вақтда унинг бир мулозими келиб қолди. Подшоҳ унга деди:

– Тоғдан тушаётган бу зилол сув томчиларидан сувдоннинг тўлиши

учун анча вақт керак экан. Сен юқорига чиқиб, булоқнинг ўзидан тезда сув олиб туш.

Мулозим тоққа чиқди. Қараса, у ерда кичкина бир булоқча бўлиб, унинг лабида бир ҳайбатли аждаҳо ўлиб ётган экан. Кун ҳарорати таъсир қилиб, ундан қатра-қатра захар сувга томаётган экан. Мулозим дарҳол тоғдан тушиб, кўрганларини подшоҳга айтиб берди. Шоҳ унинг сўзини эшитиб, йиғлай бошлади.

Мулозим сўради:

– Йиғингизнинг сабаби нимадир?

Подшоҳ чуқур уҳ тортиб, бўлган воқеани айтиб берди.

Мулозим деди:

– Эй шоҳим, бу ишни шошилмай, ўйлаб қилишингиз керак эди.

Шох деди:

– Қилиб қўйган ишимдан ниҳоятда пушаймонман, лекин фойдаси йўқ. Ўлгунимча бу жароҳат кўксимдан кетмайди.

ОТДАН ТУШСА ҲАМ...

Қадимги Хитойда ака-ука икки подшоҳ бўлган экан. Улар узок вақтлар бир-бирларига халақит бермасдан, биродарликда давлатларини бошқаришибди. Аммо катта шох ниҳоятда шухратпараст экан. Шу сабаб бўлибди-ю, ўртада низо кўтарилибди. Низо қонли жангга айланибди. Охири ёши кичик подшоҳ оғасини енгибди. У қариндошлик бурчи туфайли акасига:

– Тила тилагингни, – дебди.

Ўшанда мағлуб подшоҳ:

– Мен енгилдим, тожу тахт лашкару давлат ҳаммаси кўлимдан кетди. Майли нимани хоҳласанг, барчасини ол. Барчаси сеники. Менга фақат битта нарса – ҳаммадан юқори туриш, одамлар устидан ҳукмронлик қилиш ҳуқуқини қолдир, – деган экан.

БОР БЎЛИБ, БЕРМАСЛИК ЁМОН

Мухаммад ибн Уббод Меҳлабий отасидан ривоят қилиб, шундай деди:

– Отам халифа Маъмун ҳузурига кирганида халифа унга юз минг дирхам ҳадя қилди. У ердан чиққач, отам бу пулларни садақа қилиб юборибди. Бундан хабар топган Маъмуннинг ҳузурига отам кейинги гал

халифа унга аччиқ сўзлар айтди, у шундай деб жавоб берди:

– Эй амир ал-мўминин, бор бўлиб туриб бермаслик – Яратганга бадгумон бўлишдир.

Бу гапдан мутаассир бўлган Маъмун унга икки юз минг дирхам ҳадя қилди.

ДУОНИНГ КУЧИ

Бир киши Саид ибн ал-Оснинг олдига келиб хайр сўради. Саид унга юз минг дирхам беришни буюрди. Буни кўриб, у киши йиғлаб юборди.

– Нега йиғлаяпсан? – сўради Саид.

– Сендай улуғларни ютмаслигини тилаб ерга илтижо қилмоқдаман, – деди.

Саид унга яна юз минг дирхам
ҳадя қилди.

ИШТАҲА ОЧАДИГАН ДОРИ

Бир хон қариган чоғида ўғлининг
юртни қандай идора қилаётганини
кўриб, бу дунёдан хотиржам кўз
юмиш учун тириклигида тож-тахтни
топширибди. Тахтга ўтирган куни-
нинг эртасигаёқ ёш хоннинг иштаҳаси
бўғилиб, бир ҳафта ўтар-ўтмас
ўрнидан базўр турадиган ҳолга келиб-
ди. Ахири, отасининг олдига бориб:

– Менга иштаҳа очадиган дори ке-
рак, – дебди.

– Кўнгли тусаган нарсани муҳайё
қилолмаса, бу қанақа хон бўлди! –
дебди отаси ўғлидан хафа бўлиб.

Ёш хон ўйлана-ўйлана, кўшни мамлакатлардан бўлсаям шундай дорини топиб келаман, деб йўлга равона бўлибди. Шаҳардан чиқаверишда терлаб-пишиб ариқ қазиётган бир танишини кўриб қолибди-да, ундан хол сўрабди.

– Хон ҳазратлари йўл бўлсин?– ажабланибди қазувчи.

– Юрт тахтига ўтирдиму овқатга иштаҳам паққос йўқолди. Ўшанга иштаҳа очадиган дори ахтариб кетяпман, – дебди хон.

– Бундай дори менда бор, – дебди ариқ қазувчи.

– Ие, бор бўлса, мени бошқа юртинг хони олдига бош эгдириб нима қиласан, ўша дорингни менга берда, – дебди хон.

– Майли, бераман. Бироқ уйда эди. Бориб келишга вақт зиқ. Манови ариқни тезроқ битирмасам бўлмайди. Экин-тикин вақти ўтиб кетяпти, – деб зорланибди қазувчи.

– Сен уйга бориб ўша дорини олиб келгунингча ўрнингга мен қазиб тура қолай, – деб хон отидан тушибди-да, унинг қўлидан кетмонини олибди.

Қазувчи хоннинг кетмон уришини андак кузатиб, ихлос билан ишлашига кўзи етгач, уйига кетибди.

Хон тиним билмай ариқ қазибди. Кунботарга яқин ишни битириб, пешона терини сидирганча нафас ростлаётган экан, қазувчи етиб келибди.

– Доринг қани? – деб сўрабди хон.

– Қанча олиб келишни билмадим. Ўзингиз уйга бориб, хоҳ-

лаганингизча ола қоларсиз, – деб у хонни уйига эргаштириб борибди. Қазувчининг аёли кечки овқатга бир қозон жўхоригўжа пишириб, совутолмай хуноб бўлиб турган экан, хон очликка чидаёлмай:

– Дорингдан аввал манови гўжангдан қуйиб бермайсанми? – деб сўрабди.

Уй бекаси бир косага гўжа қуйиб берибди. Хон:

– Жудаям лаззатли экан..., – деб мақтай-мақтай яна бир коса гўжа қуйиб беришини сўрабди. Аёл дарров қуйиб берибди. Хон иккинчи косаниям бир нон билан паққос тушириб, обдан тўйганидан кейин:

– Майли, энди мен кетай, дорингни бер, – дебди қазувчига.

Қазувчи мийиғида кулиб:

– Мана дори, – дебди-да, деворга суяб қўйилган кетмонни олиб, хоннинг олдига қўйибди.

ТАМСИЛ

Халифанинг энг яқин мулозимларидан бири бўлишига қарамай, валинеъмати ҳар даъват қилганида қўрқувдан дағ-дағ қалтирайдиган бир аъёндан маҳрами бунинг сабабини сўраганида, у маҳрамнинг саволига жавобан шу ҳикояни нақл қилиб берибди:

Бир куни бургут хўроздан сўрабди:

– Сен-ку, жўжалигингдан одамлар орасида яшаб келгансан, улар сенга ўз қўллари билан дон, сув беришади, ўз уйлари ёнидан сенга катак қуриб беришади. Нима учун ҳар гал олдинг-

га келиб сени ушламоқчи бўлишса, тутқич бермасдан, қоқоқлаб у уйдан-бу уйга, бу томдан-у томга учиб кетасан? Мана, мен эсам бир йиртқич қушман, тоғу тошлар орасида маскан қурганман. Аммо одамлар мени ушлашса, қўлларида ором оламан, овнинг кетидан юборишса, секин-аста қанот қоқишимга қарамасдан, ўлжани олиб келаман, ҳеч қачон одамлардан қочмайман, дод-фарёд кўтармайман.

Хўроз сўрабди:

– Айт-чи, умрингда бургутни сихга тортиб, ўтда тоблаганларини кўрган ё эшитганмисан?

– Йўқ!

– Бўлмаса тингла: мен шу даргоҳда эсимни танибманки, юзларча хўрознинг калласини кесиб, патини юлиб, қорнидан сихга ўтқазиб,

ўтда тоблаб еганларини ўз кўзим билан кўрганман. Менинг қоқоқлаб, дод кўтаришимнинг боиси ҳам шудир.

ОСМОНДАН ТУШГАН ВОРИС

Бир золим подшоҳнинг замонида бадавлат бир одам вафот этибди. Ўша золимнинг вазири ўлганнинг ўғлини чақиртириб, отасидан нималар қолганини сўрабди.

– Мол-дунёдан фалон-фалон нарсалар қолди, – дебди ўғил унга, – ворисларидан бўлса мен билан ваъзири аъзам, холос.

– Ундай бўлса, – деди вазир, – мол-дунё иккига бўлинсин – ярми ўғлига берилсин, ярми подшоҳ хазинасига олинсин.

САДОҚАТ

Мутаваккил замонида Заққоф деган бағдодлик машҳур олим бўлиб, унинг ҳусну жамолда бемисл бир канизаги бор эди. Заққоф бу канизакни жону дилдан ҳам ортиқ кўрарди. Фаразгўй фитначилар бу гўзал маҳлиқо ҳақида Мутаваккилга ҳам хабар етказдилар. Мутаваккил ғойибона ошиқ бўлиб, канизакни олиб келишни буюрди.

Эшигига севимли канизагини сўраб келган навкарларни кўриб, Заққофнинг ранги ўчди. Аммо хоқоннинг раъйини қайтаришга ожиз эди. Шунда хожасини ҳар нарсадан афзал кўрган канизак деди:

– Сен кўп қайғурма. Мен қандай қилиб бўлмасин ҳийла ишлатиб, сен билан бирга қолиш йўлини топаман.

Хожа ноилож рози бўлди. Навкарлар канизакни Мутаваккилнинг қошига олиб бордилар. Канизакнинг хусну жамолини кўрган халифа хангу манг бўлиб қолди. Кейин хусни билан ақлини тарозига солиб кўриш ниятида деди:

– Эй канизак, ҳеч нарса ўқимаганмисан?

– Жуда кўп нарса ўқиганман, – деди канизак

– Масалан?

– Масалан, Қуръонни ёд биламан.

– Бирор оятни ўқигин-чи.

Канизак фурсатдан фойдаланиб, дарҳол бир оятни бошлади. Унда: “Бу киши менинг инимдир. Унинг тўқсон тўққизта қўйи бор. Менинг эса биттагина қўйим бор”, – деган сўзлар бор эди. Мутаваккил шу ерга келган-

да канизакнинг тиловатини тўхтатди ва унинг мақсадини тушунди. Оятни ўринли ва оқилона ўқиганлиги учун офарин деб, инъом-эҳсонлар берди ва Заққоф қошига қайтариб юборди.

БАДАВИЙ¹ АРАБ БИЛАН ЖАЪФАР БАРМАКИЙ

Ҳикоя қилишларича, Ҳорун ар-Рашид вазири Жаъфар Бармакийни қатл этгандан кейин, унга аза тутган ёки марсия айтган киши ҳам қатл қилинсин, деб буйруқ берибди. Шох амри вожиб, бу фармонни эшитиб, одамлар ўзларини йиғидан тийибдилар.

Узоқ саҳрода яшовчи бир бадавий араб бор экан, у хар йили Жаъфар

¹ *Бадавий* – саҳройи, кўчманчи.

Бармакийнинг номига бир қасида ёзиб келаркан-да, бу қасида эвазига минг динар мукофот оларкан. Араб пулни ҳамёнга солиб, ўз манзилига қайтар ва йил охирига қадар шу пул билан рўзғор тебратаркан.

Ўша бадавий одатига кўра Жаъфарга қасида ёзиб келсаки, у қатл этилибди. Шундан кейин у Жаъфар қатл этилган жойга бориб туясини чўктирибди, кўз ёши тўкиб, оҳу фиғон чекибди. Ахийри қасидасини ўқиб, шу ерда ухлаб қолибди.

Тушида Жаъфар Бармакий унинг қошига келиб, шундай дебди: “Сен кўп машаққатлар тортиб ҳузуримга келдингу ноумид бўлдинг. Кўп фиғон чекмай, Басрага бориб, у ерлик савдогарлар орасидан фалончини ахта-

риб топ. Унга: Жаъфар Бармакий сенга салом йўллади. Лўя белгисига биноан менга минг динор беришингни сўради, дегин”.

Бадавий уйғониб, тўғри Басра томон йўл олибди. Ўша савдогарни ахтариб топибди-да, тушида Жаъфар айтган гапларни унга сўзлаб берибди. Савдогар буни эшитгач, оҳ уриб шу қадар уввос солиб йиғлабдики, асти кўяверинг. Шундан кейин, у бадавийга иззат-хурматлар кўрсатиб, ҳузуридан мувофиқ бир жой ажратиб берибди. Араб унинг олдида уч кун меҳмон бўлибди.

Бадавий кетмоқчи бўлган чоғда, савдогар унга бир минг беш юз динор бериб:

– Минг динор сенга беришга буюрилгани, беш юзи мендан сенга хур-

мат белгиси; ҳар йили мендан минг
динор олиб турасан, – дебди.

Араб кетиши олдидан савдогарга
ялиниб-ёлвориб:

– Худо ҳақи, лўя воқеасини айтиб
бер, токи масаланинг аслидан хабар-
дор бўлай, – дебди.

Савдогар гап бошлаб, шундай деб-
ди:

– Бир вақтлар мен фақирликда
ҳаёт кечирардим. Бағдод кўчаларини
айланиб, ковурилган лўя сотиш билан
бир амаллаб кун кўрардим. Совуқ-
изғирин кунларнинг бирида кўчага
чиқдим, жала қуйиб турарди. Устим-
да иссиқроқ кийимим йўқлигидан
титраб, ёмғир сувларига бўккан му-
шук боладай аянчли аҳволда эдим,
қисқаси, мени кўрган кишининг эти
сесканмай иложи ҳам йўқ эди.

Худди ўша куни Жаъфар кўчага қараган қасрида ўз яқинлари билан чақчақлашиб ўтирган экан. Унинг назари менга тушиб, ҳолимга раҳми келибди-да, одамларидан бирини юбориб, ўз ҳузурига олдирибди. Қасрга кириб борган эдим, Жаъфар менга қараб: “Бор, лўянгни шу ердаягиларга сот!” – деди. Мен лўяни ҳар кимга ўлчаб бера бошладим, лўяни олган ҳар бир киши ўлчов идишни олтин билан тўлатиб бераверди, шу тахлитда ҳамма лўямни битирдим, саватимда ҳеч вақо қолмади. Суюна-суюна теккан олтинларни йиғиштириб олдим. Шу пайт Жаъфар мендан: “Лўядан ҳеч қолдимми?” деб сўраган эди, “Йўқ” деб жавоб бериб, саватимни титкилаб қарасам, бир донагина лўя қолган экан. Жаъ-

фар уни олиб иккига бўлди-да, ярмини ўзи олиб, иккинчи ярмини хотинларидан бирига узатар экан: “Шу яримта лўяни қанчага оласан?” – деб сўради. “Шу ердаги олтинларга қараганда икки ҳисса кўп нархга”, – деб жавоб берди у аёл. Бошим гангиб, таажжуб билан: “Бўлмаган гапдир-е”, деб турсам, хотин каниза-кларидан бирига буюрган эди, у саватимда жамланган олтинга нисбатан икки ҳисса кўпроқ тилла келтирди. Шундан кейин Жаъфар: “Мен эса қўлимдаги яримта лўяни шу ердаги барча олтинларга қараганда икки ҳисса кўп нархга оламан” деди-да, менга қараб: “Лўяннинг пулини ол” деб қўйди.

Шу пайт Жаъфар ходимларидан бирига буюрган эди, у барча олтин-

ларни жамлаб саватимга солди, мени уни кўтариб, севинч билан уйимга йўл олдим.

Шундан кейин Басрага келиб худди ўша пуллар билан савдо ишини бошлаб юбордим; ишларим ривож топиб кетди. Борди-ю, сенга ҳар йили Жаъфар қилган эҳсоннинг бир қисмини бериб тургудек бўлсам ҳам, ҳеч қандай зарар кўрмайман.

Жаъфарнинг хайру саховатини қаранг-а! У тириклигида ҳам ўлганидан кейин ҳам мақтовга сазовор бўлди.

ИЛМ ВА АҚЛНИНГ ФАЗИЛАТИ

Ривоят қилишларича, бани Аббос халифалари орасида барча илмларда Маъмундан кўра билимлироқ халифа

бўлмаган экан. У ҳар ҳафтада икки кунни олимлар мунозараси билан ўтказар, шу кунларда унинг ҳузурида қонуншунослару мутакаллимлар¹ ўз табақа ва мартабаларига мувофиқ ўтириб баҳс қилишаркан.

Кунлардан бирида, Маъмун олимлар билан ўтирган экан, жулдур кийим кийган бегона бир одам мажлисга кириб, панароқ бир жойдан ўрин олибди. Олимлар сўз бошлаб, мушкул масалаларни ҳал қилишга киришибдилар. Одат бўйича ҳар бир масала мажлис аҳлларининг ҳар биридан бирма-бир сўралар ва ҳар ким бирон латиф ва қизиқ жавоб топиб айтаркан. Масала айланиб ҳалиги бегона

¹ *Мутакаллим* – диний илмлар билимдони.

кишига етиб келгач, у сўз бошлаб, барча қонуншуносларнинг жавобидан кўра аълороқ жавоб берибди.

Маъмун бегона кишининг жавобини мақбул топиб, уни олдинги жойидан юқорироқ ерга ўтказишни буюрибди.

Иккинчи масала ўртага ташланиб, жавоб навбати унга етганда, биринчи масалага берган жавобидан кўра ҳам ажиброқ жавоб қайтарибди. Амир ал-мўминин уни боягидан ҳам юқорироқ ерга ўтказишни амр этибди. Учинчи масала ҳам айланиб у кишига етгач, аввалги иккала жавобига қараганда ҳам тўғрироқ ва чиройлироқ жавоб берибди. Шундан кейин Маъмун уни ўзига яқинроқ жойга ўтказишни буюрибди.

Мунозара тугагач, сув келтириб,
қўллар ювилибди-ю, таомлар тор-
тилиб, овқат ейилибди. Ниҳоят,
қонуншунос олимлар ўринларидан
туриб чиқиб кетибдилар. Бироқ Маъ-
мун ҳалиги кишига жавоб бермай,
уни ўз ёнига чақириб, меҳрибонлик
кўрсатибди, инъом-эҳсон беришга
ваъда қилибди.

Бир пайт ажойиб надимлар
йиғилибди-да, шароб мажлиси муҳайё
қилиниб, май косалари даврада айла-
на бошлабди. Навбат ҳалиги кишига
етгач, у ўрнидан туриб:

– Агар амир ал-мўминин изн бер-
салар, айтадиган бир сўзим бор, –
дебди. Халифа:

– Истаганингни айт, – деб ижозат
берган экан:

– Раъйи олийга маълумки, – деб сўз бошлабди нотаниш олим, – бугунги шарофатли мажлисда олим ва фузалоларнинг энг билимсизи ва пастларидан эдим; мендан зоҳир бўлган озгина ақл ва билим туфайли амир ал-мўминин мени чақириб, ўзларига яқинлаштирдилар. Бошқаларга нисбатан юқорироқ мартабага кўтардилар ва менинг хаёлимга келмаган даражага етказдилар. Энди у киши мени хорликдан кейин азиз қилган ва тангликдан сўнг фароғатга етиштирган ўша озгина ақлни мендан айирмоқчилар. Амир ал-мўминин каминадаги шу ақл, билим ва фазилатга қасд қилмасинлар, чунки қулингиз шароб ичса, ундан ақл кетиб, жаҳолат келади, адаб қочиб, илгариги паст даражага тушиб, одам-

лар наздида яна ҳақир ва номаълум бир одам бўлиб қоламан. Раъйи олийдан умидим шуки, у киши фазилат, саховат ва хуштабиатлари туфайли каминадан шу гавҳарни айғирмасалар.

Халифа Маъмун ундан бу сўзларни эшитгач, уни мақтабди, ташаккурлар айтиб, хурматини яна ҳам оширибди. Кейин унга юз минг дирхам пул, бир от ва яхши кийим инъом қилибди. Шундан кейин ҳар мажлисда бошқа қонуншунос олимларга қараганда унинг мартабасини ошириб, ўзига яқинроқ ердан жой берадиган бўлибди. Ниҳоят, у барча олимлар орасида энг юқори мартабага эришган экан.

АНУШЕРВОН БИЛАН ОҒИЛА ҚИЗ

Анушервон бир кун от миниб овга чиқибди-да, бир кийикнинг кетидан қувиб, лашкарларидан ажралиб кетибди. Шу тариқа анча йўл босгандан кейин узоқда бир қишлоқ кўринибди. Қаттиқ чанқаб қолган экан, ўша қишлоққа борибди, йўл устидаги бир эшикни қоқиб, сув сўрабди.

Бир қиз чиқиб, уни кўрган замониёқ уйга қайтиб кирибди-да битта шакарқамишни сиқиб, чиққан ширасини сув билан аралаштирибди, кейин бир косага солиб, устига тупроққа ўхшашу, лекин хушбўй нарсдан бир оз қўшиб, Анушервонга татибди. Шоҳ косада тупроққа ўхшаган нарсани кўргач, оз-оздан ичиб охирлатибди. Сўнгра қизга қараб:

– Эй қиз, қандай ширин ва ажойиб сув экан бу! Аммо ичидаги лойқатиб турган қуйқаси бўлмаганда яна ҳам яхши бўларди, – деган экан.

– Эй меҳмон, – дебди қиз, – лойқатиб турган қуйқани атайлаб солдим. Шоҳ:

– Нега бундай қилдинг? – деб сўраса, у шундай жавоб берибди:

– Қарасам қаттиқ чанқаган экансиз, сувни бир хўплашдаёқ ичиб қўйсангиз, зарар кўрасиз деб қўрқдим. Лойқаси бўлмаганда, шундай бўлиши мумкин эди.

Подшоҳи одил Анушервон қизнинг сўзига, заковати ва ақлига таажжуб қилиб, унинг айтган гаплари тўғри, фаҳми ўткирлигига қойил қолибди.

– Ҳалиги сувни нечта қамишдан сиқиб олган эдинг? – деб сўрабди шоҳ.

– Битта қамишдан, – деб жавоб берибди қиз.

Анушервон хайратда қолиб, қиздан шу қишлоқдан олинадиган хирожнинг рўйхатини сўрабди. Қараса, олинадиган хирож оз экан. “Битта қамишдан шунча сув чиқадиган қишлоқнинг хирожи неча бунчалик оз”, – деб, пойтахтга қайтгач, бу қишлоқдан олинадиган хирожни кўпайтирмоқчи бўлибди.

Шу мақсад билан қишлоқдан чиқиб, ов қидириб кетибди. Кечга яқин ёлғиз ўзи қишлоққа қайтиб келиб, ҳалиги эшикдан яна сув сўрабди. Ўша қизнинг ўзи чиқибди-да, подшоҳни таниб, сув олиб чиқиш учун қайтиб кирибди-ю, ҳадеганда чиқавермабди. Ниҳоят, қиз чиққач, Анушервон ундан:

– Нега кечикиб кетдинг? – деб сўраган экан, у шундай жавоб берибди:

– Чунки битта қамишдан кифоя қиларли сув чиқмади. Учта қамишни сиқдим, шунда ҳам олдинги битта қамишдан чиққанча сув ололмадим.

– Бунинг сабаби нимада? – дебди Анушервон.

– Сабаби шуки, – дебди қиз, – султоннинг нияти ўзгарди.

Шоҳ:

– Буни қаёқдан билдинг? – деб сўрган экан, қиз бундай жавоб берибди:

– Оқил одамларнинг айтишича, одамларга нисбатан султоннинг нияти ўзгарса, улардан барака кўтарилиб, хайру эҳсон камаярмиш.

Анушервон кулиб, ўйлаб қўйган фикридан қайтибди. Қизнинг заковати, фаҳми ва чиройли гаплари шоҳга жуда маъқул тушиб, уни ўзига хотин қилиб олган экан.

ОҚИЛА АЁЛ

Подшоҳлардан бири фуқаросининг аҳволидан хабар олиш учун яширинча саройдан чиқиб, ёлғиз ўзи катта бир қишлоққа кириб борибди. Чанқаб, қишлоқдаги бир ҳовлидан сув сўрабди. Чиройли бир аёл кўзачада сув олиб чиқиб тутибди, шоҳ уни олиб ичибди. Подшоҳ хотинга мафтун бўлиб, ўзига даъват этибди. Хотин подшоҳни танир экан, уйига олиб кириб ўтқазибди-да, қўлига бир китоб бериб:

– Мен у ёқ-бу ёғимни тузатиб кел-
гунимча зерикиб қолмай, мана шу ки-
тобни кўриб ўтиринг, – дебди.

Подшоҳ китобни ўқиб ўтириб,
бирдан зинодан сақланиш ва зино
қилганлар учун Худо қандай азоблар
беражаги ҳақидаги жойига кўзи ту-
шиб қолибди. Унинг бадани жимирлаб
тавба қилибди ва аёлни чақирибди-да,
китобни бериб, чиқиб кетибди.

Хотиннинг эри келгач, воқеани
унга гапириб берибди. У ҳайрон
бўлиб, хотинидан гумонсирабди-да,
шундан кейин у билан яқинлашишга
ботинолмабди. Шу йўсинда бир қанча
муддат ўтибди. Хотин бу аҳволдан
қариндош-уруғларини хабардор қил-
ган экан, улар куёвларини подшонинг
олдига олиб боришибди. Подшоҳ
ҳузурига киргач:

– Худо подшоҳнинг мартабасини улур қилсин! – дейишибди хотиннинг қариндошлари. – Бу одам экиш учун биздан ижарага ер олган эди, маълум муддат экиб юрди, кейин ташлаб қўйди. У ердан нари кетмайди-ю, биз уни бошқа экадиган одамга ижарага беролмаймиз, на ўзи экади. Натижада ерга жабр бўляпти. Ташлаб қўйганидан кейин ер вайрон бўлади, деб чўчияпмиз.

Подшоҳ аёлнинг эридан:

– Ерингни экишга нима монелик қияпти? – деб сўраган экан, у киши шундай жавоб берибди:

– Худо подшоҳнинг мартабасини баланд қилсин! Эшитишимга қараганда, у ерга шер кирган эмиш. Ундан чўчиб, еримга яқинлашолмадим, чунки шер билан

олишиш қўлимдан келмаслиги ўзимга маълум, ундан қўрқаман.

Подшоҳ масалани тушуниб:

– Эй фалончи, – дебди унга, – шер ерингга оёқ босгани йўқ. Аммо еринг экишга жуда арзир экан. Эка бер, Худо баракангни берсин! Энди шер унга кўз олайтирмайди!

Подшоҳ шу сўзларни дегач, у одам билан хотинига яхши ҳадялар бериб, чиқариб юборган экан.

ХУСУМАТ САБАБИ

Бир султон саройида ақл-заковат ва фахм-фаросатда ягона бир амирзодани кўрдим. Ҳали гўдаклик вақтларидаёқ пешонасида буюклик аломатлари намоён эди.

Хулосаи калом, султоннинг назида манзур бўлди, чунки суратда соҳибжамол, ақл-идроқда баркамол эди. Донишмандлар ҳақ гапни айтганлар: “Бойлик молда эмас, камолда, ақл ёшда эмас, бошдадир”. Кунлардан бир кун амирзоданинг ҳамқатори бўлган бир гуруҳ мансабдорлар амалига ҳасад қилиб, уни хоинликда айбладилар ва ўлдиртириб юборишга беҳуда уриндилар.

Султон амирзодани ўз ҳузурига чорлаб, ундан:

– Уларнинг сенга бунчалик хусумат қилишларининг боиси нима? – деб сўради. Амирзода шундай жавоб берди:

– Шаҳаншоҳимнинг сояи давлатларидан – илоҳим, давлатлари барқарор бўлсин – ҳаммани ўзимдан рози ва

мамнун қила олдим, аммо ҳасадчиларни рози ва мамнун қилиш учун мен неъмату давлатимдан махрум бўлмоғим керак.

ДАРДНИНГ ДАВОСИ

Ўтмиш подшоҳларидан бири жуда ёмон дардга мубтало эдики, касалининг номини атамаслик яхшироқдир. Бир гуруҳ юнон табиблари бу дардга фалон сифат ва фалон хосиятга молик бўлган одамнинг ўтидан бўлак даво йўқдир, деган қарорга келдилар. Подшоҳ шундай одамни топиб келишга фармон берди. Бир деҳқон ўғлини топдилар, унда табиблар айтган барча сифатлар мавжуд эди. Подшоҳ бола-нинг ота-онасини чақиртириб, уларга талай мол-дунё бериб рози қилди.

Қози: “Подшоҳнинг саломатлигини сақламоқ учун фуқароларидан бирининг қонини тўкмак раводир”, деб фатво берди. Жаллод боланинг бошини кесишга ҳозирланди. Бола осмонга боқиб, табассум қилди. Подшоҳ ундан сўради:

– Шундай ҳолатда табассум қилишининг боиси нима?

Бола жавоб берди:

– Фарзанднинг нозини ота-она кўтаради, даъво билан қозининг ҳузурига борадилар, подшоҳдан адолат тилайдилар. Ҳозир ота-онам дунё моли учун ўлимимга рози бўлдилар, қози фатво берди, подшоҳ бўлса, мени жондан жудо қилиб, ўзи шифо топмоқчи. Оллоҳи таолодан бўлак паноҳим йўқ экан, шу жихатдан кулдим.

Бу сўзни эшитган подшоҳнинг кўнгли пора-пора бўлиб кетди, кўзларидан шашқатор ёш оқиб, деди:

– Бегуноҳнинг қонини тўкиб шифо топганимдан кўра ўлганим яхшироқ.

Кейин болани бағрига босиб, юз кўзидан ўпди-да, беҳисоб совғалар бериб, озод қилиб юборди. Дейдиларки, ўша ҳафтада подшоҳнинг дарди шифо топди.

ФОШ БЎЛГАН АДОВАТ

Амир ибн Лайснинг қулларидан бири қочди. Бир неча одамлар қулни ахтариб топиб, тутиб келдилар. Вазир бу қулга қарши адоват сақларди, у бошқаларга ибрат бўлсин учун қулни ўлдиришни буюрди. Қул Амир ибн Лайснинг оёғига йиқилиб деди:

– Мен шу хонадоннинг ноз-неъматини еб нашъу намо топганим сабабли тонгла қиёматда менинг қоним гарданингизда қолишини ис-тамайман. Рухсат этинг, мен аввал бу вазирингизни ўлдирай, сўнгра унинг қасосини олмоқ учун сиз мени ўлдирасиз. Шунда менинг қонимни ноҳақ тўкмаган бўласиз.

Подшоҳ бу сўзни эшитиб, кулиб юборди-да, вазирга боқиб:

– Хўш, сен бу сўзга нима дейсан?
– деб сўради. Вазир деди:

– Эй подшоҳи олам, отангиз-нинг қабри ҳурмати, бу ҳаромзо-дани озод этинг, акс ҳолда у мени балога гирифтор қилади. Менинг ўзим гуноҳқорманки, ҳукамоларнинг сўзларини инобатга олмадим.

ОЛИЖАНОБ АМАЛДОР

Завзан ҳукмдорининг олижаноб ва хушфеъл бир амалдори бор эди. У ҳар кимни иззат-икром этарди ва ортидан эса яхши сўзлар айтарди. Иттифоқо, унинг бир ҳаракати подшоҳга манзур бўлмай қолди, молини мусодара қилиб, ўзини жазолашга буюрди. Подшоҳнинг лашкарбошилари амалдорнинг аввалги қилган яхшиликлари учун миннатдор бўлишлари лозимлигини унутмаган эдилар, шу сабабдан ҳибсда ётган маҳалда унга ёмонлик қилмадилар, иложи борича яхши муомалада бўлдилар.

Амалдор подшоҳ томонидан қўйилган айрим айбларни рад эта олди, қолганлари учун зиндонда қолди. Қўшни подшоҳлардан бири махфий

равишда унга қуйидаги мазмунда мактуб юборди: “Мамлакатингиз подшохи сиздай бир олий зотнинг кадрига етмади, сизни беҳурмат қилди. Агар жаноблари (Оллоҳ яқин фурсатда сизни зиндондан халос айласин) лутф этиб, бизнинг тарфимизга ўтишга майл кўрсатсалар, ҳар нимаики ихтиёр этсалар, муҳайё қилинур. Юртимизнинг барча аъёнлари сизни кўрмоққа ва жавобингизга муштокдурлар”.

Бу мактуб мазмунидан хабардор бўлган амалдор хавф-хатарни ўйлаб, дарҳол мактубнинг орқасига, башарти бировнинг қўлига тушса, ўзига зиён-заҳмат етказмайдиган қилиб, қисқагина жавоб ёзди-да, жўнатиб юборди.

Подшоҳ яқинларидан бири бундан хабар топиб, унга етказди: “Сен зиндонга ташлатганинг фалон одам қўшни мамлакатларнинг подшоҳлари билан хат ёзишиб турар экан”, деди.

Подшоҳ дарғазаб бўлиб, бу хабарни текширишни буюрди. Чопарни тутиб, мактубни ўқидилар. Мактубда шундай ёзилган эди:

“Ҳазратларининг биз каминаи камтарин қуллари ҳақида хаёллари биздаги фазилатдан неча бор зиёдадир, таклифингизни қабул этиш масаласига келганда, уни қабулидан ожизман, зероки, шу хонадоннинг неъматидан баҳраманд бўлиб тарбия топганман, валинеъматнинг сал майли ўзгаргани учун кўрнамаклик қилмоқ инсон шаънига ярашмас!”

Амалдорнинг олижаноблиги подшоҳга манзур бўлди, унга қимматбаҳо кийим-бош ва нозу неъматлар эҳсон қилди ва узр сўради:

– Хато қилдим, сени ноҳақ хафа қилдим!

Амалдор деди:

– Эй подшоҳи олам, мен бу ишда сиз томондан содир бўлган ҳеч қандай хатони кўрмайман. Афтидан, тақдири илоҳий билан бошимга шу ишлар келмоғи лозим экан, хайриятки, бу иш сизнинг қўлингиз бўлди, чунки менинг гарданимда қарзингиз бор.

ЭҲТИЁТКОРЛИК

Бир кун Нўширавоннинг вазирлари бир муҳим давлат ишини муҳокама қилишар ва ҳар кимса ўз фикрини

баён этарди. Подшоҳ ҳам бир фикр айтди. Бузургмеҳр подшоҳнинг фикрига қўшилди. Бошқа вазирлар яширинча ундан сўрадилар:

– Шоҳнинг фикрида қандай фазилат кўрдингки, уни барча аҳли донолар фикридан юқори қўйдинг?

Бузургмеҳр деди:

– Ишнинг оқибати маълум эмас, кимнинг фикри тўғри, кимнинг фикри нотўғри чиқажагини ҳеч кимса билмайди, подшоҳ фикрининг маъқуллаганимнинг сабаби шуки, унинг айтгани рост чиқмаган тақдирда ҳам ғазабидан омонда бўламан.

СУКУТ САБАБИ

Бир неча олимлар Нўширавон ҳузурда бир муҳим масалани муҳокама

қилмоқда эдилар. Улар орасида энг мўътабари бўлган Бузургмеҳр сукут қиларди. Ундан:

– Нима учун бу мубоҳасага иштирок этмаётибсан? – деб сўрадилар. Бузургмеҳр жавоб берди:

– Вазирлар бамисоли табибларга ўхшайдилар, табиб эса, беморга доридан бошқа нарса бермайди. Фикрларингиз тўғри эканини кўриб турганим ҳолда гапга аралашмоғим ҳикматдан эмасдир.

БЕДАРД ОДАМ ЙЎҚ

Бир подшоҳ хасталаниб, узоқ ётиб қолибди. Табиблар даво тополмабди. Ниҳоят сайёҳ бир ҳаким подшоҳ яқинларига:

– Агар ҳеч дарди йўқ бир инсоннинг кўйлагини кийдирсангиз, касалшифо топади, – дебди.

Буни эшитганлар бундан осони борми дея кўйлакни сўраб-суриштира бошлабдилар. Бироқ, дардим йўқ, дегувчи топилмабди. Шаҳарнинг бойларига, мансабдорларига учрабдилар. Ҳаммаси олам-жаҳон дарди борлигини айтишибди. Ниҳоят эшикма-эшик юриб излаганлари ҳолда ҳам дарддан шикоят этмаган одам топилмабди.

Шундан сўнг кўшни шаҳарларга хабарлар юбориб, дарди йўқлар бўлса, подшоҳ хурсанд қилишини билдиришибди.

Ниҳоят бир кун кўшиқ айтиб, тоғдан ўтин териб келаётган бир кишига рўбарў бўлиб ундан:

– Ота, дардингиз йўқми? Нега хурсандсиз? Устингизда юк, хиргойи қилиб келяпсиз?

– Нима дардим бўлсин, ҳеч қандай дардим йўқ, – дебди у киши.

Ишонмай қайта-қайта сўрашибди. Шу жавобни такрор эшитгач:

– Жиддий сўзлаётган бўлсангиз, сизни хурсанд қиламиз. Бизга кўйлагингизни беринг, биз оғирлигига тенг пул берамиз, – дебдилар унга.

Киши жавоб берибди:

– Жиддий айтяпман, ҳеч қандай дардим йўқ. Аммо, афсуски, кўйлагим ҳам йўқ.

Шундан кейингина унинг аҳволига аҳамият берибдилар: ростдан ҳам унинг кўйлаги йўқ экан.

КОСА ТАГИДАГИ НИМКОСА

Умавия халифаларидан Умар ибн Абдулазиз бошқа бир шаҳардан келган одамдан сўради:

– Менинг амалдорларим сизлар билан қандай муомала қиладилар?

У одам жавоб берди:

– Катта ва бош ариқнинг суви тиниқ, тоза, пок бўлса, ундан ажралиб чиққан ариқчаларда оқадиган сувлар ҳам тиниқ ва тоза бўлади.

ТАМАГИР

Қадим замонда сахийлиги билан ном чиқарган бир подшоҳ ўзининг кишиларидан бирига:

– Мен бир кишига минг танга бермоқчиман, сен нима маслаҳат берасан? – деди.

– Бунча кўп пулни бир кишига бериб бўлмайди, – деб маслаҳат берди у киши.

– Яرمىсини бир кишига берсам бўладими?

– Кўплик қилади.

– Учдан бирини берсам-чи?

– Кўплик қилади.

– Тўртдан бирига маслаҳат берасанми?

– Бу ҳам кўп.

Шундан кейин подшоҳнинг у яқин одами бир кишига фақат юз танга беришни маслаҳат бериб:

– Бир кишига юз танга бериш кўп бўлса ҳам, майли, юз танга

бера қолинг, – деди. Подшоҳ унинг қарорини эшитиб:

– Қандай бахтсиз одам экансан? Мен бу минг тангани сенга бермоқчи эдим. Берган маслаҳатинг соясида минг тангадан ўзингни маҳрум қилдинг ва мени саховатдан ман айладинг, – деди.

У киши подшоҳнинг сўзини эшитиб пушаймонлик ўтида ёнди:

– Мен хато иш қилдим, мендан марҳаматингизни дариф тутманг, – деди.

Подшоҳ унинг ялиниб-ёлворишига илтифот қилмай:

– Сен азоб-уқубатга лойиқ бўлган, эҳсонга қобил бўлмаган ҳимматсиз, пасткаш одам экансан. Ўзингга ҳам, менга ҳам зиён етказдинг. Менинг

зиёним: агар ўша минг тангани бир кишига берсайдим, сахийлик билан машҳур бўлардим, мурувватим овозаси боқий қоларди. Шунча пулдан маҳрум бўлиш билан сен зиён тортидинг. Энди ўз қароринг бўйича сенга юз танга бераман, мана ол, бундан кейин менинг мажлисимда асло пасткашлик қилмагил, – деди. У яқин кишисига юз танга бериб, ҳузуридан чиқариб юборди.

РИВОЯТЛАР ОЛИНГАН АДАБИЁТЛАР:

Абдурахмон Жомий. Баҳористон (Шоислом Шомухамедов таржимаси). – Тошкент, 1997.

Аждодлар ўгити (Тўпловчи ва таржимон Бўриной Аҳмедов). – Тошкент, 1991.

Калила ва Димна (Суйима Фаниева таржимаси). – Тошкент, 1988.

Комил Аваз. Суҳбатларда сараланган сатрлар (Насрий манзумалар). – Тошкент, 1992.

Машриқзамин – ҳикмат бўстони (Тўпловчи ва таржимонлар Ҳамиджон Ҳомидий ва Маҳмуд Ҳасаний). – Тошкент, 1997.

Минг бир кеча. – Тошкент, 1986.

Роҳиблар ҳақида 32 ҳикоят (Гулнора Муҳаммадёрова, Амир Файзулла, Файзи Шоҳисмоил таржималари) // “Жаҳон адабиёти”, 1998, 6-сон.

Савдий Шерозий. Гулистон (Огаҳий таржимаси). – Тошкент, 1993.

Тўлепберген Қаипбергенов. Қорақалпоқнома. – Тошкент, 1993.

Убайд Зоконий, Муҳаммад Авфий, Фахриддин Али Сафий, Абул Фароҳ. Ҳикоят ва

ривоятлар (Тўпловчи ва таржимон Кибриё Қаҳҳорова). Иккинчи нашри. – Тошкент, 1987.

Файзулла Бойназаров. Антик дунё. – Тошкент, 1989.

Фахриддин Али Сафий. Латофатнома (Ҳожи Сотимхон Ҳожа Инъом Мунаввар таржимаси). – Тошкент, 1996.

Чингиз Айтматов, Мухтор Шохонов. Чўққида қолган овчининг охи-зори (Набижон Боқий ва Ёқубжон Хўжамберди таржимаси). – Тошкент, 1998.

Sharq rivoyatlari (To‘plovchi E. Ochilov). – Toshkent, 2010.

Шукрулло. Жавоҳирот сандиғи (Тўлдирилган қайта нашри). – Тошкент, 1983.

Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 1977.

Ўткир Ҳошимов. Дафтар ҳошиясидаги битиклар // “Жаҳон адабиёти”, 1998, 3-сон.

Ҳикматли латифалар ва нишонга урилган сўзлар (Тўпловчи ва таржимон Муҳаммад Собир). – Тошкент, 1996.

Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент, 1989.

Адабий-бадший нашр

Ҳикоят ва ривоятлар олами

АДОЛАТ ТАРОЗИСИ

Иккинчи нашри

Муҳаррир *А. Файзуллаев*

Бадий муҳаррир *Ҳ. Қутлуков*

Техник муҳаррир *Т. Харитоновна*

Кичик муҳаррир *Г. Ералиева*

Мусахҳиҳ *С. Салоҳиддинова*

Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова,*

Г. Қулназарова

Нашриёт лицензияси АІ № 158, 14.08.09.

Босишга 2018 йил 30 ноябрда рухсат этилди.

Офсет қоғози. Бичими 60x84¹/₆₄.

«Peterburg» гарнитурасида офсет усулда босилди.

Шартли босма табоғи 4,19.

Нашр табоғи 4,77. Адади 10000 нусха.

Буюртма № 18-315.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
“O‘zbekiston” нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100011,
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

Адолат тарозиси: ҳукмдор-
О 52 лар ҳақида ривоятлар/тузув-
чи: Э. Очилов.— Тошкент:
Ўзбекистон: 2018. — 288 б.

ISBN 978-9943-01-902-7

Тарихда ном қолдирган буюк шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамиша турли афсонаю ривоятларга кўмилган бўлади. Машҳур ҳукмдору амир-амалдорлар ҳам бундан мустасно эмас. Ушбу тўплам Искандар Зулқарнайн, Анушервони одил, Хисрав Парвез, Хорун ар-Рашид, Маҳмуд Ғазнавий, Амир Темур каби жаҳоний шухратга эга салтанат соҳиблари, Бузургмехр, Жаъфар Бармакийдек донишманд вазирлар, баъзи ҳокиму амирлар тўғрисидаги ибратли ҳикоят ва ривоятлар асосида тузилди.

УЎК: 821-512-133-3
КБК 84(4Ў)6